Халқимизнинг асрий орзу-умидлари ушалиб, Ўзбекистон мустақилликка еришди. «Диёримиз кишилари қадим замонлардан, - деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Президйенти И.А.Каримов, - ўзларига маълум бўлган инсоният билан ҳамфикр бўлиб келдилар, яқиндан алоқа боғлаб яшадилар. Бунга кўпдан-кўп мисоллар бор. Осиёнинг қаъридан Яқин Шарққа, Оврупага ва Африкага олиб борадиган Буюк Ипак йўли. Бутун маданий оламга таниқли олимлар ва мутаффакирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сингари давлатлар ва шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуғ аждодларимизнинг ижодиёти ўзининг улуғворлиги, гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирмоқда».[1] Мустақиллик шарофати билан боболаримиз қолдирган бой маданий маънавий меросини ўрганиш учун олдимизда кенг йўллар очилди. Бизга насиб етган

[1] Karimov I.A. «O'zbekiston o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li». T. «O'zbekiston»., 1992 y. 67-bet.

истиқлол пойдеворини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитлар йетарли, танланган йўлимиздан орқага қайтмай, фақат олдинга интилмоқдамиз. Президйент И.А.Каримов уқтирганидек: «Олдимизда турган енг муҳим масала – бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва уни ҳаётимизга татбиқ етишдир».[2]

Бинобарин, биз тарихчи олимлар олдида турган асосий вазифа – Ўзбекистонинг буюк тарихини аждод-авлодларимизнинг тарихини илмий холисона яратишдир. Бунда олимларимизга тўғри равон йўллар очиб берилди. Президйент И.А.Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар билан учрашувида тарихнинг миллат ва мамалакат тақдиридаги ўрни, вазифасига тамомила янгича назар билан қаралди ва янгича ёндошув зарурлигини уқтирди. Учрашувда тилга олинган масалалар Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда еълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида», деб қабул қилинган қарорида ўз ифодасини топди. Бу тарихий қарорда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини илмий асосда холисона ўрганиш, тадқиқотлар замонавий талабларга жавоб берадиган йетук, салоҳиятли кучли тарихчилар мактаби яратиш вазифалари белгилаб берилди. Тарих асосида ёш авлодни мустақиллик, еркинлик, ўз-ўзини англаш руҳида тарбиялаш, ота-боболаримиз меросини тўғри, холисона ўрганиш учун катта ишлар амалга оширмоқ лозимдир. Асрлар давомида халқ, миллат маданияти, маънавияти оёқ ости қилинди, ески тузумдан қолган ҳамма асоратларни йўқотиш зарурдир. «Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни йенгиб бўлмас екан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиримиз зарур»,[3] – дейди И.А.Каримов. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ҳаққоний тарихини яратиш учун жуда бой, хилма-хил ҳужжатларни, турли даврларда яшаган кишиларнинг есдаликларни, архив ва статистик матйериалларни синчковлик билан ўрганиш, таҳлил-тадқиқ етиш талаб қилинади.

Фан тарихи манбашунослиги Олий ўқув юртларининг янги ўқув режасига киритилган муҳим фанлардан биридир. Тарих бўйича мутахассис бўлиб чиқувчи ҳар бир талаба бу фанни билиши керак. ҳукуматимиз томонидан чиқарилган бир қатор қарорларда ўқув юртларида халқимиз тарихини жонли равишда муҳим тарихий воқеалар ва фактлар асосида хронологик тартибда ўрганиш талаб қилинади. Бу талабни бажариш учун тарих ўқитувчиси албатта манбалардан хабардор бўлиши лозим. Чунки тарихий воқеалар ва фактлар ҳақидаги манбалар бизгача бевосита ахборот беради. Демак, тарихий манбаларни ўрганмасдан туриб, бўлиб ўтган тарихий воқеалар тўғрисида тегишли билимга ега бўлиш мумкин емас. Фақат манбалар билан танишган, унинг аҳамиятини аниқлаган, унинг ҳажми ва мундарижасини билган ҳолда тарих қайси ҳужжатлар асосида ёзилганлиги ҳақида тушунчага ега бўлиш мумкин.

Кишилик жамиятининг тарихи тўғрисида маълумот берувчи ҳар қандай ёдгорлик тарихий манба ҳисобланади. Тарихий манбаларга қўлёзмалар, нашр қилинган китоблар, қадимий урф-одатлар, нутқ елементлари, бошқача қилиб айтганда, тарихий ҳаётнинг ҳаммаси киради.

---

[2] Karimov I.A. «Buyuk maqsad yo'lidan og'ishmaylik». T., «O'zbekiston», 1992 y., 9-bet.
[3] Karimov I.A. «Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q». T., «Snarq», 1998 y., 24-25 betlar.

Тарихий манбалар бешта асосий шаклга ега бўлиши мумкин: 1) Ашёвий манбалар; 2) Етнографик манбалар; 3) Лингвистик манбалар; 4) Оғзаки манбалар; 5) Ёзма манбалар. Фан ва техниканинг ривожланиши билан манбаларнинг янги шакллари келиб чиқади. Масалан: фотография, кинофилмлар, овозни ёзиб олиш каби шакллари. Ашёвий манбалар орасида археологик ёдгорликлар алоҳида аҳамиятга егадир. Уларни ўрганиш ва текшириш катта натижаларга олиб келиши ва тарихчи учун янги материаллар бериши мумкин.

Ёзувлар вужудга келгунга қадар епик асарлар (епос – грйекча сўз бўлиб, достон, ривоят, афсона асарларини англатади) тарихни ўрганиш учун ягона манба еди. Ёзувлар ихтиро қилингундан сўнг еса тошлар ёки бинолардаги битиклар ва йилномалар – енг қадимги ёзма тарих манбалари ҳисобланади. Ўша даврдаги воқеаларнинг гувоҳлари ёки замондошлари ёзиб қолдирган манбалар кейинчалик хаттотлар, шоирлар томонидан қайта-қайта кўчирилган ёки оғиздан-оғизга кўчиб, бизгача йетиб келган манбалар қадимий манбалар ҳисобланади.

Хуллас, ҳозирга вақтда талаба ёшларнинг фан асосларини пухта егаллаб олиши кўп жиҳатдан ўқитиш ва ўқув-тарбия ишларининг қай тарзда ташкил етилиши, шунингдйек, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларининг йетарли бўлиши, айниқса, уларнинг мукаммаллиги ва умумий савиясига ҳам боғлиқдир. Бу муҳим масала Олий Таълим Вазирлигининг еътиборини жалб қилиши лозим.

1 Мавзу: Кириш: ФАН ТУШУНЧАСИ

Режа:

1. Фан тушунчаси.
2. Фан тарихи курсининг предмети ва асосий вазифалари.
3. Фаннинг вужудга келиши ва фан ривожининг тарихий шарт- шароитлари ҳамда босқичлари.
4. Фан аспектлари.

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан Фан тарихи фанига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, Фан юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Таянч иборалари:

Фан, техника, тараққиёт, сивилизасия, малака, тажриба, ихтиро, илк сивилизасия марказлари, Миср, Месопатамия, фаннинг тўрт босқичи, фан аспектлари: институт, метод, билимларни тўплаш, тараққиёт фактори, олам ва одам ўртасидаги фактор, жамият ва фан.

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут
Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради
- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут
- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут
- Янги мавзу баёни – 5 минут
- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут
- Синов саволлар намунаси – 10 минут
- Уйга вазифа бериш – 3 минут

Ўзбекистон халқи ўз олдига ҳуқуқий демократик жамият қуриш мақсадини қўйган ва бу йўлда дастлабки, лекин жуда муҳим қадамлар қўяётган жараёнда фанга бўлган еътибор кундан кунга ортмоқда. Негаки дунёнинг бугунги ривожи шундай бир мавқедаки, ҳал қилувчи омил ҳарбий қудратда емас, балки интеллектуал салоҳиятда, фикрда, ақлда, фан ва илғор технологиялардадир. Чунки фан ва техника олга силжиган сайин бетўхтов янгиланиб борадиган жараёндир. Шу борада Президентимиз И.А.Каримов томонидан лутф етилган: **“Куч - билим ва тафаккурда ҳамда унинг ривожида”** деган ҳикмат айнан бугун ва ертанги кун учун айтилгандир.

Юртбошимиз И.А.Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида фан тўғрисида шундай деган едилар:

“Умуман мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан. Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, ертанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий қонуният еканлигини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётининг олга силжитувчи кучи, воситаси бўлмоғи лозим.” (“Тарихий хотирасиз келажак йўқ.” Мулоқот журнали, 1998 й 3 сентябр).

Дарҳақиқат жамият тараққиётининг асосий фактори бу - фан ҳисобланади. Иқтисоди ривожланган, демократик жамият қуришнинг янги стратегияси - бу фаннинг ҳам мазкур тизимда тутган ўрни ва ролини тубдан қайта қуришни, унинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш заруратини илгари суради. Ана шу зарурият бугунги халқимиз олдида турган буюк мақсадларни амалга ошириш учун керакли илмий хулосалар чиқариш учун фан ва техникага, унинг вужудга келиш тарихини ўрганишга, унинг ривожланиш босқичлари, жамият

тараққиётида роли ва аҳамиятини ўрганишга бўлган талаб ва еҳтиёжнинг ошиб боришига сабаб бўлмоқда.

Биз ўрганаётган “Фан тарихи” предметининг мақсад ва вазифалари ҳам Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти ва иқтисодини янада такомиллаштириш, ел-юртимиз омонлиги, фаравонлиги ва бахтли келажагини яратиш учун зарур бўлган илмий хулосалар чиқариш юзасидан хизмат қилмоги лозим.

Шундай қилиб жамият тараққиётининг асосий фактори бўлган фан ва унинг ривожланиши ҳар доим конкрет-тарихий шароитлар жараёни билан боғлиқ. Бу тарихий шароитлар жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш усуллари билан аниқланади.

Фан олдидаги вазифалар, фанга бўлган муносабат ва шароитларнинг барчаси жамият тараққиётининг босқичлари, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари билан, боғлиқдир. Чунки тарихда ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучлари еришган даражага жавоб бермаслиги натижасида фаннинг ривожига ва унинг ютуқларини жамиятда қўллашга бўлган тўсқинлик ҳолатлари жуда кўп учрайди. Шунинг учун фаннинг ривожланиши инсоният тарихида жуда нотекисдир. Фаннинг енг тез ривожланган босқичлари ҳатто айрим ҳолатларда турғунлик ва тушкинлик босқичлари билан алмашилган. Аммо жамият ҳаётида фаннинг аҳамияти ва унга бўлган еътибор умуман олганда доимий ўсиб борган. Чунки инсониятнинг бутун келажакка бўлган умиди фан прогресси жараёни билан боғлиқдир.

Бироқ ҳар қандай илмий тараққиёт жараёни жамият назорати остида бўлиши керак. Фанни бошқариш керак. худди шунинг учун ҳам бугун фан тараққиёти назариясини қуриш вазифаси ўта муҳимдир. Фанни бошқариш ва уни ташкил қилиш учун амалий тавсиянома бўлган умумий фан назариясини яратиш керак. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда фан тарихи ва унинг ривожланиши предметининг махсус фан сифатидаги актуаллиги ошиб бормоқда.

Қадимги дунёнинг енг йирик илмий марказлари бўлиб Миср, Месопатомия, Ҳиндистон, Хитой сўнгра Юнонистон ва Рим ҳисобланади. Бироқ «Фан тарихи»нинг ўзи ҳозирги кунда ўз тарихига ега. Унинг мустақил илмий фан сифатида тан олиниши 1892 йилда бўлиб ўтди, чунки шу йили Франсияда «Фан тарихи» бўйича биринчи махсус кафедра очилди. Ҳозирги кунда дунёда 100дан ортиқ шунга ўхшаш кафедралар, 40 дан ортиқ илмий текшириш институтлари ва илмий жамиятлар мавжуд. Фан тарихи бўйича шуғулланаётган олим сони ҳам доимий ўсиб бормоқда.

Фан тарихи яна ўзининг илк тарихига, яъни вужудга келиши тарихига ҳам ега. Чунки инсоният тарихи биздан анча узоқ бўлган ўтмишга бориб тақалади. Инсон ҳайвонат дунёсидан ажралиб чиққан вақтларданоқ табиатнинг тайёр маҳсулотларини, яъни йеса бўладиган бошоқлар, ўсимликларнинг барглари ва илдиз-меваларини ўзлаштириш учун турли усуллардан, қуроллардан фойдаланганлар. Бу еса ибтидоий одамларни яхши яшаш учун кураш заруриятидан келиб чиққан ҳолда табиатни, атроф-муҳитни кузатиш, ўрганиш ва шундан хулоса чиқаришга мажбур қиларди. Тошдан, ёғочдан ва суякдан ясалган меҳнат қуролларини такомиллаштириш, ов ва термачилик усулларини ўрганиш, бир сўз билан айтганда – ўз имконияти даражасидаги барча ишлар билан шуғулланиш жараёни инсоният тарихининг анча кейинги босқичларида **фан ва техника** деган буюк номни олди.

Археологик даврий тизимда инсоният тарихининг дастлабки босқичи бўлган «тош асри» анча узоқ даврни, яъни бундан 3-2 млн йиллар аввал бошланиб то ерамиздан аввалги 4-3 минг йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ана шу давр ичида ибтидоий одам табиатнинг тайёр маҳсулотларини ўзлаштириш, меҳнат қуролларини ва оловни, овчилик ва термачиликни, ўқ-ёйни, қоя тошларга расм чизиш ва аёллар статуеткаларини ясашни, деҳқончилик ва чорвачилик, кулолчилик ва кемачилик каби буюк кашфиётларни амалга оширди.

Инсон ҳаётидаги ҳар қайси янги қадам ўтмишдошларимиздан янада кўпроқ тажрибани, малакани ва билимларни талаб қиларди. Шундай қилиб аста-секин малака ва билимлар йиғиндиси тўпланиб борган ва авлоддан-авлодга ўтган.

Ерамиздан аввалги 3-1 минг йилликларни ўз ичига олган «бронза асри»га келиб деҳқончилик ва чорвачилик янада ривожланди. Бу орада тошга нисбатан анча мустаҳкам бўлган бронзадан янги меҳнат қуроллари мотига, плуг, ғилдирак ва бошқалар кашф қилинди. Фақат овчилик ҳисобига кун кўрувчилар учун хўжаликнинг бу турига бўлган еҳтиёж қисқариб, ҳаётий заруриятнинг янада ишончлироқ бўлган манбаи, яъни **қишлоқ хўжалиги**

вужудга келди. Бу даврда Миср, Месопатамия ва Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилик вужудга келди.

Фақат ғилдирак кашф етилишининг ўзигина сивилизасия ривожининг муҳим двигатели бўлди. Чунки ғилдиракнинг кенг қўлланилиши сув тегирмони, чиғир, чархпалакларнинг ва уларда қўлланиладиган гидравлик двигателлар ва ричагларнин кашф етилишига олиб келди.

Биринчи сивилизасия марказларидан бири бу Миср ҳисобланади. Мисрда дастлабки примитив кема ва қайиқлар қуриш оқибатида кейинчалик янада тез ва ишончли бўлган (парусли) йелканли кемалар кашф қилинган. Паруснинг кашф етилиши шамол енергиясидан фойдаланишда биринчи қадам бўлди. Кейинчалик шамол тегирмонлари кашф етилди.

Дастлабки сивилизасия марказларида шаҳарлар, саройлар, храмлар ва улкан пирамидалар қурилган. Биз ҳали ҳам ўша давр фан ва санъатининг бу меъморий обидаларига ҳайратланиб қараймиз.

Дж. Берналнинг таъкидлашича илк сивилизасиялар техника соҳасида катта прогрессга еришганлар. Масалан: бундан 5 минг йиллар илгари ясалган айрим буюмлар ўзининг даслабки кўринишини деярли ўзгартирмаганлар. Бизнинг стол ва стулларимиз – дейди Бернал – ўзининг ўша миср ҳунармадлари биринчи бор ясаган дастлабки кўринишини ўзгартирмаган. Масалан: кресло бундан 4500 йил аввал (ер.авв. 2500йил) ясалганлиги маълум. Биз ҳали ҳам ўша илк сивилизасия даврида ишлатилган тарелкаларга ўхшаш шаклдаги тарелкалардан фойдаланамиз. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. (Бернал . Дж. Наука истории обшества. Москва, 1956 г. с 81- 82).

Шундай қилиб дастлабки сивилизасияларнинг гуллаб-яшнаган даврлариданоқ фаннинг аҳамияти муҳим ўрин тутган. Шунинг учун биз фан тарихини ўрганишда инсоният тарихини унинг енг илк даврларидан бошлаб кузатиб, ўрганиб чиқишимиз керак. бу еса фан тарихи билан биргаликда бутун сосиал—иқтисодий тарихни ҳам ўрганишни тақозо етади.

Чунки «ФАН» (ссиенсе) сўзи инсоният тарихининг бутун еволюсияси давомида жуда кўп ўзгаришларни ўз бошидан кечирди.

Фан тарихи – бу техника, фан ва фалсафа ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро боғлиқлик йиғиндисидир. Бир томондан тартибга олинган техника йиғиндиси бўлса, иккинчи томондан расионалллашган мифологиядир. Чунки фан ҳунармандлар тажрибаси ва коҳинлар тарғиботи асосида вужудга келиб ёзув пайдо бўлганга қадар узоқ вақтлар давомида жамиятда фаолият кўрсатди. Бернал айтганидек – фан ёзув пайдо бўлгач ва ундан кейинги йилларда ҳам кўпроқ юқори табақа учун, руҳонийлар ва савдогарлар учун хизмат қилди.

Фақат кейинги уч юз йилликда фан ўз ҳуқуқига, адабиётига ва ташкилотига ега бўлган мустаҳкам профессия сифатида қарор топди. Биз юқорида айтганимиздек, юқори темпларда ривожланган сивилизасиялар узоқ давом етган турғунлик ва тушкунлик ҳолатлари билан алмашганлар. Вақт давомида илмий фаолият марказлари кўчиб турган ёки савдо-саноат марказлари кайерда ривожланса, фан ўша жойда ривожланган. Мисол тариқасида «Буюк географик кашфиётлар» туфайли Шарқ сивилизасиясининг Йевропага кўчишини келтиришимиз мумкин.

Бобил, Миср ва Ҳиндистон қадимги дунё фанининг марказлари еди. Юнонистон еса бу марказларнинг меросхўри бўлди. Шуни таъкидлаш жоизки, яъни худди шу Юнонистоннинг ўзида биринчи марта фан учун расионал базис ишлаб чиқилди. Римда фанга кам еътибор бериларди. Мерос кейинчалик Юнонистондан яна ўша Шарққа қайтиб, Сурияда, Форсда, Боғдодда ва Ҳиндитонда, Ўрта Осиёда, шунингдек узоқ Хитойда ҳам янги фан марказлари шаклланди. Ва фақат шу йерлардан – деб ёзади Дж.Бернал фан ва техника Ўрта асрлар Йевропасига кириб келди. Бу йерда фан ўзининг дастлабки кучсиз ва секин, кейинчалик буюк фаоллик билан ривожланиб ҳозирги замон фани вужудга келди.

Уйғониш даврида фан ривожининг тўрт асосий босқичга бўлиш мумкин:

<u>Биринчи босқич:</u> - илмий марказлар Италияда жамланди. Леонар да Винчи, Везамей ва Коперник олимлар йетишиб чиқиб, бу даврда антик давр олимларининг одам ва олам ҳақидаги доктриналари танқидий ўрганилиб, механика, анатомия ва астрономия фанлари вужудга келди.

<u>Иккинчи босқич:</u> - илмий марказлар Недерландия, Франсия ва Англияга ўтиб, бу давр олимлари Бекон, Галилей, Декарт ва Нютонлар оламнинг янги математика-механик моделини яратдилар.

Учинчи босқич: - бироз танаффуздан сўнг илмий марказлар саноат Англиясида ва инқилобий Парижда жамлана бошланди. Бу даврда електр соҳасида бир қатор експриментлар, тажрибалар ўтказилди, қайсиким юнон олимлари бу соҳага еътибор беришмагандилар. Худди шу даврда електр ёрдамида ишлаб чиқариш ва транспорт соҳасида катта ўзгаришлар қилинди.

Тўртинчи ва енг муҳим босқич – бизни давримизда бўлиб ўтган фан инқилоби бўлиб, бу даврда жаҳон фани вужудга келди ва у инсон ҳаётининг барча жабҳаларига кириб борди. Шу билан бирга бу давр фани бевосита даҳшатли уруш гирдобини келтириб чиқарувчи соҳаларга ҳам хизмат қилмоқда.

Қадимги Юнонистонда фан қулдорлик тузумининг товар-пул хўжалиги шаклланган ижтимоий-иқтисодий ҳаётини акс еттирди. Ўрта асрларда фан феодализм натурал економикасининг ривожи ва тушкунлик ҳолатларини акс еттириб, бу даврда фан ютуқларидан кам фойдаланилди.

Фақат феодал муносабатлар йемирилиб, капиталистик ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши билан фан ривожи учун кенг имкониятлар очилди ва бу ривожланиш юқорида айтганимиздек ҳозирги замон фанини вужудга келтирди.

Шундай қилиб, «Фан нима, унинг мақсади ва аҳамияти қандай?» деган саволга турли даврларда турлича жавоб бериб келинган.

Инсоният фаолиятининг маҳсули бўлган фан – ўзгарувчандир: Сивилизасиялар арафасида фан фақат ҳунармандлар, ошпазлар, коҳинлар, темирчилар фаолиятининг айрим жиҳатларини акс еттириб келган. Фақат ХВИИ асрга келибгина фан ўзининг мустақил фаолиятига ега бўла бошлади. (Дж.Бернал «Аспекти науки» – 18 стр.).

Фан ўз тараққиёти давомида ижтимоий ҳаётнинг барча тармоқларига кириб борган. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон фанининг бир қанча асосий аспектлари мавжуд ва улар қуйидагича: 1) фан-институт; 2) фан-метод; 3) билимларни тўплаш анъанаси; 4) ишлаб чиқариш ривожининг муҳим фактори; 5) олам ва одам ўртасидаги муносабатларнинг енг муҳим фактори;6) жамият ва фаннинг ўзаро боғлиқлиги.

Фаннинг институт сифатидаги ва ишлаб чиқариш факторлари сифатидаги жиҳатлари ҳозирги замон билан боғлиқ бўлса, унинг метод сифатидаги аспекти қадимги Юнонистонга бориб тақалади.

Фаннинг билимларни тўплаш ва узатиш аспекти, яъни ота-оналарнинг фарзандларга, усталарнинг шогирдларга тўплаган малакалари ва тажрибаларидан иборат билимларини узатиш фаннинг енг дастлабки манбалари бўлиб ҳисобланади ҳамда енг қадимги даврларга бориб тақалади.

Фаннинг кейинги аспектлари еса albatta жамиятнинг жуда кўп қиррали муаммоларини қамраб олади. Шундай қилиб фан ва техника сивилизасиянинг йетакчи кучи ва тараққиётининг қудратли омили бўлиши билан бирга у доимий янгиланиб боради. Янги кашфиётлар ва билимларнинг пайдо бўлиши илгари ҳеч қурилмаган суръатларда юзага чиқаверади.

Фан ва техниканинг жадаллашиб бораётган ривожланиш жараёни илмий – техника, тўғрироги, илмий – технология инқилоби (ИТИ) номини олди.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Фан тарихи курсининг предмети ва асосий вазифаларини тушунтириб беринг.
2. Фаннинг вужудга келиши ривожланиши шароитлари ва босқичларини таҳлил қилиб беринг.
3. Фан аспектлари деганда нимани тушунасиз?

Адабиётлар рўйхати

5) Абдунабийев А. “Вклад в мировую сивилизасию” Т.1998
6) Бернал Д.Ж. “Наука в истории обшйества” М.1956
7) Болград-Левин Т.М. “Древнийе сивилизасии” М. 1989
8) История древнего мира - Рассвет древних обшйеств, упадок древних обшйеств. М. 1988

2-Мавзу: Месопотамия фани ва маданияти.

Режа:

4. Месопотамияда ёзув ва илм даргоҳларини юзага келиши.
5. Илмий билимларнинг шақлланиш шарт-шароитлари.
6. Месопотамияда астрономия ва математика фанлари равнақи.
7. Тиббиёт ва ветеринария фанлари.

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан қадимги дунё фан тарихига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, Фан юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Таянч иборалар:

Месопотамия, ёзув, ибодатхона, билим, астрономия ва математика фанлари, филология , тиббиёт ва ветеринария, ҳаким (врач).

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут
Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради
- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут
- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут
- Янги мавзу баёни – 5 минут
- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут
- Синов саволлар намунаси – 10 минут
- Уйга вазифа бериш – 3 минут

Месопотамия маданияти қадимги замонда Олд Осиёнинг ҳамма халқлари ўртасида кенг ёйилган ва антик дунёнинг маданий тараққиётига зўр таъсир кўрсатган. Енг қадимги Шумер-Аккад замонидаги, ерамиздан аввалги ИВ-минг йиллик бошларидаги маданиятнинг давоми бўлган Бобил маданияти тўрт минг йил давомида наслдан-наслга ўтиб, ривожланиб борган ва ниҳоятда гуллаб-яшнаган. Шумер ва Аккад шаҳарлари ҳамда Еламнинг Месопотамияга ёндошган ва Икки дарё оралиғи билан šадимдан жуда яšин маданий-тарихий алоša қилиб келган областлари бу маданиятнинг енг қадимги марказлари бўлган.

Ёзувнинг ихтиро қилиниши шумер халқининг енг катта маданий ютуқларидан бири бўлган; Шумер ёзуви Уруқ даврида, ерамиздан аввалги ИВ-минг йилликнинг бошларидаёқ пайдо бўлган. қадимги замондаги бошқа халқларнинг ўзига алоҳида ёзув системаси пайдо бўлганидек Шумер ёзуви ҳам даставвал сурат ёзув тариқасида вужудга келган, бунда айрим сурат белгилар айтилмоқчи бўлган сўзни расм билан ифода етган.

Бироқ кўзга кўринадиган нарсалар ва ҳодисаларнинг енг қадимги белги-расмлари ёрдами билан бу оддий сурат ёзувда мураккаб тасаввурлар ва мавҳум тушунчаларни тасвирлаб бўлмаган. Шу сабабдан мирза бундай сўзларни ифода қилиш учун бир қанча турли хил белгиларни бир-бирига қўшиши керак булган. Масалан, «йиғлаш» сўзини ёзиш учун «кўз» ҳамда «сув»ни билдирадиган белгиларни šўшиб кўрсатиш лозим бўлган. «Ёмғир» сузи «юлдуз» (осмон) ва «сув» белгиларини бир-бирига қўшиш орқали билдирилган. «Туғиш» сўзи одатда «қуш» ва «тухум» белгиларини бир-бирига қўшиш билан ифодаланган. Ўз-ўзидан маълумки, бундай ёзув мураккаб, қўпол ва ноқулай бўлган. Тилнинг мураккаблашиб бориши ҳамда жуда кўп хилма-хил сўзларнинг ва грамматик формаларнинг пайдо бўлиши ёзув системасини соддалаштиришни талаб қилган. Шу муносабат билан қадимги сурат ёзувга (пиктографияга) асос булган тасвирий принсип юқола бориб, унинг ўрнини сўзнинг товуш томони (фонема)ни ёзма белгилар орқали ифода қилиш системаси аста-секин ола борган.

Турмуш шароитлари, бирор ҳужжатни тез ёзиш зарурияти енг қадимги замонлардаёк, шумерийларнинг бу жуда қадимги сурат ёзувини соддалаштиришни талаб қилган. Шу сабабдан бирор нарсанинг бутунича расмини чизиш урнига унинг фақат енг характерли қисмини чизиб, секин-аста расмни чизиқли схемага айлантира борганлар. Мисол учун «ҳўкиз» сўзини, одатда, ҳўкиз калласини тасвирловчи содда чизиқ /ш райем •ҳ, билан ифода қилганлар. Замонлар ўтиши билан белгилар «Блау лавҳалари» деб аталган лавҳалардаги қадимги Шумер ёзувлари сопол лавҳаларга алоҳида усул билан тушириладиган бўлган, шу муносабат билан тез ёзиш зарурати туғилган ва натижада ёзув белгилари янада кўпроқ схемалаштирилган ҳамда миххат системаси ишлаб чиқилган. Белгилар ҳали қотмаган лой лавҳалар устига уйиб туширилган, бу белгилар бора-бора илгариги сурат шаклини юқотган ва замонлар ўтиши билан вертикал, горизонтал ва егри туширилган пона михлар йиғиндисидан иборат турли хил формалар тусини олган.

Бобилликлар Шумер маданиятининг асосий елементлари билан бирга, шумерийлар миххатини ҳам қабул қилганлар, кейин еса Бобил савдоси ва маданиятининг кенг ривожланиши туфайли, бу миххат бутун Олд Осиёга ёйилган- Қадимги Аккадда, Оссурияда, Хетт давлатида, Урартуда, Сурия ва қадимги Еронда ҳам миххатдан фойдаланилган. Ерамиздан аввалги иккинчи минг йиллик ўрталарида миххат халқаро дипломатик ёзув системасига айланган. Ҳатто Олд Осиё подшолари билан ҳамда Сурия ва Финикия князлари билан жуда кўп хат ёзишиб турган Миср фиръавнлари ва амалдорлари ќам миххатдан фойдаланган.

Филология соҳасида баъзи билимлар орттириш йўлидаги дастлабки интилишлар ҳам, амалий аҳамиятга ега бўлган. Қадимги Месопотамияда тиллари бутунлай бошқа-бошқа бўлган ва ўзаро доим алоқа қилиб турган шумерийлар билан Аккад семитларидан иборат икки šабиланинг мавжудлиги бу тилларни ўрганиш учун турли мактаб šўлланмалари тузишни талаб šилган. Михсимон буринли белгилар (силлабарлар)нинг руйхатлари шу мақсад билан тузилган бўлиб, унда бу белгиларни шумер ва аккад тилларида қандай ўқитиш кераклиги ҳам курсатилган. Шумер ва аккад тилларида тегишли изоҳлар бериб тузилган михсимон идеограммалар (бутун-бутун тушунчаларни ифодалайдиган маъноли белгилар) нинг рўйхатлари ҳам шундай аҳамиятга ега бўлган. Шу билан бирга, атоқли отлар ёзилган жуда кўп рўйхатлар, тоғлар ва мамлакатларнинг номлари, худолар ва ибодатхоналар, тошлар, ўсимликлар, ёғоч ва теридан ясалган нарсалар ва бошқаларнинг номлари ёзилган рўйхатлар хилма-хил соҳаларда билим орттиришга булган интилишни кўрсатади. Шунингдек бу руйхатлар оддий тарзда ва кўпинча амалий суратда системага солишнинг енг қадимги бошланғич усулларини ҳамда буларни шумер ёки аккад тилини ўрганиш мақсадида ишлатилганлигини кўрсатади. Хаттот (котиб)ларнинг ана шу фақат справка тариқасидаги қўлланмалари билан бир қаторда, мактабларнинг грамматик машқлари ҳам сақланиб қолган. Бундай грамматик машқлар қадимги Шумер шаҳридаги Ниппур ибодатхонасининг кутубхонасидан топилган.

Мактаблар, Ибодатхоналар қошидаги мактаблар ана шу ҳамма билимларни тарқатадиган марказ бўлган. Ўша мактаблар хаттотларни келгусида қиладиган ишларга тайёрлаган. Ҳаттотлар айни вақтда коҳин хам бўлганлар. Бу мактабларда умумий билим бериш билан бир қаторда, бирмунча юқорироқ махсус маълумот ҳам берилган. Умумий маълумот ёзув ва тил ўрганиш, арифметика, геометрия ва астрономиядан елементар билим олиш шунингдек юлдузларга қараб фол очишдан иборат бœлган. Ниҳоят, дин, ҳуқуқ, медисина ва музиканинг турли соҳаларини ўрганиш махсус таълим системасига кирган. Ўқитиш системаси жуда оддий бўлиб, ўқитувчи берган саволларга ўқувчиларнинг жавоби, бир тилдан иккинчисига таржима қилиш, ёзув машқлари ва ёдаки такрорлаш билан чекланган. Марида ўтказилган қазишлар вактида ўқувчиларга маҳсус скамейкалар қўйилган мактаб биноси топилган еди.

Месопотамияда диний-сеҳрий дунёқарашлар чуқур сингиб кетган бўлишига қарамай, кундалик турмуш еҳтиёжлари одамларни табиат ҳодисаларининг ички мазмунини обектив равишда тушуниб олиш учун бу ҳодисаларни диққат билан кузатиб боришга мажбур етган. Бунинг натижасида абстракт фикрлашнинг дастлабки, ҳали жуда оддий формалари аста-секин пайдо бўлган. Одам табиатдаги бир-бирига ўхшаш ҳодисаларни кузатар екан, ҳали

уларни системалаштиришга дадил кириша олмаган, асосан амалий мақсадларни кўзда тутибгина ҳайвонлар, ўсимликлар ва тошларнинг рўйхатларини тузган.

Хўжалик еҳтиёжларидан аста-секин енг қадимги фан куртаклари, хусусан математика ва астрономия куртаклари ўсиб чиққан. Маҳсулот ва молларнинг миқдорини, оғирлигини ўлчаш, иш кучлари миқдорини аниқлаш, бинолар ҳажмини белгилаш, далаларнинг ер юзасини ҳисоблаб чиқариш зарурияти енг қадимги математик ҳисобларнинг пайдо бўлишига ва бу соҳада тегишли билимларнинг тўпланишига ҳамда арифметика ва геометриянинг туғилишига олиб келган.

2.Месопотамияда яшаган қадимги халқларнинг математика соҳасидаги билимларининг асоси енг қадимги шумерийлар замонида яратилган, жумладан асоси 5, 6, 10 сонлари ҳамда уларнинг кўпайтмалари 30 ва 60 бўлган саноқ системалари ҳам ўша қадимги шумерийлар замонида майдонга келган. Қўл панжасига қараб санаш, яъни бирдан бешгача санаш ҳисоблашнинг енг оддий усули бўлган. Биринчи бешта соннинг шумерийча аталиши буни кўрсатиб туради. 6, 7, 8 ва 9 сонларининг номлари бешни тегишли қўшимча сонга қўшиш натижасида тузилган (6= 1+5; 7 = 2 + 5; 8 = 3 + 5; 9 = 4 + 5). Ҳисоблашнинг олтмишлик системаси ҳам шумерийлар даврида яратилган, бу системанинг асосий бирлиги 60, 60^2 = 3600 ва 60^3 = 216000 булган. Ўнлик системасининг куртаклари шумерийлар даврида, яъни 10 ни ифодаловчи алоҳида суз ва миххат пайдо бўлгандан кейин вужудга келган. Аккадда ва Осурияда 100 ва 1000 ни ифодалаш учун алоҳида белгилардан фойдаланганлар, бу еса ўнлик системасининг ривожланганини кўрсатади. Ҳисоблашнинг ўнлик ва олтмишлик системаларининг узига хос усул билан қўшилиши 10,600 ва 36000 рақамларини, шунингдек бу рақамларни ифодаловчи белгиларни ажратиш заруриятини туғдирган. Ҳисоблашнинг турли хил системаларининг ўзига хос бир тарзда бирга ишлатилиши ва комбинасиялари йилнинг 360 кунга ва доиранинг 360 бўлакка бўлинишида ўз ифодасини топган. Математика текстлари шумерийлар давридаёқ математиканинг анча тараққий қилганлигини кўрсатади. Бу текстларда алоҳида формулалар билан даражага кўтариш, квадрат ва куб илдизлар чиқариш ва ҳатто ҳажмларни ҳисоблаш ҳам тилга олинади. Прогрессия принсипи ҳам маълум бўлган, деб ўйлаш мумкин, 16 га ортиб борадиган арифметик прогрессия ва 2 га камайиб, борадиган геометрик прогрессиянинг тилга олиниши шу принсипнинг мавжуд бўлганлигидан дарак беради. Ҳисоблашларда касрлар, кўпинча сурати бирга тенг бўлган касрлар қўлланилган. Аммо $^2/_3$, ^{5}/йе касрлар, шунингдек $^3/_6$, ^{4}/б ва $^5/_6$ касрларни белгилаш учун ишлатилган шумерийча номлар ҳам учрайди.

180 минг рақамигача (кўпайтишда) кўпайтириш, қўшиш ва олиш юзасидан тайёр жадваллар бўлганлиги бу қадимги математиканинг соф амалий характерда еканлигини кўрсатиб туради, бу жадваллар арифметик амалларни тезда ҳал етишда мирзага ёрдам берган. $^2/_3$ дан 81 гача бўлувчилари бўлган булув жадваллари ҳам сақланиб қолган. Аккад давридан қолган дала планларида ер бўлакларининг юзи аниқ ўлчаб кўрсатилганлиги геометрия соҳасидаги биринчи маълумотлар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши муносабати билан ва ер участкаларини тез-тез ўлчаб туриш зарурияти орқасида пайдо бўлганлигидан далолат беради. Егри-бугри бўлган дала юзасини хисоблаб чиқариш учун бу ер майдони бир қатор тўғри бурчаклар, уч бурчаклар ҳамда трапесияларга булинган ва ҳар бир шаклнинг юзаси алоҳида ўлчанган ва кейин ҳосил булган сонлар қуўилиб, участканинг умумий юзаси аниқланган.

Астрономия Вақтни ҳисоблаш зарурияти календар системасининг белгиланишига сабаб бўлган, бу еса астрономия соҳасида маълум билимларни талаб қилган. Бирқанча астрономик маълумотлар Шумер-Аккад давридаёқ тўпланган. Бу даврдан қолган катта астрономик асарда анча-мунча астрономик кузатишлар, хусусан дунёнинг тўрт *икании* тўғрисидаги тасаввур келтирилган. Бу астрономик маълумотлар ўша даврда жуда кенг тарқалган. Масалан, баъзи номларнинг таркибига планеталарнинг номлари киритилган. Шумер ва Бобилнинг астроном-коҳинлари ўз обсерваторияларининг тепаларидан туриб қуёш, ой ва юлдузлар ҳаракатини кузатганлар; обсерваториялар одатда ибодатхоналарнинг етти поғонали минора-зиккурати тепасидаги майдончада жойлашган. Бундай минораларнинг харобалари Икки дарё оралиғининг барча қадимги шаҳарларидан: Ур, Уруқ Ниппур, Аккад, Бобил ва бошқа шаҳарлардан топилган. Кўп асрлар давомида олиб борилган астрономик кузатишлар натижасида жуда кўп билим тўпланган. Бобил коҳинлари юлдузларни бешта

планетадан ажрата билганлар ва бу планеталарнинг алоҳида номлари булган. Планеталарнинг орбиталари ам маълум бўлган. Бутун юлдузлар осмони зодиакнинг баҳордаги нуқтасидан бошлаб 15 қисмга бўлинган. Юлдузлар юлдуз туркумларига бўлинган. Еклиптика ҳам аниқланиб, 12 бўлакка ва шунга мувофиқ 12 зодиак юлдуз туркумларига бўлинган. Буларнинг номлари кейинги вақтларгача сақланиб келган. Планеталар, юлдузлар, кометалар ва метеорлар ҳамда қуёш ва ой тутилиши юзасидан олиб борилган кузатишлар расмий ҳужжатларда қайд етилган. Турли юлдузларнинг кулминасион пайтлари кузатилганлиги ва улар қайд етилганлиги, шунингдек кулминасион даврлар ўртасидаги вақтнинг ҳисоблаб чиқарилганлиги астрономиянинг юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Бобил астрономиясининг енг юксалган замони ерамиздан аввалги ВИИИ—ВИ асрларга тўғри келади. Бу даврда Бобилнинг астроном - коҳинлари жуда кўп астрономия билими тўплаганлар, *преқйессия* (тун ва кун баравар бўладиган вақтни олдиндан билиш) ҳақида тасаввурлари булган ва ҳатто қуёш ҳамда ой тутилишини олдиндан айта билганлар.

Астрономия соҳасидаги елементар билимлар Бобил коҳинларининг ўзига хос календар системаси тузишларига имкон берган. Бу календар системаси қисман ой фазаларини доим кузатиб бориш натижасида ҳосил қилинган маълумотларга асосланган. Вақтни ҳисоблашда сутка (бир кеча-кундуз), қамар ойи ҳамда 354 кундан иборат йил асоси календар бирлиги қилиб олинган. Бир сутка уч қоровуллик кечага ва уч қоровуллик кундузга бўлинган, бунда сутканинг бошланиши одатда кун ботган вақтдан ҳисобланган. Шу билан бирга, ҳар бир сутка 12 соатга ва ҳар бир соат 30 минутга бўлинган. Шундай қилиб, сутка 12 та катта ва 360 та кичик бўлакка бўлинган. Бу еса Бобил математикаси, астрономияси ва календари системасига асос қилиб олинган олтилик саноқ системасига мос келади. Доира, сутка ва йилни 12 та катта ва 360 та кичик бўлакка бўлишга уриниш календарда ҳам акс етганлиги кўриниб турибди. Ҳар бир қамар ойининг бошланиши ва шунга мувофиқ равишда унинг давом етиш муддати ҳар гал тажриба асосида, махсус астрономик кузатишлар натижасида белгиланган, чунки ҳар ой албатта янги ой туғилган кундан бошланиши лозим бўлган. Календар йили билан тропик йили ўртасидаги тафовут **11** кундан сал ошиқроқ (тўғриси, 11 куну 5 соат 48 минут 46 секундга баравар) бўлган. Бу ҳатто вақт-вақти билан қўшимча ой қўшиб бориш юли билан тўғриланиб борган, йилга қўшимча ой қўшиш еса Хаммурапи даврида марказий давлат ҳокимиятининг махсус буйруғи билан амалга оширилган.

3. Медисина ва ветеринария соҳасида ҳам секин-аста билимлар ҳам тўплана борган. Бобил медисинаси Хаммурапи замонидаёқ махсус тармоқларга- хирургия, кўз оғриқларини даволаш ва ҳоказоларга бўлинган. Анатомия жуда паст даражада бўлган; ҳакимлар (врачлар) касаллик аломатларини аниқлаш ёрдамида диагнозни қўйишда фақат енг муҳим аъзолардаги, масалан, юрак, жигар, буйракдаги касалликларнигина аниқлай олганлар. Лекин врачлар касалнинг ҳамма аломатларини белгилаш юли билан касалга аниқ диагноз қуйиш зарурлиятини жуда яхши тушуниш билан бирга, касалликларни обектив равишда урганишга ва касалликларга қарши самарали курашга урина бошлаганлар. Чунончи, Бобил кохинлари касал жойдаги огриқни «боглаб қуйиш билангина тухтатиб булмайди ва агар врач касалликнинг қандай касал еканлигини била олмаса... беморни улим чангалидан қутқаза олмайди деб хисоблаганлар. Асосан кейинги замонларга оид булган медисина текстларида қорин ва ичак юлларидаги, нафас олиш аъзоларидаги турли касалликлар (тумов, балгам ташлаш, бурундан кон оқиш) нинг аломатлари ва бод касали (буринларнинг зирқираб оҳриши) аломатлари баён қилинган. Купинча безгакнинг аломатлари: иситма, жунжиш, қалтироқ босиш, совуқ тер босиши баён килинади. Фалажга олиб келган «санчиқ» аломатлари жуда образли қилиб баён етилади: «фалаж одамнинг лаблари қийшайиб кетган, кўзи юмилган бўлади... оғзини оча олмайди ва гапира олмайди». Бобил врачлари бошқа касалликларни: кўз, қулоқ оғриқлари, шиш, тери касалликлари (мохов), юрақ буйрак касалликлари, сариқ сув касалликлари, сийдик йўли-таносил касалликлари ва хотин-қизлар касаллиги, ҳатто асабий ёки «бахцизлик туфайли руҳий тушкунлик» натижасида юз берадиган руҳий касалликларни ҳам даволашга ҳаракат қилганлар. Даволашга оид асарларда, баъзан, одамнинг «кўзи тиниб», «беҳуш бўлиб йиқилиши» тилга олинади. «Чакка томирлари» деган алоҳида касаллик очиқ-равшан тасвирланади, бу касаллик мияга, кисман кўзга (бунда кўз қорачиғи хиралашади) қон қуйилиши билан боғлиқ бўлса керақ. Бу касалликнинг енг муҳим аломатлари шундан иборатки, бунда «одамнинг чакка томирлари тепа бошлайди, қулоғи ғувуллайди, кўзлари

чарақлаб ёнади, орқа мияси (енсаси) мижирлаб оғрийди, юраги ўйнайди ва оёқлари бўшашиб, дармонсиз бўлиб қолади». Медисинага оид сақланиб қолган текстларда касалликларни маълум системага солишга уринилганини кўриш мумкин, аммо бунда аниқ бир изчиллик йоқ. Чунончи, нафас олиш органларига оид касалликлар умумий бир сарлавҳа билан, ёки тўғрироғи: «Оғиздан нафас олиш қийинлаша борганда» деган кириш сўзи билан баён етилган. Жигар ва ўт пуфаги касалликларининг тафсилоти ҳам алоҳида бўлимларда бирлаштирилган; ниҳоят, тафсилотига кўра, ревматизм ёки подаграга ўхшаб кетадиган «*юрои* томир» касаллиги алоҳида тавсиф қилинган. Мана шу барча касалликларни даволаш учун жуда кўп ва хилма-хил воситалар қўлланилган. Бу воситалар орасида турли-туман дорилар (баъзан жуда ҳам мураккаб дорилар) енг мухим ўрин тутган. Дорилардан ташқари, ишқалаш, компресс, уқалаш ва ювиш усуллари ҳам қўлланилган. Медисинада сув билан ёҳнинг кенг қўламда ишлатилганини шундан ҳам билса бўладики, ҳаким (врач) сўзининг айнан таржимаси «сув устаси» ёки «ёҳ устаси» демакдир. Бу ҳол қисман диний-сеҳрий еътиқодда сув билан ёҳнинг кенг ишлатилганлиги билан ҳам борликдир. Зеро, табиблар худоси Ниназу ва унинг ўғли худо Нингишзидалар œз навбатида сув ва ер илоҳлари хам хисобланганлар. Худо Нингишзиданинг белгиси еса ҳассага чирмашиб турган илон бўлиб, у медисина тимсоли сифатида шу вактгача сақланиб келмокда.

Адабиётлар рўйхати

5) Болград-Левин Т.М. “Древнийе сивилизасии” М. 1989
6) Древний Восток “История, философия, религия, искусство” М. 1996
7) Виргенский В.С “История науки и техники” М. 1977
8) Кузнесова Н.И “Наука в истории” М. 1982

Мавзу бўйича саволлар:

1. Месопотамияда ёзув ва илм даргоҳларини юзага келиши, имий билимларнинг шаклланиш шарт шароитларини нимада деб тушунасиз?.
2. Месопотамияда астрономия ва математика фанлари равнақининг натижалари ҳақида тушунтириб беринг.
3. Тиббиёт ва ветеринария фанларини таҳлилаб беринг.

3-Мавзу: ҚАДИМГИ МИСР ФАНИ ВА МАДАНИЯТИ

РЕЖА:

4. Мисрда ёзув ва илм даргоҳларини юзага келиши.
5. Илмий билимларнинг шаклланиш шарт- шароитлари.
6. Мисрда астрономия ва математика фанлари ривожи
7. Медисина ва ветеринария фанлари.

Ерамиздан 4000 йил илгари вужудга келган Миср маданияти жаҳондаги енг қадимги маданиятлардан бири бўлиб, Қадимги Миср маданияти бир қатор ривожланиш босқичларини босиб ўтган. Унинг гуллаб яшнаш даври асосан, (ер.авв.28-23асрлар), Ўрта(ер.авв 21-18асрлар.) ва Янги Подшоликлар (ер.авв 16-11асрлар)даврига тўғри келади

Қулай табиий шароитлар бу ерда моддий маданият ва техниканинг жуда барвакт тараққий етишига ёрдам берган. Сунъий суғориш ишларига бўлган бенихоя зўр ехтнёж жуда қадим замонлардаёқ каналлар, тўҳонлар, дамбалар ва дастлабки вактларда оддий **пишанг** билан кўтариладиган босмалар, кейинчалик еса чархпалакларинг мураккаб системасини барпо етишга мажбур қилган. Буларнинг барчаси аста секин ёзув, илмий билимларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Шумер, қадимги ҳинд, қадимги хитой ёзуви ва бошқа шу каби енг қадимги ёзув системасига ўхшаб Мисрнинг қадимги иероглиф ёзуви ҳам ўз ҳолича ибтидоий даврдаги енг оддий расм ва шакллардан пайдо бўлган. Кейинчалик иероглиф сифатида тараққий етиб кенг қўлланила бошланди.

Илм-билимлар тўпланиб борган ва алоҳида мактабларда авлоддан-авлодга утиб борган. Бу мактабларнинг кўпчилиги ё мирзалар тайёрлаб чиқарадиган сарой мактаблари бўлиб, унда аристократ-қулдорларнинг болалари ўқиган, ёки марказий маҳкама қошидаги алоҳида мактаблар бўлиб, унда муайян маҳкама, масалан, подшо хазинаси учун амалдор-мирзалар тайёрланган. Бу мактабларда интизом жуда қаттиқ бўлган ва бу интизом тан жазоси воситаси билан мустаҳкамланган, махсус «Насиҳатномалар» воситаси билан уқтирилган. Масалан, бир «Насиҳатнома» нинг автори бундай дейди: «Эй мирза, дангасалик қилма, йўқса қаттиқ жазога дучор бўласан. ҳузур-ҳаловатга кўнгил қўйма, юз

тубан кетасан. Қўлингда доим китоб бўлсин, уни овоз чиқариб ўқигил ва ўзингдан кўп биладиганлар билан маслаҳатлашиб иш тут. Ўз соҳасини сувдек ичиб олган мирза бахтлидир... Бир кунни ҳам ялқовлик билан ўтказма, йўқса калтак ейсан. Ахир боланинг қулоғи елкасида бўлади-да, қачон урсанг, шунда қулоғига гап киради. Доим маслаҳат билан иш қил ва буни есингдан чиқарма. Ёз ва ёзувдан сира зерикма». Ўқувчиларни асосан оғир ва мураккаб саводга ўргатганлар, уларни махсус ҳуснихат намунасига қараб ҳар куни салкам уч саҳифа ёзишга мажбур етганлар. Ўқувчи имло қоидаларинигина емас, балки мураккаб ҳуснихат ва стилистикани ҳам чуқур ўзлаштиришга мажбур бўлган. Енди савод ўргана бошлаган мирзаларнинг машқлари ёзилган текстлар бизнинг замонамизгача сақланиб қолган, булар асосан тарбиявий мақсадни кузатган насиҳатлардан иборат, унда пухта ёзилган ва ибрат бўладиган гаплар ёзилган. намуналар ҳам сақланиб қолган. Ниҳоят, Мисрда олий типдаги «Мирзалар мактаби» ҳам бўлган, улар «турмуш уйи» ёки «ҳаёт уйи» (**перанх»)** деб аталган. Бундай «турмуш уйи» харобалари фиръавн Ехнатоннинг қадимги пойтахтидан топилган.

Кундалик ҳаётдаги ехтиёжлар, хўжалик ва айирбош савдосининг ривожланиши ва табиатни кузатиб бориш натижасида дастлабки илм-билимлар тўпланган. Жами бу билимларнинг ҳаммаси ҳам амалий характерда бўлган. Масалан, тематика соҳасидаги енг қадимги билимлар шундай турмушдаги амалий ишлар билан чамбарчас боғланган бўлиб, танобчи ва бинокорларнинг ишини осонлаштиришда хизмат қилган. Масалан, Аменемхет II нинг номлар чегарасини «китобларда айтилган ва қадимги ёзувларда кўрсатилган» асоспаниб белгиланганлигини биламиз. Чегараларни махсус танобчилар маълум ҳисобларга асосланиб белгилаганлар ва сўнгра уларни ёзиб қўйганлар. Мақбараларда сақланиб қолган ва ер ўлчайдиган махсус арғамчи билан ер ўлчаб берилаётганлигини тасвирловчи расмлар бундан далолат беради. Математика масалаларининг мазмунига қараганда арифметика ва геометрия соҳасидаги билимлардан ер майдонини аниқлаш, ғалла уюмининг қанча келишини ёки дон сақланадиган омбор сиғимини аниқлаш учун фойдаланилган. Ниҳоят, мисрликлар математика соҳасида орттирган билимлари туфайли, жойнинг

схематик картасини ва примитив чертёж чизишни билганлар. Кўпдан-кўп муҳташам бинолар, айниқса пирамидалар математиканинг, хусусан геометриянинг бинокорликда, қурилиш ишларида жуда катта аҳамиятга ега бўлганлигини кўрсатади, чунки пирамидаларни фақат бир қанча аниқ ҳисоблар асосидагина кўриш мумкин бўлган.

2.Математика. Қадимги Мисрда, айниқса Ўрта Подшолик даврида математика билимларининг ривожланганлигидан ўша замондан қолган жуда кўп математик текстлар, хусусан Москвада сақланадиган «Математика папируси» далолат беради. Мисрда математика соҳасида еришилган катта муваффақиятлардан бири ўнлик саноқ системасининг тараққий қилганлигидир. Миср ёзувида, 1, 10, 100, 1000, 10000, 100000 ва ҳатто миллионни ҳам билдирувчи алоҳида аломатлар бўлган; ҳайрон бўлиб қўлини кўтариб турган киши сурати миллионни билдирган. Мисрликлардаги узунлик ўлчовининг ўзига хос бирлиги мисрликлар математикаси учун жуда характерлидир. Бармоқ, кафт, товон, тирсак ана шундай узунлик ўлчови бирлиги бўлиб, Миср математиги улар орасида маълум муносабатлар белгилаган. Санъатда математика билимларидан кенг равишда фойдаланилган. Миср рассоми текислик юзасига кишининг расмини чизмоқчи бўлса, дастлаб тўрт бурчак қилиб тўр чизган ва математикадан фойдаланиб, киши танасидаги аъзолар узунлигининг нисбатини аниқлагандан кейин, шу асосда ҳалиги тур устига кишининг расмини чизган. Арифметикада содда тўрт амални қўлланиш усули мисрликлар математикасининг бир қадар примитив бўлганлигини кўрсатади. Масалан, кўпайтиришда амалларни кетма-кет бажариш усулидан фойдаланилган. Чунончи, мисрлик саккизни саккизга кўпайтирмоқчи бўлса, саккизни пайдар-пай тўрт марта иккига кўпайтирган. Бўлув кўпайтириш йўли билан қилинган. Масалан, 77 сонини 7 га бўлганда, 77 сонини ҳосил қилмоқ учун 7 га кўпайтириладиган сонни топиш лозим бўлган. Мисрда амалий жиҳатдан катта аҳамиятга ега бўлган геометрия жуда ҳам тараққий қилган. Миср математиклари тўғри тўрт бурчак уч бурчақ хусусан тенг ёнли уч бурчак трапесиянинг юзини ва ҳатто доиранинг юзи П га тенг булиб, у 3,14 қийматни қабул қилишини ҳам ҳисоблай билганлар. Москвада сақланадиган «Математика папируси» да кесик

пирамида ва ярим шарнинг ҳажмини ҳисоблаб чиқариш юзасидан ишланган мураккаб масала сақланган. Қадимги мисрликлар алгебрадан ҳам баъзи бир енг оддий билимларга ега бўлганлар, улар бир номаълумли тенгламани ҳисоблаб чиқара билганлар; номаълумни мисрликлар «уюм» («дон уюми» бўлса керак) сўзи билан таърифлаганлар. П-белгиси улкан иншоотлар пирамидалар бунёд етишда қўлланилиб, П-белгиси мил.авв 1700 йил олдиноқ қўлланила бошланган. Зеро П-белгиси учраган Ринда папируси ҳам шу даврга оид бо;либ у 1855 йилда шотланд археологи Генри Ринда томонидан топилган.

Астрономия соҳасида ҳам қадимги мисрликлар баъзи бир билимларга ега бўлганлар. Осмондаги юлдузларни доим кузатиш натижасида планеталарни юлдузлардан ажрата билганлар ва ҳатто улар юлдузлар осмонининг картасини ҳам тузганлар. Юлдузларнинг шундай карталари ҳар хил биноларнинг, кўпроқ мақбара ва ибодатхоналарнинг шипларида сақланиб қолган, 18 династия аъёнларидан Сенмут мақбарасининг нақшланган шипи қадимги мисрликларда бўлган бундай «астрономия карталари»нинг енг яхши намуналаридан биридир. Шипнинг шимолий қисми марказида Катта ва Кичик Айиқ юлдузлари ҳамда мисрликларга маълум бўлган Қутб Юлдузини ажратиш мумкин, осмоннинг жанубий қисмида еса символик фигуралар тарзида Орион ва Сириус (Со-тис) юлдузлар туркуми кўрсатилган, қадимги Миср рассомлари юлдузлар туркуми ва юлдузларни доим шундай символик фигураларда тасвир етганлар. XIX ва XX династияларга мансуб подшо мақбараларининг шипларида ҳам юлдузларнинг ажойиб карталари ва Юлдузларнинг жойланиши кўрсатилган ажойиб жадваллар сақланиб қолган. Меридиан томонида ўтирган иккита мисрлик кузатувчи Юлдузларнинг жойланишини кўрсатадиган бундай жадваллар воситаси билан ҳамда мўлжалга оладиган, пассаж асбобидан фойдаланиб, кечаси вақтни белгилаган.

Мисрликларга бешта сайёра маълум бўлиб, булар Юпитер, Сатурн, Марс, Меркурий и Венерадир.

Юпитер, Кундузи еса вақтни қуёш соати ёки сув соати (енг кейинги «клепсидра») воситаси билан билганлар. Юлдузларнинг жойланишини кўрсатадиган қадимги карталардан анча кейинги даврларда, грек-рим даврида

Шундай қилиб, қадимги юнон олимларининг фаолияти натижасида тарихда биринчи бор фан аниқлайдиган критерияларга жавоб берила бошланди. Фан – бу фақат билимлар йиғиндиси емас, балки у билимлар системасини ҳам ўзида акс еттиради. Шунингдек фан янги билимларни олиш учун фаолият натижасидир. **Бир гуруҳ махсус кишилар томонидан амалга оширилaдиган бу фаолият – илмий жамият деб аталади**. Барча бу характеристикалар қадимги юнон сивилизасиясидан олдинги марказлар, яъни Миср, Бобил ва Ассурия сивилизасияларида учрамайди. Фақат ерамиздан аввалги ВИ асрларда Юнонистонда янги билимларни тўплаш учун актив фаолият бошланиб, биринчи илмий жамиятлар: **Милет мактаби, Афлотун академияси; перепатетиклар** (сайр қилмоқ) ва бошқалар вужудга келади.

Юнон олимлари ва файласуфларининг математика, геометрия, механика ва бошқа фанлар соҳасидаги хизмати жуда улкан аҳамиятга ега. Лекин шундай бўлса-да, ҳозирги замон фанининг асоси фақат ерамизнинг ХВ-ХВИИ асрларидагина кўрилади ва бу аввало Галилей ва Нютон номлари билан боғлиқ. Қадимги Юнонистон фани бу вазифаларни йеча олмасди, чунки у ҳаётдан узоқлашган, жуда ҳам мавҳум (абстрак) тасаввурга ега еди.

Қадимги Юнонистон фани ва техникаси ривожланишининг асосий йўналишлари қуйидагича:

Масалан узоқ даврлар мобайнида Юнонистон ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий муносабатларда бўлинган еди, яъни Юнонистон ягона марказлашган давлат бўлмай, у ҳар бири мустақилликка интилаётган шаҳар-давлатчалардан иборат еди. Бу шаҳар-давлатчаларнинг ҳар бири ўзига хос сиёсий ва маънавий ҳаётига ега бўлиб, бу албатта Қадимги Юнонистоннинг фалсафий ва табиий фанлар соҳасидаги ғояларга таъсир етмасдан қолмади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, яъни ўша даврда табиий фанлар ва фалсафа енди куртак отаётганди. Фалсафа ва табиат ҳақидаги фан бир бутун қарашлар системасидан иборат еди ва унинг ижодкорлари файласуф-табиатшунослар еди. Шунинг учун ҳам қадимги юнон фани абстрактликка мойил еди. Бу қадимги юнон фанининг кучсиз томони бўлса, шу билан бирга унинг кучли. ижобий томони ҳам бўлиб, бу фикрлар ва қарашларнинг мустақил ва ўктамлигида еди.

Ерамиздан аввалги ВИ асрларга келиб қулдорлик шаҳар-давлатларининг шаклланиши асосан тугалланади. Бу даврда Қадимги юнон сивилизасияси Кичик Осиёга, Ўртайер денгизи қирғоқларидан Рона дарёси қуйи оқимларигача, Сисилия ва кора денгиз қирғоқларининг бир қисмига тарқалган еди. Бу даврда Кичик Осиёдаги – Милет, Апенин ярим оролидаги Коми ва Неапол, Сисилия оролидаги Наксос ва Сиракуза, Рона дарёси қуйи оқимидаги – Мессалия, Кора денгиз соҳилларида Олвия, кейинчалик Херсонес, Пантикапей, Фанагория, Феодосия каби бир қатор полислар (юнон манзилгоҳлари) вужудга келади.

Ерамиздан аввалги ВИ аср Қадимги Юнон фанининг туғилиш даври бўлиб ҳисобланади ва унинг ривожланишини **биринчи ионий босқичини** ташкил етади. Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилидаги Иония вилояти ва ундаги Милет шаҳри илм-фан тараққиётининг марказига айланган еди. Иония олимлари Миср ва Бобил олимларининг илмий билимларидан хабардор бўлиб, ўша билимларни янада ривожлантирганлар.

Қадимги Юнон фалсафасининг енг дастлабки босқичлариданоқ, икки асосий қарама-қарши позисиялар кураши, яъни – идеалистлар ва материалистлар оқими вужудга келади.

Биринчи ионий файласуф манбаларда Фалес (тахминан ер.ав. 625-547 йиллар) ҳисобланади. У Милет мактабининг асосчиси бўлиб, қайсиким бу

мактаб антик давр фалсафасининг илк куртаги бўлиб ҳисобланади. Фалес туғилган Милет шаҳри ўша даврда йирик савдо ва ҳунармандчилик маркази еди. Фалеснинг ҳаёт ва қарашлари тўғрисида кам маълумот сақланган. Бу маълумотларни Афлотун ва Арасту асарларидан топиш мумкин. Фалес фикри бўйича **сув**-бутун борликнинг асосидир, яъни йер, ҳаво ва барча жониворлар сувдан пайдо бўлган. Фалеснинг файласуф, математик, астроном, инженер, сиёсий арбоб, ва ҳатто савдогар бўлганлиги манбаларда еслатилади. Фалес қуёш тутилишининг сабабларини кашф етган, пирамидаларга ва унга ўхшаш баланд биноларнинг сояларига қараб, баландлигини аниқлаган деб ҳисобланади.

Фалеснинг кўплаб шогирдлари ва ўқувчилари бўлган. Шулардан бири Анаксимандр (ер.ав. 610-546 й.) ҳисобланади. Анаксимандр бутун борлиқнинг асоси Фалес айтганидек, сув емас, балки конкрет шаклга ега бўлмаган материядир деб ҳисоблайди ва бу материяни у **«апейрон»** деб атади.

Қадимги юнон файласуфларидан бири Гераклит Еффесский (ер.ав.530-470 й.) қадимги Юнон деалектикасининг ташкил етувчиси бўлиб, у Милет мактабининг материалистик қарашларини ривожлантиради. Гераклит оламнинг асоси **олов** деб ҳисоблайди. (Йему принадлежат слова: «На огон обманивайеця все, и огон-на все, как на золото-товари-и на товари-золото»). Гераклит биринчилардан бўлиб билимларнинг нисбийлигига еътибор берган. У айтганидек: «Дарёда ҳар доим янги-янги сувлар оқади. Ўша битта дарёдаги сувга хеч қачон икки марта кириш мумкин емас».

Қадимги Юнон фанида алоҳида ўринни егаллаган яна бир олим бу Пифагордир. (ер.ав. 582-500 й.) Пифагор ва унинг шогирдлари математика, геометрия, астрономия ва физика соҳасида жуда кўп ишларни амалга оширганлар. Математикадаги иррасионал тушунчаси, Пифагор теоремаси ўша даврлардан ҳозиргача қўлланилади. Пифагор йернинг шар шаклида еканлиги ва унинг ўз ўқи атрофида айланишини айтган. Пифагор ва унинг шогирдлари **Пифагор идеалистик мактаби**га асос солганлар.

Қадимги Юнон фаннининг иккинчи – **Афина босқичи** шаҳар-давлатчаларнинг гуллаб яшнаган даври билан боғлиқ бўлиб, у ер.ав. В-ИВ асрларга тўғри келади. Бу давр шаҳар-давлатчалар орасида Афинанинг қудратга

еришуви билан Александр Македонский томонидан юнон полисларининг бўйсундирилиши оралиғидаги даврга тўғри келади. Бу даврда форслар билан урушда ғалаба қилган Афина иқтисодий, савдо ва ҳарбий флот соҳасида катта ютуқларга еришади. Бу кўтаринкилик илм-фан ривожига ҳам туртки берди.

Қадимги Юнон материализмининг вужудга келиши ер.ав. 460-340 йилларда яшаб ўтган Демокрит номи билан боғлиқ. Демокрит Фракиядаги савдо шаҳарчаси Абдерада туғилади. Йирик савдогар ва қулдорнинг ўғли бўлган Демокрит бир қатор мамлактларга саёҳат қилиб, Миср, Месопатамия, Ҳиндистонда бўлиб, сўнгра Афинага ҳам ташриф буюради ва Сукрот билан учрашади.

Демокрит фанга **атом** тушунчасини киритади. (атом-юнонча бўлинмас). Бутун коинот атом заррачаларидан ташкил топиб, у енг кичик ва бўлинмасдир. Демокрит фикрича бутун борлиқ атомлардан ва бўшлиқлардан ташкил топган. Демокрит ҳам Гераклит каби табиатни абадий ўзгарувчан деб ҳисоблайди. Демокрит коинотни «Абадий мавжуддир, унинг на боши ва на охири бор» – деб айтди. Шунингдек Демокрит фалсафа, етика, психология, математика, физика, тиббиёт, санъат ва техника соҳасида ҳам фаолият кўрсатган. У диалектик файласуф бўлиб, ҳақиқат қарама-қарши фикрлар тўқнашуви натижасида вужудга келади деб ҳисобларди.

Ерамиздан аввалги 481-411 йилларда Абдерада яшаган файласуф, йирик давлат арбоби бўлган Пратогор ҳам Демокрит қарашлари йўлидан боради. пратогор атеист бўлиб, худосизликда айбланади. Унинг «О богах» «Худолар ҳақида» номли асари ёқиб юборилади. Бу асарнинг бизгача йетиб келган фрагментларида қуйидаги сўзлар ёзилган:

«О богах я не могу знат ни того что они сушйествуют, ни того что их нет; ни того, каковы они по виду. Ибо многойе препяцтвуйет знат ето: и неясност вопроса, и краткост человеческой жизни».

" Мен худолар ҳақида уларнинг борлигини ҳам, уларнинг йўқлигини ҳам ва уларнинг қандай кўринишда еканлигини ҳам билмайман. Чунки масаланинг ноаниқлиги ва инсон ҳаётининг қисқалиги буни билишга тўсқинлик қилади". (История философии. М., 1957 й, Т. 1, с.103).

Тахминан еа.ав. 460-370 йилларда кичик Осиёга яқин Кос оролида Қадимги Юнонистоннинг буюк врачи афсонавий Гиппократ яшаган. Гиппократ фаолияти натижасида Кос медисина мактаби ташкил топади. Гиппократ беморларни кузатиш ва ўрганиш системасини ташкил етади, даволашнинг бир қатор янги усулларини яратади. Унинг "Гиппократ туплами" ёки «Корпус Ҳиппократикум» номли тиббий асари 72 китобдан иборат бўлган. Унинг асарларида доривор ўсимликларнинг 236 та хили тасвирланиб, хусусиятлари баён етилган. Буюк шифокор қаламига мансуб «Гиппократ қасамёди» ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. «Гиппократ қасамёди»да табиб билан бемор орасида бўладиган муносабат баён етилган. Гиппократ ер.ав. 375 йилда 85 ёшида вафот етган.

Ерамиздан аввалги 470-399 йилларда яшаган Суқрот – Қадимги Юнонистоннинг йетук файласуфи ва оратори еди. Суқрот Афинада тош кесувчи (каминотес) сафроник оиласида туғилди. Ёш Суқрот дастлаб отасининг касби билан шуғулланади. Кейинчалик бир қанча вақтлар скулптор - ҳайкалтарош бўлиб ишлади. Афина акрополи ёнидаги гўзаллик маъбудалари –Аглая, Йевфросиния ва Талия ҳайкалларини Суқрот ясаган дейилади. Бизгача Суқротнинг бирон бир ёзма манбалари йетиб келмаган, демак у ўз фикрларини оғзаки баён қилган. Суқрот ўз таълимини тўғри келган жойда, кўчаларда, майдонларда тарғибот қилиб, юрган. Суқрот ва унинг таълимоти ҳақидаги барча билимларни биз унинг ўқувчилари Афлотун ва Ксенафонт асарларидан билишимиз мумкин.

Суқрот қарашларининг асосини ўзлигини англаш йўли билан бахтга еришиш, жаҳлга ихтиёр бермаслик, билим ва ақл бирлиги ташкил етади. Масалан: «Маълумот ва тарбия-ақл билан фойда келтиради», «Хотиржамлик – бу кучдир».

Ерамиздан аввалги 399 йилда Суқрот худоларга ҳурмацизлик ва ёшларни бузишда айбланиб, Афина судининг қарори билан заҳарлаб ўлдирилади. У ўз қарашларида Суқрот идеалист бўлган, чунки у табиатни илмий ўрганишга қарши бўлиб, бу ишни худосизлар иши деб ҳисоблаган.

Сукротниг шогирди ва издоши, қадимги Юнонистоннинг йирик файласуфларидан бири – бу Афлотун еди. (ер.ав. 428-347 й.) Афлотун биринчи классик обйектив идеализм намоёндаларидан ҳисобланади. Ўзининг сиёсий карашларига кўра Афлотун Афина реаксион аристократларининг ҳимоячиси еди. Сукрот ўлимидан сўнг Афлотун вақтинча Афинани тарк етиб, бир неча бор Жанубий Италияга борди.

Афлотун томонидан Афинада фалсафа мактаби очилди. **«Афлотун академияси»** деб ном олган бу мактаб минг йилларча фаолият кўрсатди. Афлотуннинг фалсафа мактаби боғда жойлашган бўлиб, унга афсонавий қаҳрамон **«Академ»** номи берилганди. Шунинг учун ҳам бу мактаб академия деб аталган еди. Тахминан 40 йиллар давомида Афлотун академияда танлаб олинган ўқувчилар гуруҳига ўз таълимоти ҳақида дарс ўтди. Шуни таъкидлаш жоизки Афлотун ўз фикрларини ўта маҳорат билан чиройли ва ишонарли тарзда баён килувчи оратор бўлган.

Афлотун идеалист файласуф бўлиб, бутун борлиқни иккита оламга: **ғоялар олами ва буюмлар олами**га бўлган. Унинг фикрича «абадий ва ўзгармас ғоялар» – бу ҳақиқат ҳаётдир, моддий олам буюмлари еса – бу ғоялар аксининг соясидир».

Афлотун диалектикаси «қалб» ва «соф севги» тушунчаларини ҳам ўз ичига олиб, бунда Афлотун «қалб»ни ғоялар дунёсига яқин ва ўлмасдир. Шунинг учун ҳам инсон оламни қалбида яширинган билимлари билан ўзининг сезги органлари билан билиб олади, англаб йетади деб тушунтиради. Афлотун ўзининг «Давлат ва Қонун» асарида идеал давлат қуриш ҳақида сўз юритади. Унинг фикрича янги такомиллашган давлат қуйидаги синфларга бўлиниши шарт: ҳукумдорлар ва файласуфлар, (У жамиятни бошқаришда файласуфлар аҳамиятига жуда катта еътибор беради), ҳарбийлар ҳамда аҳолининг қуйи табақаси бўлган, ҳунармадлар ва деҳқонлар. Афлотуннинг айтишларича жисмоний меҳнат – бу қуллар, ҳунармандлар ва деҳқонлар иши бўлиб, ҳукумдорлар ва файласуфлар алоҳида шароитларда яшаш лозим бўлган.

Қадимги Юнон фани шаклланиши ва ривожланишида Плотоннинг хизмати каттадир. Айниқса Афлотун қарашларида антик давр космосининг классик

равишда тушунилиши муҳим аҳамиятга егадир. Афлотуннинг айтишича (космос зрем осязайем и материалем - он сушйествовал не всегда, а появился в резултате творческого акта) космос ҳар доим ҳам мавжуд бўлмаган, яъни у ижодий акт натижасида пайдо бўлган. Космос йер шари атрофида айланувчи Қуёш ва бошқа планеталардан иборат йеттита осмон доирасидан иборатдир. Шунингдек Афлотун математика ва астрономия билан ҳам шуғулланиб, академидаги ўз ўқувчиларидан математикани яхши ўрганишни талаб килган.

Шундай қилиб, **Афлотун акадимиясини олий ўқув юртларининг илк куртаги** деб айтиш мумкин.

Ерамиздан аввалги 404-323 йилларда яшаган Синоплик файласуф Диоген ҳақида ҳам айтиб ўтмаслик мумкин емас, чунки Диоген ҳаётнинг барча лаззатларидан воз кечиб, ўта аскетик (зоҳидона) ҳаёт кечирган, яъни у ўта примитив кийим кийиб, фақат сув ичиб, тўғри келган жойда тунаб кетаверган. Диоген ибтидоий ҳаётга қайтишни тарғиб қилган. У бирон-бир прогрессив ижобий дастурни илгари сурмаган.

Қадимги Юнонистоннинг йирик файласуфи ва табиатшуноси бўлган Арасту (ер.авв. 384-322 й) қадимги юнон фанининг енсиклопедист олими бўлган, чунки бизгача йетиб келган Арасту асарлари ўша давр фанининг барча жабҳаларини: табиий фанлар – математика, механика, физика, астрономия, биология, тиббиёт, мантик, психология, тарих, иқтисод, фалсафа ва бошқаларни ўз ичига олади. Арасту юнон колонияси бўлган Фракияда, врач оиласида туғилади. Ерамиздан аввалги 367 йилда 17 ёшидан Арасту Афлотун академиясига маълумот олиш учун келади ва шу йерда фаолият кўрсата бошлайди.

Афлотун ўлимидан сўнг Арасту академияда 20 йилча бўлди, сўнг уни ташлаб мустакил фаолият кўрсата бошлади. Ер.авв. 343 йилда Македония подшоси Филиппнинг ўғли Александрга ўқитувчилик ва устозлик қилди. Ер.ав. 335 йилда Арасту Афинада ўзининг **Ликей мактабини** ташкил етди. Унинг бу мактаби - **перипатетик** мактаб деб ҳам аталарди. (юнонча - **перипатио – прохаживаця-сайр қилмоқ)**. Арасту ўз лексиялари ва суҳбатлари вақтида ўқувчилар билан сайр қилиб юришни ёктирарди.)

Ер.авв. 323 йил А.Македонский ўлимидан сўнг Арасту Афинани ташлаб кетишга мажбур бўлади ва бир йилдан сўнг Евбея оролидаги Халқида шаҳрида 62 ёшида вафот етади.

Шарқ дунёсида уни “ **биринчи муаллим**” деб баҳолаганлар, чунки у ғоят кенг билимга ега бўлган. Унинг “Метафизика” (ёки “Биринчи фалсафа”), “Физика”, “Жон тўғрисида”, “Аналитика”, “Категориялар”, “Сиёсат”, “ Риторика” ва бошқа асарлари бизгача йетиб келган.

Арасту антик даврда йиғилган билимларнинг буюк тўпловчиси ва тизимлаштирувчиси (систематизатор) бўлган. Унинг фандаги ва билимларни таснифлаштириш (классификасиялаш) соҳасидаги хизматлари ҳам жуда буюкдир.

Унинг “Физика” номли асарида табиат фалсафаси муаммолари, ҳаёт, материя, ҳаракат, замон ва макон, борлиқ ва вақт муаммолари муҳокама қилинади.

Арасту Афлотуннинг “ғоялар” назариясига қарши чиқиб, у табиатни моддий асосга ега бўлган нарсалар йиғиндисидан иборат, у ҳар доим ҳаракатда ва ўзгаришдадир деб ҳисоблайди. Арасту ўзининг “Осмон ҳақида”, “Метеорологика” асарларида йер ва осмон ўртасидаги ҳодисаларни, планеталар, кометалар, метеорлар масаласи, ҳамда рангнинг ҳосил бўлиши, камалак ҳодисалари каби муаммолар устида сўз юритади.

Тўртинчи китобда, аниқроғи Арастунинг шогирди Страбон томонидан ёзилган бу китобда дастлабки кимёвий тасаввурлар ҳақидаги ҳикояни билиб оламиз. Арасту табиий фанлар соҳасида биологияда ҳам катта ютуқларга еришган. У зоологияни уч қисмга бўлган: **анатомия, умумий физиология ва ембрология**га. Ўзининг изланишларида Арасту 500 дан ортиқ ҳайвонлар ҳақида аниқ ва тўла маълумот беради. Айримларини ҳатто ўзи ўз қўли билан кесиб, операсия қилиб ўрганган. Ҳайвонлар классификасиясида (таснифида) Арасту илгариги дихотомия принсипини (юнон: - **дичотомиа -** разделения надвойе) рад қилади. Бунга кўра ҳайвонлар йерда ва сувда яшовчи, қанотли ва қаноциз каби қарама-қарши гуруҳларга бўлинади. Арастунинг айтишича бундай принсип бир-

бирига жуда ўхшаш ҳайвонларни ҳам ажратиб қўйишга олиб келади, масалан қанотли ва қанотли бўлмаган чумолиларни ажратиб қўйгандек.

Арасту силлогизмлари (иккита мустақил фикрдан келиб чиқадиган хулоса Мас: барча металлар електр ўтказувчи, мис-метал, демак мис електр ўтказувчи) унинг мантиқ соҳасида ҳам фаолият кўрсатганидан далолат беради. Хозирги нуқтаи назардан қараганда Арасту физика ва астрономия соҳасида камроқ ютуққа еришган. Чунки Арасту йерни шар шаклида еканлигини тасдиқласада, аммо у йерни бутун коинотнинг марказидир, Қуёш ва юлдузлар йер атрофида айланади деган **геосентрик** назарияни илгари сурган.

Александр Македонскийнинг шаҳар давлатларни бўйсундиришидан то Римнинг кучайишигача бўлган вақт, тахминан ер.авв.330 йилдан то ер авв. 30 йилларгача бўлган давр қадимги Юнон фани ривожининг **учинчи яъни еллинистик даври** бўлиб ҳисобланади. Қадимги Юнон фанининг бу босқичи биринчи навбатда математика, механика, астрономия физиология фанларининг ривожланиши билан характерланади, шу билан бирга фалсафа соҳасида бу даврда анча кам иш қилинади.

Мустақил полислар ва давлатларнинг А.Македонский империясига қўшиб олиниши юнон савдоси учун янги имкониятларни, янада кенгроқ бозорларни очилишига олиб келди. Бу ўз навбатида ҳунармандчилик ишлаб чиқарувчи ва шаҳарлар ўсувига, денгиз транспорт савдосининг ривожланишига олиб келди. Шуни таъкидлаш жоизки бу жараён, яъни савдонинг ривожланиши ва ҳарбий-техника воситаларига бўлган еҳтиёж сабабли ҳунармандчилик ишлаб чиқарувининг янгидан техник такомиллашувига бўлган зарурият Македония ҳукмдорларининг: Александр, Птоломей ва улар авлодларининг юнон фанига алоҳида еътибор ва ҳурмат билан қарашга мажбур етди. Шу билан бирга уларнинг алоҳида топшириқлари билан амалий фан билан шуғулланишга кенг имкониятлар яратилди. А.Македонский томонидан ер.ав. 332 йилда қурилган Мисрнинг янги пойтахти бўлган Александрия шаҳри Птоломейлар даврида (ер.ав. 305-30 йиллар) илм-фан ва маданият марказига айланди. Балким, худди шу Македония ҳукмдорлари биринчилардан бўлиб фанни давлат миқёсида ташкил қилиш ва моддий таъмин етишга уринган бўлишлари мумкин.

Ер.ав.ИИИ - аср бошларида **Александрияда мусеён (юнонча-мусеион-русча-храм муз, ўзбекча-музалар сақланадиган жой)** ташкил етилади. Мусеён фан ривожи учун ҳам катта аҳамият касб етиб, бир вақтнинг ўзида илмий муассаса, музей ва илмий мактаб ролини ҳам ўйнаган. Мусеён Арасту ташкил етган Афинадаги Ликей мактаби билан ҳам боғлиқ бўлиб, унга Ликейда хам, Александрия мусеёнида ҳам дарс берувчи машҳур олим Страбон бошчилик қиларди.

Қадимги юнон фани еллин босқичининг йирик математик олимларидан бири ер.ав. ИИИ асрда Александрияда яшаган Йевклид ҳисобланади. Унинг йирик ва машҳур асарларидан бири "Начала" бўлиб, унда ўша давр математика илмининг барча ютуқлари жамланган ва системалаштирилган. "Начала"даги ҳамма ишлар фақат Йевклидга тегишли емас, балки бошка юнон олимлари, шунингдек ер.ав. 406-355 йилларда яшаган машҳур антик даврнинг математик ва астроном олим Йевдоксга ҳам тегишли. "Начала" 15 китобдан иборат бўлиб, унинг ХИВ-ХВ китоблари Йевклид томонидан ёзилмаган бўлиб, кейинчалик шу тўпламга қўшилган. "Начала"да антик давр математикаси ва геометрияси асослари, майдонлар, турли фигура ва жисмлар ҳажмини аниқлаш, сон-саноқ назарияси, аксиома усули (Йевклид томонидан тузилган бўлиб-**ахиома**-юнончада, русчада-положенийе, принимайемойе без доказателство вследствийе йего убедителности.) ва бошқалар ҳақида ёзилган.

Қадимги Юнонистон фани ривожининг еллинистик даврида механика соҳасида ҳам катта ютуқларга еришилган. Бу давр механик - олимлари орасида алоҳида обрўга ва шарафга еришгани ер.ав. 287-212 йилларда яшаган **Архимед** ҳисобланади. Бу буюк олим Сисилия оролидаги Сиракуза шаҳрида туғилади. У Рим ва Карфаген ўртасида Ўрта йер денгизида ҳукмронлик килиш учун бўлиб ўтган биринчи ва иккинчи Пуни урушлари даврида яшаган. Архимеднинг отаси математик ва астраном Фидий бўлиб, у ўз ўғлига яхши маълумот беради. Архимед ўша вақтда Александрия илмий марказининг кўпчилик олимлари билан яқиндан таниш еди. Архимед Сиракуза шоҳи Гийерон ИИ нинг қариндоши ва яқинларидан еди. Иккинчи Пуни уруши (ер.ав. 218-201 йиллар) даврида Архимед Сиракуза мудофасига раҳбарлик қилади. Унинг бошчилигида ўша давр

учун мукаммал ҳисобланган отиладиган снарядлар ясалади, натижада рим легионлари шаҳарни штурм билан ололмай уни қамал қилишга мажбур бўлишади. Ниҳоят ер.ав. 212 йилда Сиракуза римликлар томонидан егалланиб, Архимед ўлдирилади(тахминларга қараганда Рим қўмондони Марселлнинг буйруғисиз у ўлдирилган) . Маълумотларга кўра Архимед ўлими олдиндан Рим солдатига **"Менинг чизмаларимга тегма"** деб айтган.

Архимед оғирлик маркази тушунчасини фанга киритади ва уни турли жисмларда аниқлашнинг усулларини яратади." Дай мне, где стат, и я сдвину Землю"-деган сўзлар Архимедга тегишли. Архимеднинг илмий ютуқлари амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиб, у ҳаётда ўша даврнинг барча машина ва техникаларида, ирригасия ва ҳарбий соҳаларда қўлланилган. Архимед томонидан кўплаб кашфиётлар қилинган. Масалан сувни баландликка чиқарувчи қурилма учун - архимед винти, жуда оғир юкларни кўтариш учун полистпастлар ва винтлар, снаряд отувчи ҳарбий машиналар ва ҳоказо инженерлик қурилмалари.

Архимед фалсафий қарашларининг ҳам илғор характерда еканлигини айтиб ўтиш зарур. Бу соҳада у материалист табиатшунос - файласуф Демокрит позисиясини қўллаб - қувватлайди ва тахминан ер.ав. 320-250 йилларда яшаган Аристарх Самосский фикрларига қўшилади. Аристарх биринчи бўлиб **гелиосентризм** ғоясини илгари сурган, яъни - Куёш Йер атрофида емас балки Йер Қуёш атрофида айланади - деб ҳисоблаган. Ф . Енгелс уни Қадимги дунё "Коперники" деб атаган еди. Шуни айтиш керакки, яъни Демокрит таълимоти ва Аристарх Самосский қарашлари ўша вақтларда расмий танқидга ва муҳокамага учраган еди. Хато бўлмаса керак, агар биз Архимедни сўнги йирик табиатшунос ва шу билан бирга биринчи муҳандис - олим деб айцак, чунки унинг ишлари табиий фанларни мустақил соҳага айланишини бошлаб берди. Кейинги йилларда унинг ишлари узоқ вақт давомида ўз баҳосини топмади ва амалда қўлланилмади.

Факат Уйғониш Даврига келибгина Архимед ишлари ўз қийматини топди ва янада ривожлантирилди. Архимед асарлари биринчи бор 1543 йилда (лотин

тилига) таржима қилинади. Шу йили Н.Коперникнинг "Об обрашениях небесних сфер" номли машҳур асари нашр етилди.

Агар Архимед қадимги юнон табиатшуносларининг сўнги буюк вакили бўлса, Қадимги Юнонистоннинг сўнги йирик файласуфи бу ер.ав. 342-270 йилларда яшаган Епикур ҳисобланади. Ўз қарашларида Епикур материалист бўлган. У "ҳйеч нарса йўқдан вужудга келмайди ва олам абадийдир" деб ҳисоблайди. Епикур ҳам демокрит каби олам атомлардан ва бўшлиқлардан иборат деб ҳисоблайди. Епикурнинг динга булган муносабати ҳам қизиқ, чунки у худоларнинг борлигини тан олсада, лекин худолар одамлар ҳаётига аралашмаган ва ҳйеч қандай таъсир ўтказмайди, деб ҳисоблайди. Кейинги юз йилликда Епикур худосиз - файласуф деб ҳисобланган.

Шундай қилиб Қадимги Юнонистонда фан юнон шаҳар - давлатларининг савдо-саноат ва маданий марказ сифатида ривожланиши учун муҳим омил бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, яъни Қадимги Миср, Бобил ва Кичик Осиё халқларининг билимлари, яъни қисқача қилиб айтганда, Қадимги Шарқ фани Юнон дунёсида илм-фаннинг риводланишига баракали таъсир етган.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Қадимги Юнонистон фани ривожининг тарихий шароитлари нимада?
2. Қадимги юнон фанининг туғилиши ва дастлабки илмий жамиятлар тўғрисида қисқача маълумот беринг.
3. Қадимги юнон фани ривожланишининг биринчи иония босљичи. Мелит мактаби хусусиятлари қандай?
4. Қадимги юнон фанининг иккинчи Афина босљичини таҳлил етиб беринг.
5. Қадимги юнон фанининг учинчи еллинистик даври қайси йилларга тўғри келади?

Адабиётлар рўйҳати

1. Бернал Д.Ж. “Наука в истории обшйества”. М.1956.
2. Бернал Д.Ж. «Наука и обшйество». М. 1953.

3. Кузанский К. История культуры Древней Гресии и Рима. М. 1990.
4. Лукошин Р.К. Органон Аристотеля М. 1984.

6-МАВЗУ: ҚАДИМГИ РИМ ФАНИ.

Режа:

4. Қадимги Рим фанининг туғилиши ва унинг босқичлари
5. Қадимги Рим материализимининг ривожланиши
6. Қадимги Рим фанлари классификасияси

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан Қадимги Рим тарихи фанига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, мавзу юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Таянч иборалар:

Рим - қалъа-қўрғон шаҳри, қулдорлик, Ромул ва Рем, уруғ жамоаси, патрисийлар, «уруғ оқсоҗоллари кенгаши» - сенат, «уруғ оқсоқоллари кенгаши» - сенат, Сервий Туллий, Тарквиний Гордий, «Пуни урушлари».

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут

Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради

- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут

- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут

- Янги мавзу баёни – 5 минут

- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут

- Синов саволлар намунаси – 10 минут

- Уйга вазифа бериш – 3 минут

Қадимги Рим деганда, албатта илк қалъа-қурғон ёки қадимий шаҳар тушунилади. Шу билан бирга Қадимги Рим деганда қадимги Италиядаги уруғ жамоаси, кейинчалик бутун Апеннин ярим оролидаги йерларни ўзига бириктирган шахар давлат (полис)лар, янада кейинроқ еса –Йевропанинг бир қисмини Ўртайерденгизи қирғоқлари бўйлаб чўзилган бутун шимолий Африкани ўз ичга олган қулдорлик давлати тушинилади.

Антик муълумотларга кура Рим шахрига ер.авв. 754 ёки 753 йилдан асос солинган. Унинг асосчилари уша афсонавий она бўри сут бериб боққан ва чупон тарбиялаган ака-ука егизаклар Ромул ва Рем ҳисобланади. Бироқ археологик маълумотлар Рим шаҳрига тахминан ер.авв. Х асрларда асос солингалигини кўрсатади.

Даслаб Рим уруғ жамоасининг қароргоҳи еди. Унинг аҳолиси тўла ҳуқуқли патрисилар, плейбелар ва қуллардан иборат еди. Римнинг тула ҳуқуқли енг қадимги туб аҳолиси ҳисобланган патрисийлар бизгача йетиб келган маълумотларга кўра дастлаб уч юзта уруғдан иборат бўлган. Ҳар ўнта уруғ битта курияни, ҳар юзта уруғ ёки ўнта курия битта трибуни, яъни қабилани ташкил етган.

Олий ҳокимият органлари иккита еди: бири куриялар таркибидан йиғилган «халқ йиғини» - комисия бўлса, иккинчиси «уруғ оқсоқоллари кенгаши» - сенат еди. Жамоа тепасида комисияда сайланган подшо турар еди. Дастлаб сенат ва комисия томонидан чекланган подшонинг ҳуқуқи кейинчалик кучаяди.

Ўз қуллари ва катта йерларига ега бўлган патрисийлар ҳукумрон табақани ташкил етарди. Италиянинг бошқа жойларидан Римга кўчиб келган одамлар ва

уларнинг авлодлари-плейбелар деб аталган. Улар майда ва ўрта йер егалари, ҳунармандлар бўлиб «рим аҳолиси» таркибига кирмаган. Қулларнинг ҳеч вақоси бўлмай, барча ҳуқуқлардан маҳрум қилинган табақа еди. Ҳали еркин жамоа аъзолари меҳнати бу даврларда устун даражада сақланган бўлсада, бироқ енди қулдорлар ва қуллар синфига бўлиниш жараёни аллақачон бошланган еди.

Антик маълумотларга кўра ер.авв. ВИИ-ВИ асрларда Римда навбати билан йеттита подшо ҳукумронлик қилган. Улардан биринчиси Ромул бўлиб, бу Қадимги Рим тарихида «подшолик даври» деб аталади. Олтинчи подшо Севрий Туллий ҳукумронлиги йилларида ислоҳот ўтказилиб, унинг натижасида кейинчалик плейбейлар рим халқи таркибига киритилади. Бу ислоҳот плейбеларнинг патрисийларга қарши фуқоролик ҳуқуқи учун олиб борган узоқ вақт давомидаги (200 йилдан ортиқроқ) курашининг натижаси бўлди.

Сервий Туллийни ўлдириб тахтга чиққан «подшолик даври»нинг охирги йеттинчи ҳукумдори Тарквиний Гордий ер.авв. 510 (ёки 509) йилда римликлар томонидан қувиб юборилади. Шундан сўнг Қадимги Рим тарихининг янги «Республика даври» бошланади. Бу давр тўрт юз йилдан ортиљрољ, тахминан ер.авв.30 йилларгача давом етади. Римда подшо бошқарадиган ҳокимият йўқ қилингач, унинг ўрнига республика бошқаруви маълум муддатга сайлаб қўйиладиган кишилар идора қиладиган давлат жорий қилинди. Бунда ҳар йили бир йил муддатга сайланадиган иккита консул давлатни бошқарди.

Плейбеларнинг патрисийларга қарши курашлари натижасида улар ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи халқ трибунларини сайлаш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Қадимги Рим тарихининг Республика даври узлуксиз урушлар, Рим қудратининг ва ҳудудининг янада ошиши билан характерланади. Ер.авв 265 йилга келиб Рим томонидан бу йердаги бир қатор юнон полислари билан бирга бутун Апеннин яримороли босиб олинади. Епир подшоси Пирр устидан қилинган ғалаба (ер.авв. 275-260 йилар) натижа ер.авв. 275-260 йилар) натижасида Римликлар Жанубий Италиянинг ҳам босиб олишади. Шундай қилиб бутун Италия Римга итоат еттирилади.

Римнинг сиёсий бошқаруви янада кўпроқ аристократик республика характерини ола боради. Давлат бошқаруви биринчи навбатда сенат томонидан амалга оширилиб, у молиявий, ички хафсизлик, ташқи сиёсат, ҳарбий ва диний масалаларни йечиш ҳуқуқини олган еди. Патрисийлар ва плебейларнинг бой қисми ўртасидаги ҳуқуқий фарқ аста-секин йўқолиб ва хуллас уларнинг аралашуви натижасида янги нобилист, яъни аслзодалар табақаси вужудга келади. Оқибатда Рим ер.авв. В-ИИИ асрларда патрисийлар ва плейбелар хонадонидан чиққан қулдорлар ва аслзодалар республикасига айланган. Уларнинг вакиллари сенатда ҳал қилувчи кучга ега бўлиб, юқори мансабларни егалаганлар. Консуллар ҳам сенат билан маслаҳатли иш олиб борганлар. Маҳаллий ҳокимият – рим магистратуралари-одатда бир йилга сайланган. Халъ трибунларининг таъсири ҳам анча кучли бўлиб, улар маҳаллий магистрантлар, халқ йиғини ва ҳатто сенат ҳамда консулларнинг плебейларга зид қарорларни вето ҳуқуқи билан тақиқлаб қўйишга ҳақли едилар.

Алоҳида фавқулотдда ҳолатларда 6 ой муддатга олий ҳарбий ва фуқоролик ҳокимиятини бошқарувчи-диктатор тайинланган.

Рим ва Карфаген (финикияликлар томонидан ер.авв.825 йилда асос солинган шаҳар ёки колония) ўртасида Ўрта йер денгизи ҳавзасида ҳукумронликни қўлга киритиш учун тахминан 120 йил давомида (ер.авв.284-146йи) «Пуни урушлари» деб тарихга кирган жанг олиб борилди.

Ерамизнинг ИИИ асрларга келиб императорларнинг тез-тез алмашуви ва мамлакатдаги ички зиддиятлар ҳамда Рим қўшинларининг кетма-кет муваффақияцизликлари туфайли Рим империяси заифлаша борди. Натижада унинг тиркибидан Галлия, Испания ва Британия вақтинча чиқиб кетди. Гарманлар, сарматлар (шимолий Қора денгиз бўйи ва Шарқий Волгада яшовчи чорвадор қабилалар) ва бошқа қабилалар салтанатининг чегара вилоятларига катта зарар йетказишарди.

Ерамизнинг 184-476 йилларини Рим тарихида доминат (лот.доминатус-государство, ҳукмронлик,чексиз монархия ташанилади) деб аташади. Қўзғолонлар хавфи остида Диоклетиан (ерамизнинг284-305 й) ва Константин И (ерамизнинг 306-337й) ҳукумронлиги йилларида христианликни расмий давлат

дини сифатида тан олган абсолют монархия ўрнитилди. Сенат ҳеч қандай аҳамиятга ега бўлмай, номигагина фаолият кўрсатади. Натижада Рим империяси ҳар бирининг ўз императори бўлган ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетади. Шарқий империянинг пойтахти Византия (Константинопол) шаҳри еди.

Буларнинг ҳаммаси қулдорлик тузуми инқирозининг олдини ололмади. Йирик йер егалари бўлган магнатларнинг хусусий қуроли отрядлари бўлиб, улар билан ҳукумат ўртасидаги конфликт давом етарди ва кучаярди. Фаљат љуллар ва деҳконлар емас, ҳатто йирик деҳконлар ҳам қўллаётган варварларнинг ҳужуми давом етарди. Тарихда маълумки. Ҳатто 410 йилнинг августида готлар (герман қабилалари) томонидан Рим вақтинча егалланган, бунда дарвоза кумар томонидан очиб берилган еди. Рим салтанатидан аста-секин Британия, Испания, Африка вилоятлари ва Галлия чиқиб кета бошлади.

Рим салтанати ҳукумронлиги тугаллашини тарихда Одоакр бошчилигида герман қабилалари томонидан Ғарбий Рим империясининг охирги Ролул Августул оғдариб ташлаган ўша ерамизнинг 276 йил ҳисобланади. Византия деб аталган Шарқий Рим империяси еса яна минг йиллар атрофида ҳукмронлик қилди. 1 (В.А. 48-49 бетлар)

Қадимги Рим давлатининг вужудга келиши, гуллаб яшнаши ва йемирилиши тарихининг қисқача конспектив очерки бу давр фани ва техникаси ривожланиши янада яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Қадимги Римда кўплаб қобилияти файласуф ва табиятшунос олимлар бўлган бўсада, бироқ шуни айтиш керакки, яъни бу йерда Қадимги Юнонистонга нисбатан анча ҳам янги ғоялар ва фикрлар айтилган. Бунинг турли сабаблари бўлиб улардан асосий бу қулдорлик тузумининг йемирилиши Қадимги Юнонистонга нисбатан ҳам кучлироқ бўлганлигидир.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Қадимги Рим фанининг туғилиши ва унинг босқичларини алоҳида гапириб беринг.
2. Қадимги Рим материализимининг ривожланиши сабалари нимада?

3. Қадимги Рим фанлари классификасияси деганда нимани тушунасиз?

Адабиётлар рўйхати

1. Бернал Д.Ж. “Наука в истории обшйества”. М.1956.
2. Бернал Д.Ж. «Наука и обшйество». М. 1953.
3. Кузанский К. История культури Древней Гресии и Рима. М. 1990.
4. Лукошин Р.К. Органон Аристотеля М. 1984.

7-Мавзу: ҚАДИМГИ ЎРТА ОСИЙО ФАНИ ВА МАДАНИЙАТИ.

Режа:

1. Қадимги Ўрта Осиё тарихини Авестода ёритилиши ва халқ оғзаки ижоди ривожи
2. Ўрта Осиёда табиий, диний билимлар туғилиши ва уларнинг ривожи
3. Ўрта Осиё маданиятида меъморчилик, тасвирий санъат ва фанларнинг уйғунлиги

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан Қадимги Ўрта Осиё тарихи фанига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, мавзу юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Таянч иборалар:

Авесто, Зардуштра, Порушасп, Дугдова, «Ясна», «Яшт», «Виндевдат», «Виспарат», 72 боб, 17 та пайғамбар, «Гатлар», «Суғд», «Хоразмий» ва «Бактрий» ёзувлари, Моний ибн Фатак, Шоҳ Баҳромнинг буйруғи.

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут

Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради

- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут

- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут

- Янги мавзу баёни – 5 минут

- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут

- Синов саволлар намунаси – 10 минут

- Уйга вазифа бериш – 3 минут

Ўрта Осиё - йер юзининг енг қадимий сиёсий, иқдисодий ва маданий марказларидан биридир. Ўрта Осиёликлар дунё тарихига, кишилик маданиятига улуғ ҳисса қўшган сўнмас ёдгорликлар яратган халқлардандир.

Масалан: Ватанимиз ҳудудида яшаб келаётган халқлар дунёнинг енг қадимий маданиятига ега бўлган халқлардан бири еканлигини тарихда «Авесто» номи билан маълум бўлган муқаддас китоб ҳам исботлайди. Авесто дунёдаги енг қадимий динлардан бири зардуштийлик (оташпарастлик) динининг муқаддас китобидир. Унда Марказий Осиё ҳудудларида яшаган барча халқларнинг қадимги даврлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятлари ўз аксини топган.

Манбаларда Авесто китобининг муаллифи Зардушт (Зардуст) бўлганлиги қайд етилади. У тарихий шахс бўлиб, бундан 2700-2600 йиллар аввал (тах.ер.авв. 589-512 й.) яшаган.

Заратуштра илоҳиётчи, файласуф, шоир ва табиатшунос олим бўлган. Унинг уч ўғил ва бир қизи бўлган. Зардушт 40 ёшга йетганида якка худоликка

асосланган биринчи диний китоб «Авесто»ни яратган. Заратуштра форсча сўздан келиб чиқиб, зар-олтин ёки зард-сариқ, уштра-туя деган маънода яъни сариқ туя ёки олтин туя егаси деб таржима қилинади. У Спитама авлодидан бўлиб, отасини Порушасп, онасини Дугдова деб аташган.

Зардуштийлик диний фалсафаси қарама-қарши кучларнинг курашига асосланган. Бу кураш Худолар ўртасида бошланиб, табиатда ва инсоният ҳаётида ҳам давом етган. Ўшандан бошлаб яхшилик ва ёмонлик, рост ва ёлғон, ёруғлик ва зулмат ўртасида абадий кураш бошланган. Улар ўртасидаги кураш бутун коинотга ёйилиб, зардуштийликни асосий фалсафий таълимоти бўлиб қолади.

«Авесто» – сўзи «қатъий қилиб ўрнатилган қонун» маъносини билдиради. Бизгача Авестонинг айрим китоблари йетиб келган. Улар қуйидаги қисмлардан иборат:

«Ясна» – қурбонлик келтириш- 72 бобдан иборат.

«Яшт» – қадрлаш- 22 бобдан иборат.

«Видевдат» – девларга қарши конунлар- 22 бобдан иборат.

«Виспарат» – ҳамма ҳукмдорлар- 24 бобдан иборат.

«Ясна» 72 бобдан иборат бўлиб, унинг 17 таси пайғамбар Заратуштрага тегишли. Улар «Гатлар» номли мукаддас қўшиқлардир.

Авестонинг енг қадимги қисмлари ёзувсиз замонларга оид жамиятни ҳам тасвирлаган. Чунки Заратуштра ўз гояларини тарғиб қила бошлаган даврларда Марказий Осиё халқлари тарихида ибтидоий жамоа тузуми йемирилиб, мулкий тенгсизлик юзага келаётган, синфий муносабатлар қарор топаётган ва илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлаган еди. Марказий Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши еса ёзувсиз даврларга тўғри келади.

«Авесто»да қадимги аждодларимизнинг табиат ва уни билиш йўллари ҳақидаги тасаввурлари умумий тарзда ифода етилган. Унга кўра коинот йер, океан, осмон ёруғлик ва жаннатдан иборат. Учта денгиз билан боғланган Йер океан билан қуршалган думалоқ шаклда тасвирланади. (Олимлар тахминича бу- Каспий, Қора ва Ўрта Йер денгизларидир.) Йернинг охири (Ранга) Волга, Инд ва Тигр дарёлари ҳисобланади. «Авесто»да афсонавий тасаввурлар билан бир

қаторда кишиларнинг ҳаётий тажрибалари, инсон ва жамият, ижтимоий муносабатлар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

Заратуштра таълимотида олов, йер, тупроқ, сув ва ҳаво елементлари муқаддас ҳисобланади. Шу йерда биз агар Юнонистоннинг илк файласуфларидан бўлмиш Фалес (ер.авв.625-547й.)нинг бутун борлиқнинг асосини сув деб, Гераклит(ер.авв.530-470й.)нинг бутун олам асосини олов деб ҳисоблашини есга олсак, бизнинг бобомиз Зардушт демак улардан илгарироқ ўз таълимотида бу елементларнинг барчасини мужассамлаштирган ва талқин қилган екан. Шундай екан биз Юнонистондан олдинроқ бизда, Марказий Осиёда илмий-фалсафий қарашлар вужудга келган ва ривожланган дейишга ҳаққимиз бор.

Тарих ҳақиқатига яқинроқ бўлиш учун, араб истилосигача бўлган даврларда яратилган ота-боболаримизнинг илмий-маданий меросининг бизгача жуда кам миқдорларда йетиб келгани сабабларини билиш учун қуйидаги хулосаларни мисол қилиб олайлик: Масалан буюк олим Абу Райҳон Беруний ўзининг «Осор ул-боқия ан-ал-қурун ал-ҳолия» асарида «Авесто» ҳақида қизиқарли маълумотлар беради: «Унда подшо Доро ибн Доро хазинасида 12 минг қорамол терисига тилло билан битилган Авесто нинг бир нусхаси бор еди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, хизматкорларни ўлдириб, бу нусхани ҳам куйдириб юборган еди. Шунинг учун Авестонинг бешдан уч қисми (наск) юқолиб кетади. Авесто 38 наск еди. Мажусийлар қўлида 12 наск чамаси қолди.» Бундан хулоса шуки Искандар бошлаб берган бу жараённи, яъни аждодларимиз илмий-маданий меросини топташ, асрлар давомида яратилган мавжуд асарларни ёндириш, олимларини ўлдириш ва тақиб қилиш, саждагоҳларини бузиш, иймон-еътиқодидан маҳрум қилиш сиёсати араб лашкарбошиси Қутайба томонидан ҳам, мўғул истилочилари ва чор Россияси истилочилари томонидан ҳам давом еттирилди. Бунинг натижасида биз аждодларимизнинг айниқса, қадимги даврларда ва араб истилосигача бўлган дврларида яратилган илм-фан ва фалсафий меросидан, бизгача йетиб келмаган фан ва техника сохасидаги ютуқларининг жуда кўп қирраларидан маҳрум бўлганмиз, деб тахмин қилишимиз мумкин. Бизгача йетиб келган «Авесто» олимлар фикрича

ерамизнинг ИИИ-асрларида ҳукмронлик қилган сосонийлар подшоси Шопур даврида китоб холатига келтирилган. Шундай қилиб, Зардуштийлик дини вужудга келаётган янги синфий жамиятнинг идеалогияси сифатида пайдо бўлди.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда Зардуштийлик, насронийлик ва будда динлари асосида яна бир дин, яъни Монийлик дини вужудга келди. Унинг асосчиси Моний ибн Фатак (216-274) бўлиб, у Тайсафун (Ктесифон) яқинида туғилган. Моний ўз тарғиботини Мидия ва Форсда бошлаган 2 субстансия асоси – ёруғлик, яхшилик руҳ олами билан зулмат, ёвузлик материя оламининг ўзаро курашини еътироф етувчи Зардуштийлик диализми ётарди. Биринчи оламда худо, иккинчи оламда иблис ҳукм сурарди. Икки олам кураши фалокат билан тугайди, натижада материя ҳалокатга учрайди, руҳ озодликка чикади. Инсонлар икки унсурдан иборат: руҳ-нур фарзанди, материя ёки жисм-зулмат фарзанди. Шунинг учун монийлар зоҳидона яшашни тарғиб қилганлар, гўшт истеъмол қилмаганлар.

240-242 йилларда ўз тарғиботини бошлаган Моний зардушт коҳинларининг таъзйиқига учрайди ва Ерондан қочишга мажбур бўлади. Сўнгра Марказий Осиё ҳудудларида фаолият кўрсатади. Унинг таълимоти Ўзбекистондан ташқари Шарқий Туркистон, Италиядан Хитойгача, кейинчалик Миср ва Испаниягача тарқалади. Моний 273 йилда Еронга қайтади. Шоҳ Баҳромнинг буйруғи билан 275 йилда ҳибсга олинади ва 277 йилда қатл етилади.

Моний қаламига мансуб китоб – «Шобуракон», «Канз ул-аҳйў», (Тирилганлар хазинаси), «Жабборлар ҳақида», «Сирлар китоби», «Авангелион», «Кефалая» ва бошқалар киради.

Моний ўрта аср Шарқ шеъриятида машҳур нақкош ва рассом сифатида доимо тилга олинган. Буюк шоирларимиз Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомийлар ўз «Хамса»ларида Монийни таъриф етиб ўтганлар.

Марказий Осиё халқлари дунёдаги енг бой тарихга ега бўлган халқлардан еканлигининг унинг қадимги ёзувлари ҳам исботлайди. Бу ўлкада қадимдан яшаб келган суғдийлар, бактрийлар, хоразмийлар, довонлилар, парфиёнлар, маргиёнлар, саклар, массагетлар, қанглилар, кушонлар ва бошқалар ўз пайдо

бўлиш, ривожланиш ва тараққий қилиш тарихларига хос ўз маданиятлари ва ёзувларига ҳам ега бўлганлар.

Дастлабки ёзув бундан В-ВИ минг йиллар илгари Миср ва Месопотамияда пайдо бўлган бўлса, Марказий Осиёда ер.ав. В-ИИИ асрларда пайдо бўлади ва булар фанда «сўғд», «хоразмий» ва «бақтрий» ёзувлари деб аталади. Бу ёзувлар Суриянинг Ғарбида вужудга келган «оромий» алифбоси асосида вужудга келиб, маҳаллий халқлар бу алифбони ўз фонетикасига мослаштирганлар

Манбаларга кўра Марказий Осиё халқларининг ёзув тарихи ёши тахминан 2500-2400 йиллар атрофида деб ҳисобланади. Қадим-қадимдан бу ҳудудда ёнма-ён, йелкама-йелка яшаб келган, доимо иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан алоқадор ва боғланиб кетган ерон ва турк тилларида сўзлашувчи халқлар, сўзлашув тили жиҳатидан ҳам бир-бирига таъсир ўтказганлар. Бундай ўзаро таъсир ва боғликликни нафақат оғзаки сўзлашув тилида, балки ёзма маданиятда ҳам кўриш мумкин.

Милоддан аввалги И минг йиллик ўрталарида Ерон, Марказий Осиё ва бошқа ўлкаларда **оромий** ёзуви кенг тарқалган. Марказий Осиёни Аҳмонийлар босиб олгач, бу йерга елам ёзуви, Искандар босиб олгач еса, юнон ёзуви кириб келди. Натижада форс миххатлари, юнон ёзуви, оромий ёзуви муайян даврларда маъмурий ҳужжатларда қўлланилган. Милоддан аввалги И минг йиллик ўрталарида оромий ёзуви негизида Авесто, Хоразм, Суғд, Бактрия, Рун (Урхун-Енасой), Уйғур ёзувлари каби бир қатор маҳаллий ёзувлар вужудга келади. Кушон давлати даврида ҳинд халқлари билан ўзаро алоқадорлик негизида Брахма ва Кхарошхи деб аталган ҳинд алифболари ҳам ишлатилган.

Илк урта асрларда Урта Осиё ва Хитойда когоз ишлаб чикариш анча юлга куйилган булса-да, ёзув ишлари асосан чарм, суяк, сопол хамда сарой ва ибодатхона деворларига хам ёзилган.

Адабиётлар рўйхати

5) Абдунабийев А. “Вклад в мировую сивилизасию” Т.1998.

6) Классическая наука Средней Азии и совершенная мировая сивилизасия. Т. 2000
7) Очерки истории йестественно-научных знаний в древности М. 1982
8) Ртвиладзе Йе.В, Саидов А.Х, Абдуллайев Йе.В Очерки по истории сивилизасии древнего Узбекистана: государственност и право Т.2000

Мавзу бўйича саволлар:

1. Қадимги Ўрта Осиё тарихини Авестода ёритилиши ва халқ оғзаки ижоди ривожини гапириб беринг.
2. Ўрта Осиёда табиий, диний билимлар туғилиши ва уларнинг ривожининг негизи нимада деб биламиз?
3. Ўрта Осиё маданиятида меъморчилик, тасвирий санъат ва фанларнинг уйғунлигини таърифлаб беринг.

ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИДА ФАН:

8-Мавзу: Феодализм даврида Ғарб мамлакатлари фани.

Режа:

4. Феодализм даврида Ғарб мамлакатлари фани тарихини манбаларда ёритилиши.

5. Ғарб мамлакатларида табиий, диний билимлар туғилиши ва уларнинг ривожи
6. Ғарб мамлакатлари маданиятида меъморчилик, тасвирий санъат ва фанларнинг уйғунлиги

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан Ғарб мамалакатлари тарихи фанига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, мавзу юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут

Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради

- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут

- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут

- Янги мавзу баёни – 5 минут

- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут

- Синов саволлар намунаси – 10 минут

- Уйга вазифа бериш – 3 минут

Тарихшунослик илмида Ўрта асрлар тарихи узоқ даврни, ерамизнинг В асридан, яъни қулдорлик империясининг қулашидан то ХВИИ асрнинг 40-йилларида бошланган инглиз-буржуа революсиясигача бўлган даврни ўз ичига олиб, уни дунё халқларининг деярли ҳаммаси ўз бошидан кечирганлар. 1200 йилдан кўпрок даврни ўз ичига олган феодализм даври Англия ва Франсияда Ғарбий Рим империясининг йемирилиши биланоқ бошланиб, Англияда ХВИИ асргача Франсияда ХВИИИ асргача давом етган бўлса, Россияда феодализм кейинроқ, яъни ИХ асрдан бошланиб, то 1861 йил крепостной ҳуқуқининг бекор қилинишигача давом етди. Ўрта Осиёда еса В-ВИ асрлардан то ХХ асрнинг бошларигача давом етди.

Маълумки, қадимги дунё қулдорлик жамияти, қадимги дунё сивилизаасияси Шарқ дунёсида вужудга келиб, Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой мамлакатларида ўзининг юксак тараққиётига еришган. Шундан сўнг сивилизасия маркази аста-секин Ғарб дунёсига кучди.

Ғарб мамлакатлари феодал жамияти, давлатчилиги ҳамда маданиятида христиан динининг ҳукмрон динга айланиши қанчалик аҳамият касб еца, бу даврларда Шарқ дунёсида Ислом динининг яратилиши ва тарқалиши ҳам унинг юксак маданиятининг вужудга келишига шунчалик ҳисса қўшди.

Қулдорлик тузумига нисбатан феодал жамиятининг прогрессивлиги – бу қулчиликка нисбатан унумлирок бўлган майда деҳқон хўжалигининг пайдо бўлишидир. Чунки йерсиз ва ўз меҳнатидан манфаатдор бўлмаган қулдан фарқ қилган ҳолда деҳқон ўз йерига ега бўлиб, мустақил хўжалик юритар ҳамда қишлоқ хўжалик екинлари маҳсулдорлигини оширишдан манфаатдор еди.

Илк ўрта асрлардаёқ қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва савдонинг тараққиёти ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишига, бу еса ўз навбатида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказлари бўлган янги-янги шаҳарларнинг вужудга келишига олиб келди.

Лекин, шундай бўлсада, одамларнинг қадимдаги каби ўрта асрларда ҳам табиатнинг мудҳиш кучлари: зилзила, тошқин, қирғокчилик ва епидемиялар олдида ожизлиги, фан ва техника тараққиётининг пастлиги, уларни саросимага соларди. Инсоният тарихида ҳйеч бир жамиятда феодалларнинг ҳуқуқлари чексиз худбинлик даражасига кўтарилгани каби жамият бўлмаган ҳйеч қачон мавжуд тартиблар ва қонунларнинг феодализмдаги каби фақат заиф меҳнаткашлар томонидан бажарилиши талаб қилинган жамиятни учратмаймиз.

Шунинг учун ҳам деҳқонларнинг феодаллар жабр-зулмидан қутулиб бўлмайди деган; тортаётган азоб-уқубатнинг чек-чегараси йўқ деган тасаввурларга келиши хрестиан черковини обрўсини кўтариб юборди. Худога бўлган ишонч ҳар қандай илмий қарашларнинг черков томонидан қаттиқ назорат остига олинишига олиб келди. Черков халқнинг нодонлиги ва жахолатлигидан фойдаланиб, бойлик ортирар ва мавжуд феодал тузумни мустаҳкамлашдан манфаатдор еди. Папалар (юнонча –папес – ота) индулгенсия (лотинча – авф

етиш) қоғози сотишдан ғоят катта даромад топарди. Черков худо барча одамларни уч тоифага бўлган деб жар соларди:

1-тоифадаги «руҳонийлар» – ҳамма учун ибодат қилмоғи лозим;

2-тоифага «феодаллар» уруш қилмоғи;

3-тоифага «деҳқонлар ва ҳунармандлар» кириб, улар ҳамма учун меҳнат қилмоғи керак деб уқтириларди.

Христиан ахлоқи аҳолини итоаткорлик ва сабр тоқатли бўлиш руҳида тарбиялашга, феодал тартибларга қарши ҳар қандай фикрни бўғиб ташлашга мажбур еди. Черков таълимотига қарши чиқувчиларни руҳонийлар йеритик (бидъфтчи) деб атарди.

Папа йеретикларга қарши курашиш учун ХИИИ асрда махсус черков судиинквизисияни (лотинча – тергов) ташкил етди. Йеретик деб топилган кишилар гулханда ёқиларди. Натижада черков таълимотига зид фикрдаги кишилар, ҳатто илм-фан соҳасидаги бир қатор олиму кашфиётчилар жазоланарди.

Ғарбий Йевропада христиан черкови тепасида Рим папаси, турарди. Унинг қароргоҳи Ватикан шаҳри еди. Йирик вилоятларда черковни йепископлар ва архийепископлар бошқарган. Монастирлар бошқарувчиси-аббатлар (ота) деб аталган. Тарки дунё қилган кишилар-монахлар (юнонча – ёлгиз) монастирларда яшаганлар. Барча черков ходимлари рухонийлар табақасини ташкил етган.

Ерамизнинг 354-430 йилларда яшаган, черков отаст деб ном олган Йепископ Аврелий Августин черковнинг ташкилий структурасини ва догматикасини тузади. Аврелий Августин-неоплатонизм тарафдори еди. Унинг фикрича бутун олам католик черкови томонидан бошқарилиши керак, яъни черков кошида (вечная меровая божя держова) абадий бутун олам черков ҳукмронлиги ўрнатилиши керак. Шу билан бирга Августик хусусий мулк ва ижтимоий тенгсизликни ҳимоялаб чиқди.

ИИИ асрларда Рим йепископлиги заминида шаклана бошлаган ИЙ асрларда папа унвони олган черков бошлиғининг таъсири Ғарбий Йевропа мамлакатларида янада кучая борди. Папа турли мамлакатларининг олий руҳонийлардан иборот кардиналлар кенгашида кўпчилик овоз билан умрбод

сайланадиган бўлди. Шу билан бирга ХИ асрда феодализмнинг диний фалсафаси сифатида схоластика вужудга келди. Унинг вазифаси ўрта асрлардаги ижтимоий тенгсизликни, черков догматикасини иборат еди. Йирик схоласт философ ва теологлардан бири Анселм Кентерберский (1033-1109) еди. Анселм черков мустақиллиги мустаҳкамлаш тарордарларидан еди. У ҳар қандай илмий билим ишончининг асоси бўлиши мумкин (?) деб ҳисобларди. У худонинг борлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Феодализм даври файласуфлардан Париждаги монастир мактабининг ўқитувчиси файласуф ва ёзувчи Пйер Абелярни (1079-1142) айтиб ўтмаслик мумкин емас. Абеляр ўзининг трактатларига асос қилиб қўйидаги тезисни қўйди: "Понимат, чтобы верит", "Ишониш учун тушуниш" бошқача қилиб айтганда Абеляр у ишонадиган ҳамма нарса олдиндан тушунарли бўлиши керак деб ҳисобларди. Бундай талқин ўша даврда йеретикликка тенг еди М: иккинчи салб қараши тарғиботчиларидан бири Бернард Кирвосский Абелярни "антихрист ва шайтон"деб атаган еди.

ХИИ - ХИИИ асрларда Аристотелнинг асарлари лотин тилига таржима қилинди. Бу еса ортадоксал католик доктриналарининг Арасту қарашларини бир қанчасини христиан таълимотига мослашларига уринишига олиб келди.

Ана шундай схоласт-файласуфлардан бири Фома Аквинский (1225-1274) бўлиб, у ўша даврда кенг тарқалган схоластик тизимни яратди. Бу тизим ўрта асрлар идеологиясида хукмрон бўлган ўзига хос енсиклопедия бўлди.

Фома Аквинский ўз асарларида нафақат теологик, диний муаммоларни, балки ҳуқуқ, аҳлоқ, давлат, иқтисод ва табиий фанлар масалаларини ҳам ёритди.

Схоластик олимлардан фарқ қилиб - Фан тарихига илғор фикрловчи бўлиб кирган олим Англиялик франсискан монахи файласуф ва табиатшунос Роджер Бекон (1214-1232) ҳисобланади. У черков ва феодал схоластикани танқид қилиб чиқди. Р.Бекон черковга ёлғончилар кириб олган чунки руҳонийлар бой-бадавлат яшашади ва шунинг ўзи улар таълимотига зиддир деб айтади. У утопик давлат лойиҳасини ишлаб чиқади. Бунда олий ҳокимият халқ мажлиси томонидан бошқарилиши керак. Р.Бекон табиий фанлар билан шуғулланиб, математика, астрономия, физика ва кимё соҳасида фаъолият кўрсатди.

Унинг фикрича ҳақиқатни излашда ягона ва муҳим восита бўлиб ақл емас, балки тажриба хизмат қиладир яъни билимни кузатишлар ва тажрибалар йўли билангина ҳосил қилиш мумкин, деб исбот қиларди. Фаннинг мақсади табиатни ўрганиб, уни одамларга хизмат қилдиришдан иборат деган еди Бекон. Р.Бекон магнит стрелкасини ва катта қилиб кўрсатадиган ойнани тажриба қилиб кўрди, демак микроскоп ва телескопнинг кашф қилинишини ҳамда бошқа кашфиётларни олдиндан кўра билди. Бироқ у черков томонидан танқиб остига олинди, унинг сарлари йўқотилди, ўзи папанинг бўйруғи билан 14 йил турмага ташланди.

ХИ - ХЙ асрларда Ғарбий Йевропада шаҳарларнинг ўсиши ва марказлашган давлатларнинг вужудга келиши илм-фан, мактаб ва маданиятнинг ривожланишига туртки берди. Шаҳарлар ва савдо-сотиқнинг ривожланиши билан шунингдек салб юришлари вақтида йевропаликларнинг дунё хақидаги тасаввурлари кенгайди. ХИИИ- асрда венесиялик савдогар ва сайёҳ Марко Поло 25 йил давомида Узоқ Шарқ мамлакатларида бўлиб, бу мамлакатлар ҳақида қимматли маълумотлар тўплади. Италияга қайтгач, Осиёдаги давлатлар ва халқлар ҳаёти ва урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар ёзди.

Марказлашган давлат бошқаруви билимли кишилар кўпроқ бўлишини талаб қиларди. Қиролларга саводли, маълумотли амалдорлар ва судялар керак еди. Натижада шаҳарларда черковга қарашли бўлмаган хусусий кишилар ёки шаҳар кенгаши томонидан очиладиган мактаблар вужудга кела бошлади.

ХИИ асрда Йевропада дастлабки Олий мактаблар - университетлар вужудга келди. 1160 йилда Париж университети ташкил топди. Тахминан ўша даврларда Италиядаги Болонйе университети вужудга келди. 1167 йилда Англияда Оксфорд университети ташкил топди. Бу йерда Р.Бекон ҳам ўқитувчи бўлиб ишларди. 1209 йилда Кембридж 1222 йилда Падуан, 1224 йилда Неопол, 1347 йилда Прага ва 1364 йилда Полшадаги Краков университетлари пайдо бўлди. ХВ асрларга келиб Йевропада университетларнинг сони 65 тага йетди. Дастлаб машҳур ўқитувчилар бўлган шаҳарларда вужудга келган бу университетларда дарслар лотин тилида олиб бориларди, шунинг учун бу университетларда турли мамлакат вакиллари ўқий оларди. Университетларда

дастлаб илоҳиёт фанлари ўқитилсада, бироқ ўқитиш жараёни илгаригига нисбатан мутлоқо фарқ қилиб, системали равишда олиб бориларди. Талабалар шунингдек ҳуқуқ, тиббиёт, математика, астрономия, физика, граматика, фалсафа ва бошқа фанлар ўқитиларди.

Ўқитувчилар маърузалари талабалар томонидан ёзиб олинарди ва тингланарди. Маърузалар диспутлар билан тўлдириларди.

Адабиётлар рўйхати

1. Абдунабиев А. “Вклад в мировую сивилизасию” Т.1998
2. Бернал Д.Ж. “Наука в истории обшества” М.1956
3. Болград-Левин Т.М. “Древние сивилизасии” М. 1989
4. История древнего мира - Рассвет древних обшеств, упадок древних обшеств. М. 1988

Мавзу бўйича саволлар:

1. Феодализм даврида Ғарб мамлакатлари фани тарихини манбаларда ёритилишини қисқача баён қилинг.
2. Ғарб мамлакатларида табиий, диний билимлар туғилиши ва уларнинг ривожининг сабаблари нимада?
3. Ғарб мамлакатлари маданиятида меъморчилик, тасвирий санъат ва фанларнинг уйғунлигини изоҳланг.

9-МАВЗУ:

Режа:

1. ИХ-ХВ асрларда Россия ва Кавказ халқлари фани тарихини магбаларда ёритилиши.
2. Россия ва Кавказ халқларида табиий, диний билимлар туғилиши ва уларнинг ривожи
3. Россия ва Кавказ халқлари маданиятида меъморчилик, тасвирий санъат ва фанларнинг уйғунлиги

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан Россия ва Кавказ тарихи фанига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, мавзу юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут

Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради

- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут

- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут

- Янги мавзу баёни – 5 минут

- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут

- Синов саволлар намунаси – 10 минут

- Уйга вазифа бериш – 3 минут

Олимлар фикрича Одер, Висла, Днестр ва Припят дарёларининг юқори оқими ва сўнгра шарққа томон Днепр билан Деснагача бўлган кенг майдонларда қадимги славянларнинг авлод-аждодлари яъни праславянлар яшаганлар. ИХ-асрда ана шу шарқий славянларнинг яъни уч қардош халқ рус, украин ва белорусларнинг умумий давлати бўлган Рус феодал давлати қарор топди.

Шарқий славянлар ўз пойтахтларининг номи билан бу давлатни Кийев Руси деб аташган. Рус тўғрисида енг қадимги ёзма маълумотлар ХИИ аср бошида Печора монастирининг монахи Несторнинг «Повест временных лет» «Муваққат йиллар қиссаси» номли асарида учрайди. Нестор кўплаб юнон ва рус китобларини таҳлил қилиш асосида «Как и откуда пошла Русская земля» деган сарлавҳа билан ўз асарини ёзишни бошлаган. Унинг фикрича «Рус давлатининг пойдевори ВИ асрларда яшаган афсонавий княз Кий номи билан боғлиқ бўлиб, у еҳтимол Днепр бўйи қабилалари иттифоқининг бошлиғи бўлган, лекин ҳали тўла маънодаги феодал подшо емас еди. Солномачи Нестор ВИИИ-ИХ асрларда шарқий славянларнинг салкам 15 та қабилавий иттифоқларини тилга олади: полянлар, северянлар, волинлар ва бужанлар, уличлар ва тверликлар, дреговичлар, радимичлар, вятичлар, полочанлар, кривичлар, словенлар ва бошқалар.

Шундай қилиб рус ёки рус халқлари тўғрисида дастлабки тарихий маълумотлар милодий ВИ асрларга тегишли бўлиб, Рус халқи фани ва маданиятини ўрганишда бизга рус князлари ҳақида яратилган бир қатор достонлар ҳам маълумот беради. Кийев Руси феодал давлатининг илк князларидан бири Олег (882-912) ҳукмронлиги даврида давлат ҳудуди кенгайтирилади. Бу даврда дехқончилик ва чорвачилик ривожланиб, уч далали алмашлаб екиш, йерга ишлов берувчи қуроллар такомиллашади. Олег вафотидан кейин тахтга чиққан Игор (912-945) ҳукмронлиги даврида Кийев Руси янада мустаҳкамланади ва кенгайтирилади. Бироқ у древлянлар томонидан 945 йилда қайта ўлпон йиғиш пайтида ўлдирилади. Шундан унинг бева хотини Олга давлатни бошқаради. У биринчилардан бўлиб христианликни қабул қилган. Игорнинг ўғли Святослав (964-972) ҳукмронлигининг асосий қисми ҳарбий юришлар билан ўтди. Святослав қўшини 972 йилда Византия юришидан қайтаётганида Днепр остоналарида кўчиб юрган печенеглар билан тўқнашади. Жангда рус қўшинлари мағлуб бўлиб, Святослав ўлдирилади. Печенеглар хони унинг бош чаноғидан май ичиш учун тилла қопланган қадаҳ ясашни буюради. Шундан сўнг тахтга Владимир Святославич (980-1015) чиқади. Унинг асосий хизмати биринчидан барча шарқий славянларни Кийев Руси қўл остига бирлаштириш, кўчманчиларга қарши мамлакатнинг мудофаа қудратини

ошириши бўлса, иккинчидан 988 йилда Русда христиан динини жорий етиши еди. Бунинг натижасида Византия ёзуви ва санъатининг Русга кириб келишига кенг имкон яратилди.

ИХ- асрда (855 йилда) ака-ука Кирилл ва Мефодийлар славянлар учун махсус алефбо ихтиро қилишади. У славян тилининг мураккаб товушларига мослаштирилган еди. Енди рус кишилари савдо шартномалари ёза бошлаганлар, солномалар, қонунлар мажмуаларини тузадиган ва юнон тилидан китоблар таржима қиладиган бўлдилар.

Ярослав Мудрий (1019- 1054) ҳукмронлиги даврида Русда маорифга давлат даражасида еътибор берилиб, китоблар таржима қилинади, кутубхоналар яратилади, черков ва монастирлар қурилади. Ҳозиргача сақланиб қолган Кийевдаги олтин дарвоза ва София ибодатхонаси Ярослав даврига оид бўлиб, улар рус маданиятининг юксак савиясидан далолат беради. Княз Ярослав Новгородда тартиблар тўғрисида қонун яратиб, бу фанга «Ярослав суди» номи билан кирган.

Доно Яросдав вафотидан кейин унинг ворислари ўртасида бошланиб кетган ўзаро урушлар келтирган хонавайронликлар устига қурғоқчилик туфайли келиб чиққан очарчилик ва шарқдан Русга бостириб кирган янги кўчманчилар-кипчоқларнинг даҳшатли босқини натижасида рус фани ва маданияти бироз тушкунликка учради. Ўзаро феодал тарқоқлик урушлари ва халқ қўзғолонларининг кучайиши князлар ва ҳукмрон синф манфаатлари ҳимоя қилувчи қўшимча қонунлар жорий етиш заруратини туғдирди. 1072 йилда ака-ука Ярославичлар Кийевда янги княз қонуни – «Русская Правда»ни тузишди.

«Русская Правда»нинг моддаларида асосан княз ва унинг маъмурлари манфаатлари ҳимоя қилинди. М: унинг 20-чидан то 24-чигача бўлган моддаларида княз бошқарувчисини ўлдирган киши ёки жасад топилган йердаги бутун жамоа катта жарима (80 ҳўкиз ёки 400 қўй қимматига тенг) тўлаган. Бундай жарима бутун қишлоқни хонавайрон қилган ёки деҳқонларни князга қарам қилиб қўйган. Аксинча оддий деҳқон (смерд ёки қарол) ўлдирилса, княз маъмуриникига нисбатан 16 баробар кам жарима тўланган.

Доно Ярославнинг набираси Владимир Мономах (1113-1125) «Русская Правда» қонунларига жиддий ўзгартиришлар киритиб, судхўрлардан қарз олиб кўпинча қарам бўлиб қоладиган майда шаҳар аҳолиси манфаатларини ҳимоялаб чиқади. Бу қонун «Мономах устави» деб юритилди. ХИ- асрнинг охирларида Владимир Мономахнинг синглиси Кийевда қизлар учун мактаб очади. Бироқ ХИ- аср охирларида князлар билан йирик феодаллар ўртасида ҳокимият учун ўзаро кураш кучайиб Руснинг куч-қудрати ва бирлигига путур йета бошлайди. Ярослав Мудрий ва унинг набираси Владимир Мономахлар Руснинг нисбатан бирлигига еришган сўнгги буюк князлар еди. Ярославнинг ўғиллари ҳукмронлиги замонидаёқ бошланиб кетган феодал тарқоқлик Кийев феодал марказлашган давлатининг 1132 йилда 10 дан ортиқ майда князликларга бўлиниб кетишига олиб келди.

Шундай қилиб илк феодал давлат бўлган Кийев Руси 300 йилча (ИХ асрдан – ХИИ асргача) ҳукмронлик қилиб, шарқий славян қабилаларини бирлаштирди ва уларнинг фани ва маданияти ривожига туртки берди. Дастлаб славян халқларининг туйғулари уларнинг қаҳромонлик-епик достонларида (Иля Муромес, Микула Селянинович.) намоён бўлди. Сўнгра Х аср бошларида Русда ёзувнинг расм бўлиши рус фани ва маданиятининг ривожланишига кўмаклашди.

ХИ аср ўрталаридан Русда юнонча ва болгарча қўлёзма таржима асарлар: «Пурҳикмат», «Тўплам» кабилар тарқалди. ХИ асрнинг охири – ХИИ аср бошларида дастлабки оригинал русча асарлар пайдо бўлади. Булар орасида Нестор қаламига мансуб «Ўтмиш йиллар қиссаси», «Князлар Борис билан Глеб тўғрисидаги сабоқлар», «Феодосий Печерский ҳаёти» ва бошқалар бор.

Қадимги Рус адабиётининг енг салмоқли асарларидан бири бу 1185 йилда номаълум автор томонидан ёзилган «Игор полки жангномаси»дир. «Жангнома»да княз Игорнинг қипчоқларга қарши ҳамласи ва қипчоқ хони Кончакнинг уни тор-мор етиши баён етилиб, унда рус князларининг бирлашишига даъват етилади.

ХИИ-ХИИИ асрларда Русда катта-кичик шаҳарлар вужудга келиб, бинокорлик ва меъморчилик янада ривожланади. Пойтахт шаҳарларнинг жадал қўрилиши ва уларнинг безаклари рус меъморлари ижодини юксалтирди. М:

Боголюбовадаги Андрей қасри, Покров черкови (ХИИ а.), Владимирдаги Успенский ва Дмитрийевский соборлари (ХИИ а.), Переяславлдаги Спасск собори, Новгороддаги Спас-Нередиса черкови бунга мисол бўла олади.

ХВ асрда муғул-татар зулмидан озод бўлган Рус йерларининг марказлашуви жараёни бўлиб ўтади. Тверлик савдогар Афанасий Никитин (--1472 йилда ўлган) 1466-1472 йилларда Форс ва Ҳинд ўлкаларига саёҳат қилиб, қайтишда Африка сохилларидаги Сомали, Арабистон ва Туркия орқали саёхат қилади. Унинг «Уч денгиз оша саёҳат» асари тарихий-адабий-географик характерга ега бўлиб, рус фанининг ривожига катта ҳисса қўшади.

Кавказ халқлари:

Кавказликлар қадимдан юксак маданият арбоблари йетишиб чиққан халқлардан биридир. ИВ-В асрларда Арманистон, Озарбайжон ва Грузияда ҳам ўзларининг маҳаллий ёзувлари вужудга келади. Милодий И-минг йилликнинг ўрталарида Кавказ халқлари Ерон, Византия, Салжуқийлар, Араб халифалиги, сўнгра Темурийлар ва Усмонли Турклар давлатлари билан тўхтовсиз урушлар олиб боришга мажбур булганлар.

ВИИИ асрда Озарбайжон ҳудудига ислом дини кириб келади. ХИИ-ХИИИ асрларда еса мамлакатда ҳунармандчилик ва савдонинг кенг ривожланиши илм-фан тараққиётига ҳам туртки беради. Бу даврда Озарбайжоннинг йирик файласуфи ва шоири Илёс Юсуф ўғли Низомий Ганжавий (1141-1203) ҳисобланади. Унинг беш ажойиб достондан иборат «Хамса»си (Панж Ганжи) Шарқ халқлари адабиётида янги бир босқич бўлди. У 1141 йилда Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида туғилади. Ганжа шаҳри ИХ аср ўрталарида вужудга келиб, бу шаҳар ХИ-ХИИ асрларда йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ бўлиб, Аррон давлатининг пойтахти еди. Низомий ёшлигидан илм- фанга берилиб, араб ва форс тилларини мукаммал ўрганади. У фалсафа, мантиқ, тарих, тилшунослик, астраномия ва бошқа фанлар билан шуғулланган. Низомий улуғ лирик ва епик шоир бўлиб, унинг беш достони яъни «Махзан ул-асрор» (Сирлар хазинаси), «Хисрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Хафт пайкар» (Йетти гўзал) ва «Искандарнома» асарлари унинг вафотидан кейин бир

китоб қилиб тўпланди ва «Панж Ганж» («Беш хазина») – «Хамса» (Бешлик) номи шухрат қозонди.

ХИИИ-ХВ асрларда Озарбайжонда табиий фанлар, тиббиёт ва меъморчилик соҳасида кўплаб таниқли олимлар йетишиб чиқади. Булар орасида шоирлардан Зулфиқор Ширвоний, Авҳидий Мароғоий, Иззаддин Гасан-оғли, шунингдек Мароға расадхонасининг асосчиси Насриддин Тусий ва бошқалар бор еди. ХВ асрга оид Бакудаги Ширвоншоҳлар саройи ва Табриздаги Мовий мачит бинолари Озарбайжонда меъморчиликнинг ҳам юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Ҳозирги Арманистон ҳам қадимги сивилизасия марказларидан бири ҳисобланади. 1968 йилда Йереван шаҳрининг 2750 йиллиги нишонланган еди. Арман халқи ҳам юқорида айтган босқинчи давлатлар билан тинимсиз урушлар олиб борганлар.

Арманистонда ИВ асрдаёқ христиан дини асосий динга айланади. Арман халқининг фани ва маданияти тарихида В аср бошларида арман алефбосининг жорий етилиши муҳим вокеа бўлди. Бунда маърифатчи олим Месроп Маштосу (361-440)нинг хизмати каттадир.В асрда қадимги арман адабий тилининг асосчиси файласуф ва ёзувчи Йезник Кохбеси яшаган. В-ВИ асрнинг биринчи ярмида яшаган файласуф Давид Анахт Афина ва Александрияда билим олиб, Афлотун, Арасту ва Пифагор асарларини ўрганиши натижасида идеалист файласуф бўлиб йетишади. Унинг фикрича «ҳамма нарса худо томонидан яратилган». Бироқ у «ташқи дунё обектлари, жисм ва ҳодисалар реал мавжуд, уларни билиш мумкин» деган материалистик ғояни ҳам илгари суради. Давид Анахтнинг асарлари орасида асосийси бўлган «Определенийе философии» номли асари ўз моҳиятига кўра дунёвий ва расионал асар ҳисобланади.

Яна бир арман олими Анания Ширакаси ВИИ асрда арифметикадан «Масалалар ва йечимлар» деб аталган мактаб дарслигини тузади. Араб халифалигига қарши кураш жараёнида арманларнинг «Сасунси Давуд» (Давид Сасунский) номли епоси сақланиб қолган. Унда тоғли Сасун раёнининг халқи Овнан Хутеси бошчилигида арабларни тор-мор етган ва Муш шаҳрини озод қилган. Сасунлик Давуд—йиғма образ бўлиб, у арман халқини бирликка даъват етган.

Қадимги арман файласуф-табиатшуноси, шоир ва богослов Ованес Имастатер (тах. 1045-1129) бир қатор антик ва ўрта асрлар даври олимларининг асарларини, жумладан Арасту ва Йевклид асарларини арман тилига таржима қилишда катта хизмат кўрсатган. Шу билан бирга у ўша пайтда Арманистонннинг пойтахти бўлган Ани шаҳридаги олий мактабнинг асосчиси еди. Арманистонда тиббиёт ҳам юксак даражада ривожланиб, табиблардан Григор Магистр (Х-ХИ а.), Мхитар Гераси (ХИИ а.) ва Амирдовлат Амасиаси (ХВ а.)лар машхур табиблар еди.

Арман донишманди Мхитар Гош (тах. 1133-1213й.й.)нинг «Судебник» номли асари асосан арман қонунлар тўпламини ўзида акс еттирган асарлардан ҳисобланади. Файласуф Ованес Воротнеси (1315-1386й.) Арастунинг издоши бўлиб, педагог, сиёсатчи ва черков ходими еди. У « реал олам, ҳолбуки у худо томонидан яратилган бўлсада, ўз қонунлари билан мавжуд. Инсоннинг олам тўғрисидаги нуқтаи-назари ҳоҳ у тўғри булсин ҳоҳ нотўғри фақат реал ҳаётда текширилади ва ўрнатилади». Ованеснинг шогирдларидан бири Григор Татеваси (1346-1409) ҳам педагог, файласуф ва черков ходими еди. У ҳам худонинг мавжудлигини устози каби инкор етмасада, бироқ олам узликсиз тараққиётда ва ҳаракатда деган материалистик дунёқарашни илгари суради.

Арман меъморлари ва бинокорлари ҳам ажойиб иншоотлар қурганлар.М: Ечмиадзинедаги Рипсиме черкови (ВИИ а.), Тигнис қўрғони (ИХ-Хаа.), Хсконкедаги Саркиса черкови (ХИ а.), Санаин монастыри (Х-ХИИИ аа.), Георгий ва Мугни черковлари (ХВИИа.).

Грузия ҳудудида ҳам енг қадимги даврлардан фан ва техника юксак даражада ривожланган. Грузинлар ҳам бошқа кавказ халқлари каби чет босқинчилари билан (киммерийлар, скифлар, Рим империяси ва Форс, Араб халифалиги ва Византия, муғуллар ва Темур ҳамда Усмонли турклар.) тинимсиз урушлар олиб борганлар. ИВ асрлардан Грузияда христианлик қарор топа бошлайди. Араблар қувилгандан кейин Кавказдаги феодал давлатлар Грузия атрофида бирлашади. ХИИ асрда мамлакатни бирлаштиришга катта ҳисса қўшган подшолардан бири бу Довуд Бинокор ҳисобланади. Унинг даврида янги шаҳарлар қурилади, суд мукаммаллаштирилади ва феодалларнинг

ўзбошимчалигини чеклаш учун кўп сонли отлиқ қўшин тузилади. ХИИ асрнинг охирларида Довуд Бинокорнинг евараси малика Тамарада ҳам Грузия давлати анча қудратга еришади, бу еса фан ва санъатнинг ҳамда меъморчиликнинг гуллаб яшнашига олиб келади. Бу даврда Гелати шаҳридаги монастирда академия—олий мактаб барпо қилинади. Унда ҳам диний ҳам дунёвий фанлар ўқитилиб, фалсафа, математика, ҳуқуқшуносликка оид илмий асарлар ёзиларди.

Феодал жамиятининг шаклланиши ва христианликнинг расмий динга айланиши Грузияда ўрта асрларнинг ўзига хос дунёқараши бўлган – схоластиканинг вужудга келишига олиб келади. Аммо схоластикага қарши бўлган, қадимги юнон файласуф-табиатшунослари асарларини ўрганувчи ва тарғиб қилувчи олимлар ҳам бўлиб, улардан бири Иоане Петриси (тах.1055-1130йй.) еди. У Византияда таълим олиб, Арасту, Прокл Диадох ва бошқа асарларни грузин тилига таржима қилган. Багратионлар сулоласининг вакиласи подшо Тамара саройида алоҳида обрўга ега бўлган ажойиб грузин шоири Шота Руставили (ХИИ а.) бўлиб, унинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумот сақланган.

Адабиётлар рўйхати

1. Абдунабиев А. “Вклад в мировую сивилизасию” Т.1998
2. Бернал Д.Ж. “Наука в истории обшества” М.1956
3. Болград-Левин Т.М. “Древние сивилизасии” М. 1989
4. История древнего мира - Рассвет древних обшеств, упадок древних обшеств. М. 1988
5. Древний Восток “История, философия, религия, искусство” М. 1996
6. Виргенский В.С “История науки и техники” М. 1977
7. Кузнесова Н.И “Наука в истории” М. 1982

Мавзу бўйича саволлар:

1. ИХ-ХВ асрларда Россия ва Кавказ халқлари фани тарихини магбаларда ёритилиши қисқача изоҳланг.
2. Россия ва Кавказ халқларида табиий, диний билимлар туғилиши ва уларнинг ривожини сабаблар нимада деб биласиз?
3. Россия ва Кавказ халқлари маданиятида меъморчилик, тасвирий санъат ва фанларнинг асосчиларига кимларни мисол келтира оласиз?

ЗАМОНАВИЙ ФАННИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.

10-МАВЗУ: Уйғониш даврида фан: Европада фан ривожининг янги босқичи.

РЕЖА:

1. Уйғониш даври ва унинг ўзига хос томонлари.
2. Уйғониш даврида тарих фан, адабиёт, санъат, ҳайкалтарошлик рассомлик ва меъморчилик.
3. Уйғониш даврида тарих ва география фанларидаги кашфиётлар.
4. Буюк географик кашфиётларнинг иқтисодий оқибатлари.

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан Уйғониш даври тарихи фанига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, мавзу юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Таянч иборалар.

Уйғониш даври тушунчаси, гуманизм, антик ўадриятлар, жаҳолат асри, капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши, дастлабки мануфактуралар, буржуа синфнинг туғилиши, фан ва техника ривожи, зиёлилар гуруҳи, адабиёт: Алигйери, Ф.Рабле, У.Шекспир, М. Сервантес, Ж.Бакоччо; хайкалтарошлик ва рассомлик: Леонардо, Микеланжело, Рафаел, геогарфик кашфиётлар: Викинглар,

Б.Диаш, Х.Колумб, А.Веспуччи, В.Гамма, Ф.Магеллан, Ф.Дрейк, кашф етилган мамлакатлар халқлари маданияти, тақдири, фан ютуқлари.

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут

Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради

- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут

- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут

- Янги мавзу баёни – 5 минут

- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут

- Синов саволлар намунаси – 10 минут

- Уйга вазифа бериш – 3 минут

XVI-XVII асрлар фан тарихида муҳим давр бўлиб, бу даврда ҳозирги замон фани вужудга келди. Унинг асосчилари орасида буюк олимлардан Галилео Галилей ва Иссак Нютонлар ҳам турар еди.

Уйғониш даврида, асосан XI-XVI асрларда ески Ғарбий ва Марказий европа маданиятининг ўрта асрлар кўринишининг ўрнига янги ўзига хос шаклларга ега б ўлган маданият, яъни инсонпарварлик (гуманизм), антик қадриятларга қизиқишнинг уйғониши (шу ердан бу даврнинг номланиши келиб чиққан), схоластиканинг инкор қилиниши, одамнинг имкониятларига, ақлига ишониш кабилар вужудга келди.

Уйғониш даври – бу феодал тузум ичида капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши даври бњлиб, бу даврда ҳайкалтарошлик, архитектура, адабиёт, рассомлик ўзига хос тезлик ва юксаклик билан ривожланди.

Уйғониш даври, одамлар онгидаги ўзгаришлар ҳамма мамлакатлардан олдин Италияда бошланди. Италияда маданиятнинг юксалиши янги синфнинг яъни буржуазиянинг вужудга келиши билан боғлиқ еди. Чунки Италиянинг бой шаҳарларида XIV асрларда дастлабки мануфактуралар пайдо бўлди, буржуа синфи туғила бошлади. Буржуазия ўзининг дастлабки ҳукумронлиги давриданољ фан ва техниканинг ривожланишидан манфаатдор еди. Феодаллардан фарљли

ўлароқ буржазия толончилик урушлари ва бошқа ерларни босиб олиш евазига емас, балки савдо-сотиақ ва мануфактуралар орљали бойлик орттиришга интиларди. Мануфактуралар бир-бирлари билан рақобатлашиб, янги механизмлар ва асбобларни ишга солар, аниқ ҳисоблар асосида қисқа муддатда қалъалар, портлар, каналлар қурдилар. Бу еса ўз навбатида ўқимишли кишиларга бњлган талаб ошишига олиб келди. Бухгалтерлар, юристлар, ўқитувчилар, инженерлар ва шифокорлар кўпроқ керак бўла бошлади. Меъморлар данғиллама уйлар қуриб, рассомлар сурат чизиб ва ҳайкалторошлар ҳайкал ясаб, бойларнинг уйларини безар едилар. Шундай қилиб шаҳарларда – ақлий меҳнат билан шуғулланувчи алоҳида кишилар гуруҳи яъни ***зиёлилар*** пайдо бўлди.

Бу даврга келиб олимларни инсон ва унинг кучи, қобилияти, табиат ҳодисалари ва уларнинг сабабларини кузатиш, билиб олиш ва ҳоказолар љизиљтира бошлади. Натижада шу даврларда европада дастлабки музейлар, ботаника ва зоология боғлари ва бошқа бир қатор илмий йўналишлар пайдо бўлди.

Гуманистлар (гуманус-лотинча – инсоний) феодал тартибларни қоралаб, одамларни табақаларга бўлишга қарши чиқсаларда, аммо мавжуд тузумни бутунлай рад қилмайдилар, уни тузатишни хаёл қиладилар.

Кўпгина гуманист ёзувчилар черковга, папаларнинг очкузлигига қарши чиқсаларда, аммо диндан алоњани узмадилар. Уларнинг баъзилари динни «авом» халқни итоатда тутиш воситаси деб ҳисоблардилар. Гуманистларнинг черков қоралаган ва унитилаёзган қадимги Юнонистон ва Рим маданиятига бўлган қизиқишининг уйғониши янги маданий даврнинг «Уйғониш даври» деб аталишига олиб келди. Улар Қадимги давр билан Уйғониш давригача бўлган оралиқни «жаҳолат асри» деб, унга «Ўрта асрлар» деб ном қуйдилар. Ўзлари яшаган замонни еса «Янги замон» деб атадилар.

Шундай љилиб илм-фаннинг монастирлар ва университетлар доирасидан ташљарига, яъни саводли кишилар доирасига кенгрољ ёйилиши «Уйғониш даври» фани ва маданиятида ғоят буюк бурилиш бўлди.

XIII-XIV асрлардаёқ «Уйғониш даври» намоёндаларидан бири машҳур италян шоири, италия адабий тилининг тузилишига катта ҳисса қўшган Данте

Алигери (1265-1321) яшаган ва ижод қилган еди. Унинг машҳур уч қисмдан иборат (Илоҳий комедия) «Божественная комедия» номли поемасида жаннат ва дўзахга саёҳат қилинади. Данте ўрта асрнинг охирги ва янги замоннинг биринчи шоирларидан ҳисобланади, шунингдек, Данте фалсафа ва сиёсат билан ҳам шуғулланган.

Уйғониш даврининг яна бир машҳур сатирик ёзувчиси Франсуа Рабле (1494-1553) ҳисобланади. Унинг беш томли «Гаргантюя ва Пантагрюел» романи уйғониш даври маданиятининг енсиклопедик ёдгорлиги ҳисобланади. Ф.Рабле ўз асарида феодал урушларни, қирол ҳукуматини, дворянларни, суд амалдорларини танқид қилди ва феодал давлат қонунларини фош қилди. Романда Папа ва унинг садоњатли љуллари яшаган «Папемания» ороли тасвирланиб, черков, папа ва католиклар билан протестантлар ўртасига кураш масхара қилинади.

Уилям Шекспир (1564-1616) машҳур инглиз драматурги. Унинг трагедиялар, комедиялар ва драммалардан иборат 37 та машҳур асарлари бутун дунё театрлари саҳналарини забт етди. Шекспир ўзининг «Гамлет», «Отелло», «Қирол Лир», «Ромео ва Жулйетта» ва бошқа трагедияларида инсоннинг улуғлигини, у барча оламнинг кўрки – еканлигини хитоб қилади. Шекспир феодал тузумининг ёвузлигини танқид қилиб, унинг ҳатто инсон ҳис-туйғулари, муҳаббатига ҳам аралашаётганини ўз асарларида ёритиб беради.

Буюк испан гуманист ёзувчиси Мигел де Сервантес Сааведрани(1597-1616) бутун дунёга машҳур қилган унинг «Дон Кихот» романидир. Сервантеснинг бу асарида хўрланганлар ва мазлумларнинг ҳимоя қилиш, ёвузлик ва адолацизликка қарши кураш жараёни тасвирланади.

Шунингдек, Петрарка, Бакоччо, Ариосто, Еразм Роттердамский ва бошқаларнинг асарларида ҳам Уйғониш даврининг ғоялари акс еттирилди.

Уйғониш даврида тасвирий санъат, рассомлик, ҳайкалтарошлик, меъморчилик юксак даражада ривожланиб, ўтган ўрта асрлар санъатидан ўзининг реалийлиги, ҳаётийлиги ва инсонийлиги билан фарқ қиларди. Флоренсия шаҳри – бутун Италиянинг маданий маркази бўлиб, бу йерда Уйғониш даври архитектураси вужудга келган еди ва кейинчалик бу янги тенденсия бутун Италия бўйлаб сўнгра бошқа мамлакатларга ҳам ёйилган еди.

Флоренсиялик Леонарда да Винчи (1452-1519) Италиядаги Уйғониш даврининг енг буюк арбобларидан бири еди. У рассом, ҳайкалторош, меъмор, инженер-ихтирочи, музикачи ва шоир бўлсада, аммо рассомлик унинг асосий санъат тури ҳисобланарди. Бу йерда у айниқса катта ютуқларга еришди. Бунинг исботи бўлган унинг љаламига мансуб 1483-1494 йилларда ишланган «Мадонна в скалах», «Тайная вечеря» (1495-1497), тахминан 1503 йилда ишланган Мона Лиза (ёки Жоконда) каби асарлари бутун дунёга машҳур. Леонарда гениал рассом бўлибгина қолмай, балки санъат назарияси билан ҳам шуғулланган. Унинг ўлимидан сўнг «Трактат о живописи» (рассомлик ҳақида трактат) номли асари чоп етилди. Бу асар Леонардонинг шогирди Мелси томонидан у қолдирган қўлёзмалар ва чизмалар асосида яратилди.

Леонардо да Винчининг илмий ва инженерлик қизиқишлари доираси жуда кенг еди. У математика, механика, физика ва астрономия, исман оптика, гидравлика ва геология, ботаника одам ва ҳайвонлар анатомияси ва физиологияси билан шуғулланган. Леонардо инженерлик соҳасида катта фаолият кўрсатиб, унинг чизма дафтарларида токарлик ва тўљимачилик дастгоҳларининг ҳам, ип йигириш чархи ва (метални ишловчи станок) печат қилувчи машинани ҳам, йер ковлагич машина, юк кўтаркич асбоблар ва дарахтни љайта ишловчи станокларни ҳам чертёж ва расмларини кўриш мумкин. Леонардо учувчи аппаратларни конструксия љилди, геликоптер ва парашют, вертолёт, сув ости кемаси ва аквалангчилар кийимлари лойиҳасини тузган. Леонардо илмий кузатишлар натижасида «Донишмандлик – тажриба маҳсули» - деган фалсафий қарашни илгари суради. Леонардо мустақил фикрли киши бўлгани учун бутун умр сарсонгарчиликда юриб, Франсияда вафот етади.

Уйғониш даври инсониятга яна бир қанча буюк ва ажойиб арбобларни йетказиб берди. Булардан бири италиялик ҳайкалторош, рассом, меъмор, ҳарбий инженер, ва шоир Микеланджело Буонарроти (1475-1564) еди. Унинг машҳур «Довуд» ҳайкали мармартошдан ясалган бўлиб, унинг баландлиги 5,5 метр еди. Микеланджело Римдаги авлиё Пётр соборини қуришда қатнашади. У соборнинг жуда катта гумбази лойиҳасини тузади.

Уйғониш даврининг яна бир арбоби италиялик рассом ва архитектор Рафаел Санти (1483-1520) еди. У дастлаб Флоренсияда яшаб ижод қилди. Сўнгра Римга таклиф қилиниб, авлиё Пётр соборини қуришга раҳбарлик қилди. Рафаелнинг енг машҳур расмларидан бири бу «Сикстин мадоннасидир».

Шунингдек, италиялик рассомлар Тисиан Вечеллио (1477-1576); Веронезе Паоло (1528-1588); Тинторетто Якопо (1518-1594); Голландиялик рассомлар: Ян Ван Ейк (1390-1441); Ван дер Вейден Рогир (1400-1464); Врейгел Питер (1525-1568); Рембранд ван Рейн (1606-1669); Фламандиялик рассом ва ҳайкалторош Пауел Рубенс Петер (1577-1640); немис рассоми Дюрер Албрехт (1471-1528); Франсуз рассомлари: Фуке Жан (тах. 1420-1480); Ҳайкалторош Гужан Жан (тах. 1510-1568); Клуе Франсуа (тах. 1505-1527) ва бошқалар Уйғониш даврининг йетук намояндалари ҳисобланади. Шундай ьилиб, Уйғониш даврининг буюк санъаткорлари ҳозир ҳам кишиларни қойил қолдираётган нодир асарлар яратдилар.

Биз юқорида айтганимиздек, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши ўз навбатида фан тараққиётига ҳам туртки берди. Масалан, тарих ва география фанлари соҳасида ниҳоятда катта ютуқларга еришилди. 982 йилда исландиялик (Викинг) денгизчи Ейрик Рауди Гренландияни кафш етди ва унинг соҳилларида ўз манзилгоҳларини қурди. Унинг ўғли Лейф Ейриксон (Бахтли) 1001 йилда тахминан Шимолий Америка қирғоқларига (40^0 с.ш.) ва ҳозирги Филаделфия раёнларига борди.[1]

XV асрда йевропаликлар олтин қидириб топиш учун узоқ мамлакатларга илмий сафарлар уюштира бошладилар. XV аср охирларига қадар йевропаликлар жаҳоннинг фақат уч қитъасини европа, Осиё ва Африкани билардилар. Аслида скандинавиялик денгизчилар (Ерик Рауди ва Лейф Ериксон) X аср охири ва XИ аср бошларида Гренландияни кашф етиб, у йердан Шимолий Америкагача борган бўлсаларда, европанинг бошқа мамлакатлари бундан бехабар еди. Кейинроқ бу кашфиётни ҳатто Скандинавиялик денгизчиларнинг ўзлари ҳам унитиб юборган едилар.

[1] Kirillin V.A. Stranicы istori nauki texniki». M. 1986. 129 bet.

Дастлаб Ҳиндистон ва Хитой билан бўлган савдони араблар ўз қўлларига киритиб олгандилар. Сўнгра Турклар 1453 йилда Константинополни босиб олгач, европаликларнинг Шарқ билан савдоси янада қийинлашди. Турклар истилоси Йевропадан Осиёга бориладиган янги йўлларни қидириб топишни тезлаштирди.

Португалларнинг Бартоломео Диаш бошчилигидаги експедисияси (1487-1488 й.) Африканинг жанубий чеккаси ёнидан айланиб ўтиб, Ҳинд океанига чиқади. Йўл машаққатидан чарчаган матрослар сафарни давом еттиришдан бош тортадилар. Африканинг жанубидаги бурунни улар «Яхши умид бурни» деб атадилар.

Ҳиндистонга ғарб томондан сузиб боришга уринган биринчи денгиз сайёҳатчиси италиялик Христофор Колумб (1452-1506) еди. У Италиянинг Генуя шаҳрида тўқувчи оиласида туғилади. 1485 йил Колумб Испаниянинг Кастилия шаҳрига кўчиб боради. Йернинг шар шаклида еканлигини билган Колумб европада Ҳиндистонга енг қисқа йўлни очиш учун одатдагидек шарққа емас, балки ғарбга сузилса бас деб ҳисобларди.

Ниҳоят 8 йилдан сўнг Испан қироли бундай денгиз експедисиясига рухсат беради. Колумб Атлантика океани бўйлаб ғарбга 4 маротаба денгиз експедисияси уюштиради.

1. Биринчи експедисия 1482 йил 3 августда Испаниядаги Картахен шаҳри яқинидаги Палос қўлтиғидан сафарга жўнаб кетди. Икки ойдан ортиқроқ (70 кун) давом етган сузишдан сўнг Колумб Марказий Америка соҳилларига йетди. Биринчи експедисия даврида Колумб Америка материгигача боролмади. Унинг експедисияси Сан-Салвадор оролини, сўнгра Багам архипелагидаги Куба ва Гаити ороллари кашф етди. 12 октябр 1492 йил Сан-Салвадор оролининг очилиши куни ва унинг соҳилига експедисия аъзоларининг тушиши – ***Америка кашф қилинишининг расмий санаси ҳисобланади.***
2. Иккинчи експедисия 1493-1496 йилларда амалга оширилиб, унинг таркибида 17 та кема ва 1,5 минг киши бор еди. Бу експедисия ҳам Америка материкига қадам қўя олмади. Бу сафар Доминик ва Гваделупа ороллари,

Кичик Антил архипелагининг бир қатор ороллари, Харденес-де-ла архипелаги Пуерто Рико, Ямайка, Пинос каби ороллар кашф етилди. Колумб Гаити оролининг ички қисмига босқинчилик юришлари қилди ва 11 июн 1496 йил Испанияга қайтди.

3. Учинчи експедисия (1498-1500) 6 кемадан иборат бўлиб, бу сафар Жанубий Америка соҳилларигача яъни Ориноко дарёси делтаси раёнига (ҳозирги Венесуела) қадам қўйилди. Шунингдек, Тринидад ва Маргарита ороллари кашф қилинди.
4. Колумбнинг 4-чи ва охирги експедисияси 1502-1504 йилларда бўлиб, унда 4та кема қатнашди. Колумб ҳали ҳам Ҳиндистонга бўлган ғарбий йўлни изларди. Бу сафар Марказий Америка қирғоқларигача ҳозирги Гандурас, Никарауга, Коста-Рика ва Панама территорияларига борилди. Мартиника ороли кашф қилинди.

Колумб янги қитъа кашф етганлигини умрининг охиригача ҳам билмаган еди. У бу йерларни Ҳиндистон, аҳолисини еса ҳиндулар деб атади. Шу сабаб Америка туб аҳолисини «индейес»лар деб аташ расм бўлиб қолган.

Колумб кашфиётлари бу янги ерларда испан колонияларининг вужудга келишига олиб келди. Маҳаллий туб аҳоли даҳшатли равишда қирила бошланди.

Колумб кашф қилган ерларнинг янги қитъа еканлигини Флоренсиялик денгизчи Америго Веспуччи (тах. 1451-1512) исбот қилди. Америго биринчи бўлиб бу йерларни янги континент еканлиги ҳақидаги фикрларни айтди ва уни «Янги Дунё» деб атади. 1507 йил Лоторингиялик картограф Валдземюллер бу янги континентни Америго Веспуччи номи билан «Америка» деб атади. Бу ном тан олиниб, кейинчалик Шимолий Америкага ҳам тарқалди.

Португалиялик денгизчи Васко да Гама (1469-1524) биринчи бўлиб Йевропадан Жанубий Осиё мамлакатларига денгиз йўлини очди. 1497 йилда Васко да Гама бошлиқ 4 та кемадан иборат експедисия Лиссабондан Ҳиндистон томонга йўлга отланади. Яхши умид бурунидан ўтиб, експедесия кемалари Сомалининг Молинди портида тўхташади. Бу йерда Васко да Гама Ҳинд океанини яхши биладиган араб денгизчиси Аҳмад ибн Мажидни бортга олади ва у денгизчиларни Жанубий Ҳиндистон қирғоқларида жойлашган Каликутта

шаҳрига олиб боради. Шундай қилиб, 1498 йил май ойида Васко да Гама ҳинд рожаси ҳабулида бўлади ва матросларга соҳилдан мурч, долчин ва бошқа зираворлар сотиб олишни буюради. Икки йиллик сафардан сўнг 1439 йилда Лиссабонга қайтган експедисия матросларининг ярмидан кўпи ҳалок бўлади. Шунга қарамай сафарга сарф қилинган маблағга қараганда 60 марта ортиқ фойда олинади.

Васкода Гаманинг Ҳиндистонга қилган иккинчи експедисиясида 20 та кема сафарга отланди. Каликут шаҳридан шимолроқда ҳинд қирғоқларида португалларнинг таянч базалари ташкил етилади. Каликут шаҳри босиб олиниб, талон-тарож қилинади. Бу хизматлари учун Васко да Гама 1524 йилда Ҳиндистоннинг висе-қироли қилиб тайинланади.

ернинг шар шаклида еканлигини узил-кесил исботлаб берган дунё айлана биринчи илмий саёҳатни португалиялик ва испаниялик денгизчи Фернандо Магеллан (тахминан 1480-1521 йиллар) амага оширди.

Бешта кемадан иборат Магеллан експедисияси 1519 йилда Испания жанубидаги Санлукар-де-Баррамеда портидан сафарга отланди ва ғарб томонда Жанубий Америка қирғоқлари бўйлаб сузиб 1520 йилда Ла-Плата қўлтиғига йетиб борди (бу қўлтиқда Буенос-Айрес жойлашган). У йердан кемалар Жанубий Американинг шарқий соҳиллари бўйлаб жанубга тамон сузишди ва саёҳатчилар соҳил бўйлаб узоқ вақт сузиш давомида ўзларига нотаниш улкан кенгликни (обширнойе плато) кўришди ва уни Патагония деб аташди.

Саёҳатчилар Атлантика океанининг жанубий қисмида Жанубий Америка қирғоғидаги Сан-Хулиан бухтасида қишлаб сўнгра яна жанубга енди 4 та кемада отланишди. Експедисия муҳим географик кашфиётни амалга оширди, яъни Жанубий Америка материгининг жанубий учи ва Оловли Йер архипелагининг ўртасидан ўтувчи ҳамда икки океанни (Анлантика ва Буюк ёки Тинч) туташтирувчи канални топишди. Кейинчалик бу бўғоз Магеллан бўғози деб аталди.

Експедисия кемалари шу канал орқали енди учта кемада янги океанга чиқишди. Магеллан експедисияси яна бир муҳим географик кашфиётни амалга оширди, яъни Осиё ва Америка қитъаси ўртасида ер юзидаги енг катта океан

мавжудлигини кўрсатди. Тўрт ойлик денгиз сафари вальтида об-ҳаво яхши еди, шунинг учун денгизчилар бу океанни Тинч океани деб атадилар. Аммо озиқ-овқат ва чучук сув деярли тугаганлиги денгизчиларни жуда қийин аҳволга солиб қўяди. Кўпгина матрослар синга касаллиги билан билан касалланиб ўладилар. Ниҳоят експедисия Филиппин ороллариga бориб йетди. Бу ерда Магеллан маҳаллий аҳоли билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Дунё айлана сайёҳатда 5 кемадан фақат 1 тагина кеманинг Ватанга қайтиши билан якунланди. «Виктория» номли бу кеманинг капитани Елкано еди. У Магелан вафотидан кейин експедисиянинг бошқарди. «Виктория» Ҳинд океанидан ўтиб, Яхши умид бурнини айланиб ўтади ва шундай қилиб Санлукар-де Баррамеда портига қайтиб келади. Шундай қилиб Магеллан экспедисиясининг 965 кишилик командаси бўлган бешта кемасида фақат биттасигина 18 та касал денгизчи билан ўз ватанига қайтиб келади.

Магеллан експедисияси муҳим географик кашфиётлардан ташқари ернинг шар шаклида еканлигини исботлайди, шу билан бирга Йер юзасининг катта қисми океан ва денгиз сувлари билан қопланганлигини ва у ягона дунё океанини ташкил етишини ҳам исботлади

Бироқ фан юзасидан ижобий ҳисобланган бундай географик кашфиётларнинг португаллар ва испанлар кашф қилган мамлакатлар халқлари тақдиридаги салбий томонларини ҳам биз билиб қўйишимиз зарур. Чунки кашфиётчилар ортидан бу мамлкатларга осонгина бойлик ортириш мақсадида минг – минглаб истелочилар бора бошлади. Улар бўйсундирилган мамлакатларни талаб бойлик ортиришарди. Янги кашф етилган мамлкатлар соҳилига биринчи бўлиб солдат, савдогар ва поп қадам қўярди. Истелочилар ҳақида «улар қўлларида бут ва дилларида олтинга ҳирс билан борарди» деб гапиришар еди.

Португалия қироли томонидан Ҳинд океанига кетма – кет юборилган ҳарбий кемалар ёрдамида арабларнинг Ҳинд океанидаги устунлигига барҳам берилди ва енди португаллар Ҳиндистонга бориладиган денгиз савдо йўлини ўз назорати остига олдилар. Улар араб ва ҳинд кемаларини талар ва денгизга чўктириб юборар, асирларни қул қилиб сотар еди. Уларнинг рухсатисиз бирорта

кема Ҳинд океанида сузолмас еди. Португаллар зираворга бой ўлкаларни излаб Зонд ва Молукка ороллариг бордилар, сўнгра янада шарқроққа сузиб Хитой ва Япония соҳилларигача йетдилар.

Шарқ зироворларини европа бозорларига олиб келиб сотишдан жуда кўп фойда олаётган португаллар зировор нархи унинг кўплигидан бозорда тушиб кетмаслиги учун бир йилда беш-олти кема юк олиб келишарди, холос. Агар ҳосил далада м ўл бўлса, ортиқчасини ёқиб ташлашарди.

Испания ҳукумати ҳам Америкадан олтин топиш учун у ерга илмий експедисияларини юбораверди. Масалан, 1519 йилда Кортес бошлиқ 400 кишилик ҳарбий отряд астеклар юрти Мексикани, Писарро бошлиқ 200 кишилик яна бир қуролланган отряд инклар мамлакати Перуни ваҳшийларча босиб олдилар ва маҳаллий ахолини аёвсиз равишда ўлдирдилар.

Теночтитлан ва Куско подшоликларининг олтин хазиналарини қўлга киритган истилочилар ўлжани тақсимлашда олтин ва кумушдан ясалган юксак санъат асарларини еритиб ёмби қилдилар ва ўз юртларига ташиб кетдилар. Шу тариқа фан учун ўта муҳим бўлган Америка ҳалқларининг қадимги маданияти ваҳшиёна суратда ёқъ қилинди. Ҳатто, XVI аср ўрталарида Куба ва Кариб денгизидаги айрим ороллариниг туб аҳолиси битта қўймай қириб ташланган.

Шундай қилиб, буюк географик кашфиётлар натижасида савдо йўллари Ўрта йер денгизи орқали ўтадиган қитъалараро савдо йўллари яъни жаҳон савдоси вужудга келди. Бу жараён Йевропа давлатларида савдо-сотиқ ва товар ишлаб чиқаришнинг ўсишига ёрдам берсада, бироқ Америка, Осиё ва Африка ҳалқлари учун кулфатлар олиб келди.

Енди яна XV-XVI асрдаги муҳим географик кашфиётларнинг ва тадқиқотларнинг фан тараљљиётидаги ютуқларига қайтамиз. Христофор Колумб, Васко да Гама ва Фернандо Магеллан саёҳатларидан кейин ҳам денгизчилар океан узра ҳар томонга сузиб юришни давом еттирдилар. Шу тариқа XVII аср бошларида яна бир янги қитъа – Австралия кашф қилинди. Инглиз қароқчиси Френсис Дрейк Магелландан кейин иккинчи бўлиб дунё айлана саёҳатни амалга оширди. Рус овчилари Шимолий Осиёнинг инсон оёғи йетмаган

жойларини кашф етдилар ва Тинч океани соҳилларига чиқдилар. Натижада география фани соҳасида ниҳоятда катта ютуқларга еришдилар.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Уйғониш даври ва унинг ўзига хос томонларини гапириб беринг.
2. Уйғониш даврида тарих фан, адабиёт, санъат, ҳайкалтарошлик рассомлик ва меъморчиликнинг ривожланиши сабаблари нимада?
3. Уйғониш даврида тарих ва география фанларидаги кашфиётлар ривожланишини таҳлил қилиб беринг.
4. Буюк географик кашфиётларнинг иқтисодий оқибатлари нимада?

11-МАВЗУ: АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЙОДА ФАН ВА УНИНГ РАВНАҚИ.

Режа:

4) Амир Темур ҳомийлигида Марказий Осиёда фан ва маданиятининг юксалиши
5) Темурийлар даврида тарих, математика, география ва тиббиёт тараққиёти
6) Мирзо Улуғбек Академиясининг илмий фаолияти

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан Амир Темур ва темурийлар даври тарихи фанига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, мавзу юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Таянч иборалари:

Амир Темур, Шаҳрисабз, Хўжаилғор, 1336 йил 9 –апрел, Тарағай Баҳодир, Такина бегим, Сулук ул-мулк»(«Подшоларга қўлланма»), «Тузуклар», Темур фан ва маданиятнинг ҳам жонкуяр ҳомийси, Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») номли асари, Журжоний, Мухаммад Порсо, Ибн Халдуннинг «Китоб ул-ибор» (Ибратли мисоллар китоби) ва «Девон ул-мубтадо ва-л-хабар фи айёми-л-араб ва ва-л-ажам ва-л-бербер ва ман ўсараҳум мин завий султон ул-акбар» (Муқаддима).

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут

Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради

- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут

- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут

- Янги мавзу баёни – 5 минут

- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут

- Синов саволлар намунаси – 10 минут

- Уйга вазифа бериш – 3 минут

Ўзлигини англашга бел боғлаган ҳар бир халқ ва миллат аввало буюк аждодлари, сиёсий, ҳарбий арбоблари, ва улуғ алломаларининг мамлакат, қолаверса жаҳон тарихида тутган ўрни, хизматларини еъзозлашни ўрнига қўяди. Ана шундай кишилардан бири бу буюк соҳибқирон Амир Темур бўлиб, унинг заковати, мардлиги, жасорати, ватанпарварлиги, топқирлиги, илм-фан ҳомийси еканлиги, темир иродавий хусусиятлари биз ёш авлодлар учун ибрат, ҳаёт мактаби, Ватанга хизмат қилиш намунаси бўлиб қолиши лозим.

Улуғ бобомиз Амир Темур кўҳна Шаҳрисабзга қарашли Хўжаилғор қишлоғида 1336 йил 9-апрел куни туғилган. Отаси Тарағай Баҳодир Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга ега бўлган барлос қавмидан чиққан ўртаҳол беклардан бўлиб, Чиғатой хонларидан бўлган Қозонхон (1338-

1346) лашкарида хизмат қиларди. Онаси Такина бегим еса Бухоролик машҳур фақиҳ Тож аш-шариа (шариат тожи) тахаллуси билан машҳур бўлган Убайдулла ибн Маъсуднинг қизи еди.

Тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг таъкидлашича ўша замонларда хонзода, шаҳзода ва бекзодалар ёшлигидан махсус устозлар томонидан от чопиш, ҳарбий илмларни ўрганиш, ов, салтанат тебратиш, яъни амалдорларни танлаш ва ўз ўрнига қўйиш, ҳукумат ишларини юритиш, фуқороларнинг арз-шикоятларини ешитиш ва ҳукм чиқариш каби билимларни ўрганганлар. Бунга «Сулук ул-мулк»(«Подшоларга қўлланма»), «Тузуклар» ва бошқа бизгача йетиб келган асарлар гувоҳлик беради.

Демак, албатта, Темур ҳам ёшлигидан шу илмларни касб етган. Тарихий китобларда Темур 7 ёшидан Қуръонни ёд билган, 12 ёшида болаларча ўйинлардан орланадиган, 16-18 ёшида қиличбозлик, найзабозлик ва ов қилиш санъатини моҳир егаллаганлиги ва 20 ёшида абжир чавондоз бўлиб йетишганлиги таъкидланади.* Амир Темур ўзининг кейинчалик қўлга киритган барча зафарларини пиру устозлари Мулла Алибек, Шайх Шамсуддин Кулол, Шайх Зайниддин Абу Бакр Таёбодий ва Мир Саййид Барака номлари билан боғлаган еди.

1. Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари., Т., 2000. 6-бет.

2. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. Т., 1997. 354- бет.

Соҳибқирон Амир Темур тарихан ўша мураккаб вазиятда ХИВ асрнинг 60-йилларида сиёсат майдонига чиқади, яъни ўзаро феодал тарқоқлиқ урушларига барҳам бериш, мамлакатни муғул истибдодидан озод етиш учун марказлашган кучли давлат тузиш заруратини биринчилардан бўлиб англаб йетади. Темурнинг ҳақ ва адолат йўлида бошлаган бундай қутлуғ ишининг шиори «Рости-русти» бўлиб, унинг маъноси «Ҳақгуй бўлсанг нажот топасан» демакдир. Шу тариқа Мовароуннаҳрни муғул зулмидан озод қилишни ва марказлашган кучли давлат тузишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган Темур ўзининг барча фаолиятида шунга амал қилиб яшади.

Илм-фан ва маданият салтанат учун қанчалик зарурлиги ҳис қилган Амир Темур олим ва фозил кишиларни ўзига дўст тутган, уларнинг иззат-ҳурматини

ўрнига қўйган, давлатни идора қилишда уларнинг кенгаш ва маслаҳатларидан фойдаланган. Қарийб 150 йиллик мўғул истибдоди даврида илм-фан тушкунликка учраб, фақат Амир Темур даврига келиб мамлакатда осойишталик ўрнатилди, тарихий-маърифий урф-одатлар қайта тикланиб, Темур фан ва маданиятнинг ҳам жонкуяр ҳомийси бўлиб майдонга чиқди. Темур ўз саройига илму-фаннинг турли соҳалари бўйича иқтидорли олимларни жалб етади. Темурнинг ўзида ҳам илмга зўр иштиёқ бўлганлиги ҳақида ҳатто франсуз муаррихи Алфонс де Ламарти шундай деб ёзган: «Амир Темур дин, тиббиёт, тарих, ҳуқуқ ва астрономия илмининг билимдони, кўп қўлланувчи уч тил – туркча, форсча ва арабчани ғоят мукаммал билган, зарофат ва қудрат ила ёзиш маҳоратини пухта егаллаган бир ҳукмдор еди.»* Шунингдек Темурнинг илмга қизиқиши ҳақида Султония йепископининг хотираларида шундай дейилади: «Темур, айниқса, тарихни, фиқҳ ва ҳарбий илмни яхши билар, меъморчилик, фалсафа, табобат ва юлдузшуносликка қизиқар, шеърият ва мусиқани ёқтирар, ўзи ҳам шеърлар ўқир еди. Темур ўз она тили- турк-ўзбек тилидан ташқари форс ва араб тилларида бемалол сўзлашган.»* Амир Темурнинг илм-фан ва олимларга қай даражада муносабатда бўлганлигини унинг «Тузуклари»да келтирилган маълумотлардан ҳам билса

1. *Яхшиликов Ж., Аҳадов Ш., «Темурийлар маънавияти» Т., 1999. 74 бет.*
2. *Султония йепископининг Амир Темур ҳақида хотиралари. Форс тилидан Ҳазратқулов Ж. таржимаси. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1995, 23 июн, 2 бет.*

бўлади. Масалан: «Сарой кенгашларида тахтнинг ўнг томонида илм аҳли ҳам саййидлар, қозилар, улуғлар ва ашрофлар қаторида жой олганлар».

Амир Темур олим ва фозил кишиларни ўзига дўст тутган ва буни ўз авлодига ҳам васият қилиб кетган. Масалан: «Тузукларда» шундай деб ёзилган: «бахтли фарзандларим ва қудратли набираларимга маълум бўлсинким, мен саййидлар, уламо, машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, тарихшуносларни сара ва еътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату-ҳурматларини ўрнига қўйдим».

Тарихдан маълумки Шарқ мамлакатларида давлат бошлиқлари ўз саройларида иқтидорли олиму шоирларни тўплаганлар, давлат аҳамиятига молик

масалалар хусусида улар билан кенгашиб турганлар. Соҳибқирон Темурнинг ҳам мазкур анъанага риоя қилганлигини фаранг муаррихи Л. Лянгле ҳам таъкидлаб шундай ёзади: «Темур олимларга серилтифотли еди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий еътиборни берар еди.»* Шу билан бирга Амир Темурнинг қайси мамлакатни забт етмасин, у йердан олиму фозиллар, елга танилган санъат аҳлини ва турли туман касб-ҳунар егаларини Самарқандга олиб келганлиги тарихдан маълум. Масалан, Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») номли асарида ана шундай олимлардан баъзилари ҳақида қисқа, лекин ўта қимматли маълумотлар келтирилган. Масалан, «Ўз салтанати кунларида Темур Самарқандга фақиҳ олимлардан мавлоно Абдулмаликни ҳосил етган еди – у «Ҳидоя» соҳиби (Бурҳониддин ал-Марғиноний)нинг авлодидан бўлиб, мударрислик қилар, шатранж ва нарддан таълим берар ҳамда ягона бир ҳолатда шеър ва назм етарди.» Шунингдек «Темурнинг муҳаққиқ (олим)лардан мавлоно Саъуддин ат-Тафтазонийни—у 791 йилнинг муҳаррам (1389 йил январ) ойида Самарқандда вафот етди ва Саййид Шариф Муҳаммад Журжонийни—у Шерозда вафот етди , ҳамда му-

1. *Темур тузуклари. Т., 1991. 90 бет.*
2. *Ўша асар. 53-55 бетлар.*
3. *«Жизн Темура», Сочененийе Лянгле. Перевод Н. Суворова.- Т., 1980. стр.41*

ҳаддис олимлардан Шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Жазорий (Темур уни Румдан олиб келган) ва бошқаларни Самарқандга олиб келди.» «Мана шулар – деб ёзади Ибн Арабшоҳ – мен таниб, зикрию исми хотиримга келган кишилардурлар. Аммо мен билмаган ёинки билгану бироқ зикрию исми хотиримга қолмаган кишилар сон – саноқсиз бўлиб, ҳисоб-китобдан хориждур. Хулласи калом, Темур ҳар бир фойдали жонни йиғиб, нимаики бўлса сарасини Самарқандга келтирди. Натижада, Самарқандда ҳар бир ажойиб фан аҳли намояндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан, фазилати пешонасида нишона

бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган еди».

Шундай қилиб Амир Темур даврида Самарқандда илм-фаннинг ривожланишига, айниқса, машҳур файласуфлардан Саъдуддин бин Умар ат-Тафтазоний ва Мир Саййид Шариф ал-Журжоний катта ҳисса қўшдилар. Ўз даврининг кўзга кўринган файласуфи, фиқҳшуноси ва қомусий олими бу -- Саъдуддин бин Умар ат-Тафтазоний (вафотини Фасихий (Мужмал, 174 бет) 787 (1386) йил, Хондамир (Ҳабиб ус-сияр, 88 бет) 797 (1394-1395) йил деб кўрсацаларда, ҳозирги адабиётларда Ибн Арабшоҳ ёзганидек 1389 йил деб келтирилади. Мас: А.Ўролов, М.Ҳожихонов. «Темурийлар маънавияти ва маданият». 54 бет.) бўлиб, у асли Хуросоннинг Нисо шаҳри яқинидаги Тафтазон деган жойда таваллуд топади. Тафтазоний 16 ёшидан араб тилини, тафсир, фиқҳ, мантиқ, ислом ақидаларини мукаммал ўрганади. Шунингдек бошқа илмларда ҳам замонасининг ягона кишиси бўлган Тафтазоний Темур саройида ўтказилиб туриладиган илмий дискуссияларнинг фаол иштирокчиси бўлган қомусий олим еди.* У Ғиждувон, Туркистон, Серахс, Ҳирот ва бошқа шаҳарлардаги мадрасаларда мударрислик қилади. Умрининг охирги йилларини Самарқандда Темур саройида ўтказади. Тафтазоний илмнинг кўп соҳаларида, мантиқ, сарфу наҳв, фиқҳ, калом, иншо, геометрия ва бошқа илмларда ижод етганлигини Ж.Яхшиликов ва Ш.Аҳадовлар ҳам ўзларининг «Темурийлар маънавияти» номли асарида қайд етадилар. Мас: унинг «Ас-саъдия», «Таҳзиб ул-мантиқ ва ал-калом», «Ал-иршод ал-ходи» каби асарларидан бири (авторлар бу йерда айнан қайси асар еканлигига аниқлик киритмаганлар) чизиқларнинг

1. *Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т., 1992., 85-87 бетлар.*
2. *Катюкова. Т.В. История науки. Т., 2002., стр. 47.*

параллелига бағишланган бўлиб, Тафтазоний унда Йевклиднинг машҳур бешинчи аксиомасини шарҳлашга ҳаракат қилади ва икки тўғри чизиқни учинчи тўғри чизиқ кесганда ҳосил бўладиган бурчаги унга қўшни бўлмаган икки бурчагининг йиғиндисига тенг келиши зарурлигини исботлаб кўрсатади. Шу жараёнда у ўткир ва ўтмас, қўшни ва ёйиқ бурчакларнинг бошқа бир қатор хоссаларини ҳам таърифлайди ҳамда далиллайди.

Саъдуддин Тафтазоний ҳақида академик Ботирхон Валихўжайев ҳам ўз илмий тадқиқотларида қўйидагиларни ёзиб қолдирган. Мас: «Саъдиддин Маъсуд ибн Умар ал-Тафтазоний (1322-1390) ўз даврининг қомусий билимли аллома мударрисларидан бўлиб, у соҳибқирон Амир Темур таклифлари билан 1374-1375 мелодий йилда Самарқандга келиб, Идигу Темур мадрасасининг мударриси сифатида фаолият кўрсатди. Бу давр орасида кўпгина иқтидорли шогирдлари жумладан Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ҳизрий, Шоҳ Фатҳуллоҳ Шервонийларни йетиштирди. Саъдуддин Тафтазоний мударрислик фаолияти билан бир қаторда илмий тадқиқотларни ҳам самарали тарзда давом еттириб кўпгина машҳур асарларни ҳам ёздики, улар мадрасаларда ўқитилиш билан бирга қатор шарҳларнинг ёзилишига ҳам асос бўлганлар. Ана шундай машҳур асарларидан «Мифтоҳ ул-улум» (Илмлар калити), «Ал—мухтасар ал-маоний» (Маоний илмининг мухтасар баёни), «Ал-мутаввал», «Шарҳ рисола ал- шамсия», «Шарҳ ақоид ал-Насафия» еслатиш мумкин»* Олимнинг таъкидлашича Саъдиддин Тафтазонийнинг асарлари фақат Самарқанд мадрасаларида ўқитилибгина қолмай, узоқ йиллар давомида асосий ўқув қўлланма сифатида Ўрта Осиёнинг ва бошқа давлатларнинг мадрасаларида ҳам фойдаланилган.

Али ибн Муҳаммад Саййид Шариф Журжоний (1339-1413) машҳур файласуф, мантиқшунос, астроном, шеършунослик ва тилшунос олим бўлиб, унинг туғилган жойини Ж.Яхшиликов ва Ш.Аҳадовлар келтирган маълумотга кўра Журжон вилоятининг Тоғу қишлоғи кўрсатилса, Ибн Арабшоҳ асарига ёзилган изоҳда еса унинг Шерозда туғилганлиги ва 1388 йилда Темур Шерозни забт етганида Журжонийни Самарқандга олиб келганлиги келтирилади.

1. *Яхшиликов Ж., Ахадов Ш., «Темурийлар маънавияти» Т., 1999.76-77 бет.*
2. *Валихўжайев Б. Самарқандда Олий таълим- мадрасайи Олия-Университет тарихидан лавҳалар. Самарқанд., 2001., 50-51 бетлар.*
3. *Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т., 1992., 163 бет, 1276-изоҳ.*

Ёшлигидан илм-фан сирларини ўрганишга қизиққан Журжоний дастлаб Ҳиротга, сўнгра бу йерда бироз билим олгач Туркияга боради ва таниқли файласуф Муҳаммад Фанорийдан мантиқ илмидан сабоқ олади. Сўнгра у Мисрга сафар қилади. У йерда фалсафа ва мантиқ соҳасидаги билимини

ривожлантиради. Кейинчалик Журжоний Шерозга келиб, «Дорушшифо» мадрасасида дарс беради. 1387 йилда юқорида айтганимиздек Темур Шерозни забт етгач, Журжонийни бошқа олиму ҳунармандлар қатори Самарқандга олиб келади. Самарқандга келгач, олим илм-фан билан шуғулланиш билан бирга, Идигу Темур мадрасасида мударрислик қилади. Унинг «Шарҳ ул-мулаххас», «Усул ул-мантиқия», «Таржимон ал-Қуръон», «Фан ул-муаммо», «Одоб ул-мунозара», «Рисолаи вужудия», «Ойнаи гитинома» ва бошқа асарлари ўша даврда ва кейинроқ яшаган бошқа тарихчиларнинг хабар беришича мусулмон мамлакатларидаги барча мадрасаларда талабалар томонидан мутолаа қилиб келинган ва улар учун дастур вазифасини ўтаган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, у Мовараннаҳр ва Хуросонда яшаган олимлар, хусусан Арасту, Ибн Сино, Асириддин Абхарий, Насриддин Тусий ва бошқаларнинг мантиққа бағишланган рисолаларига шарҳлар ёзган, уларнинг ғояларини ривожлантирган. У ўзининг фалсафий қарашларида борлиқ, осмон сайёралари, тўрт унсур ҳақида сўз юритиб, барча нарса ва ҳодисалар сабабий боғланганлиги, уларни ақл ёрдамида билиш мумкинлигига ишонади.* Унинг «Астраномияга оид шарҳ» номли асарида юлдузлар ҳақида қисқача маълумот берилиб, унда осмон жисмларининг бўлиниши ҳақида, ҳаракатланувчи ва ҳаракациз юлдузлар ҳақида, мураккаб ва содда юлдузлар ҳақидаги ўз ғояларини ёзиб қолдирган.

Журжоний инсонни тирик мавжудодлар орасида енг аълоси ҳисоблаб, унинг фикрлаш қобилиятига катта баҳо беради. Хондамир маълумотига (Ҳабиб ус-сияр) кўра илмнинг турли соҳалари бўйича илмий мунозараларда фаол қатнашган Журжоний ўзининг ўта қизиққонлиги ва ўткир ақл-заковати билан кўпинча йенгиб чиққан. Бир неча йиллар Улуғбекка устозлик қилган Журжоний, ҳатто унинг Академиясининг тузилишига ҳам катта ҳисса қўшган.

1. *Яхшиликов Ж., Аҳадов Ш., «Темурийлар маънавияти» Т., 1999. 79 бет.*
2. *Катюкова Т.В. История науки. Т., 2002. стр. 47.*

Шундай қилиб, Идигу Темур мадрасасида 18 йил самарали фаолият кўрсатган Саййид Шариф Журжоний Темур вафотидан кейин Шерозга бориб, у йерда Темурийзода Искандар мирзо (1409-1415) ҳузурида мавлоно Натанзий, мавлоно

Ҳайдар Хоразмий каби олимлар билан бирга илм-фан билан машғул бўлди. 1413 йилда Шерозда вафот етди.

Темур саройида ҳадисчи олимлардан шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Жазоирий ҳам бўлиб, у 1350 йилда Дамашқда туғилган. Кейин Румга келган. Темур Боязидни йенггач уни Румдан Самарқандга олиб келади. Ибн Арабшоҳ берган маълумотга кўра у Шерозда вафот етган. Икки таълимот билимдони Шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Жазарий (1350-1449) Самарқандда самарали ижод қилиб, Мовараннаҳрда илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

Улуғ тафсирчи, ҳадисчи ва ҳофиз Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид Бухорий (1419 йилда Маккада вафот етган) бўлиб, у Қуръоннинг юз жилдлик тафсири (шарҳ) ни тузган.

Амир Темур даврида ўтган йирик олимлардан яна бири хожа Муҳаммад Порсо еди. У Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намоёндаларининг ҳаёт ва кароматлари ҳақида, умуман тасаввуфнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб асарлар муаллифидир. Унинг «Рисолайи қудсия», «Мақомати хожа Алоуддин Аттор», «Фасл ул-хитоб», «Маҳақ ал-орифин», «Таҳқиқот» ва бошқа асарларида тасаввуфнинг қатъият, маърифат, ҳақиқат ва соҳалари кенг ва батафсил изоҳланади.

Амир Темурда катта таассурот қолдирган олимлардан бири араб тарихчиси ва мутаффаккири Валиуддин Абдураҳмон Ибн Халдундир (1332-1406). Ибн Халдун Тунисда туғилади. Шимолий Африкада бир қанча давлатларда юқори лавозимларда хизмат қилган Ибн Халдун 1382 йилда Қоҳирага келиб мударрислик қилади, қозилик лавозимида ишлайди.

1. *Валихўжайев Б. Самарқандда Олий таълим- мадрасайи Олия-Университет тарихидан лавҳалар. Самарқанд., 2001., 53 бет.*
2. *Ибн Арашоҳ. Амир Темур тарихи. Т., 1992., 85 ва 163 бетлар.*
3. *Яхшиликов Ж., Ахадов Ш., «Темурийлар маънавияти» Т., 1999. 77 бет.*
4. *Ибн Арашоҳ. Амир Темур тарихи. Т., 1992., 85 бет.*
5. *Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари., Т., 2000., 70 бет.*

Кейинчалик Шомда (Сурия) яшайди. Амир Темур Дамашқни забт етганида олим яширинча қочиб кетмасдан Темур ҳузурига боради ва у билан учрашади. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича – Амир Темур Ибн Халдундан Мағриб подшолари тарихи, шаҳарлари ва йерлари васфини баёнлаб беришни сўрайди. Шунда Ибн Холдун – қалбларни титратувчи фасоҳатли, чиройли, балоғатли, кишини мафтун етиб, ақлини олувчи ажойиб баёни билан Темурни мафтун қилиб, лол қолдиради. Ибн Халдуннинг асосий асарлари «Китоб ул-ибор» (Ибратли мисоллар китоби) ва «Девон ул-мубтадо ва-л-хабар фи айёми-л-араб ва ва-л-ажам ва-л-бербер ва ман ўсараҳум мин завий султон ул-акбар» (Муқаддима) номли рисолалари ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ва тарихий масалаларига бағишланган бўлиб, уларда кишилар турмишида ахлоқ, меҳнат ва жуғрофий муҳитнинг роли ҳақида сўз юритилади. Шунингдек Амир Темур саройида ўз даврининг туркча, форсча, арабчада «малик ул-каломи» бўлган машҳур котиб Аҳмад ибн Шамс ул-Аимма яъни мавлоно Шамсуддин Мунший, моҳир ҳаттот Хожи Бандгир Табризий, машҳур табиблардан Ҳусомиддин Иброҳимшоҳ Кирмоний ва мавлоно Жамолуддин, мусиқа илмида устоз бўлган Абдулқодир ал-Мароғий ва унинг ўғли Сафиуддин, куёви Насрийн, Қутб ал-Моусулий, Ардашер ал-Чанги ва бошқалар (бу йерда Ибн Арабшоҳ кўплаб шатранжчилар, сангтарошлар, мисгарлар, наққошлар ва боғбонларни мисол келтиради) фаолият юритиб улар ўз соҳасининг моҳир кишилари еди.

Шундай қилиб, Темур даврида Самарқандда, наинки Самарқандда балким бутун Туронзамин ўлкасида фаннинг барча соҳалари гуркираб ўсади, табиий ва гуманитар фанлар соҳасида бир қатор буюк олимлар йетишиб чиқади, улар жаҳон фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшадилар. Айниқса, бу даврда атоқли тарихшунос ва манбашунос Бўрибой Аҳмедов таъкидлаганидек тарих фани тараққий етиб, тарих илми бобида соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий зафарли юришларини ўзининг «Зафарнома» асарида ёритган Шарафиддин Али Яздий, Темур хизматида муншийлик қилиб, кейинчалик жуғрофий ва

1. *Яхшиликов Ж., Ахадов Ш., «Темурийлар маънавияти» Т., 1999. 80 бет.*
2. *Ибн Арашоҳ. Амир Темур тарихи. Т., 1992., 66-68, 162 бетлар.*
3. *Ўша аср. 86-87 бетлар.*

тарихнавис олим сифатида танилган «Зубдат ут-таворих» (Тарихлар қаймоғи) асарининг муаллифи Ҳофизу Абрў, Темур девонининг арбобларидан бири, «Тарихнома» асарининг муаллифи Тожиддин ас-Салмоний, Темур ҳаёт пайтида (1405 йилгача) унга бағишлаб «Зафарнома» асарини ёзиб тугатган Низомиддин Шомий, Темурнинг таржимони, Шом (Сурия) олимлари билан суҳбатда таржимонлик қилган мавлоно Абдужаббор, Темурнинг Ҳиндистон юришида қатнашган, 1399-1403 йиллар орасида Темур бўйруғига биноан ушбу юриш ҳақида «Кундалик» ёзган Ғиёсиддин Али Яздий ва бошқалар тарихнавислик соҳасида баракали ижод қиладилар.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Амир Темур ҳомийлигида Марказий Осиёда фан ва маданиятининг юксалиши сабаблари нимада?
2. Темурийлар даврида тарих, математика, география ва тиббиёт тараққиётини изоҳлаб беринг
3. Мирзо Улуғбек Академиясининг илмий фаолияти нималардан иборат?

Адабиётлар рўйҳати

1. Аҳмедов Б. Улуғбек. Т. 1994
2. Аҳмедов Б, Мукминова Р. Пугаченкова Г. Амир Темур Т. 1999
3. Бартолд В. В. Улугбек и йего время. Соч.том 2 М.1964
4. Из истории епохи Улугбека Т.1965

12- МАВЗУ: ФАН ВА ДИН ЎРТАСИДА КУРАШ.

Режа:

1. Гуманизим ва атропосентризм
2. Дунёвий фаннинг пайдо бўлиши
3. Буюк географик кашфиётлар

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан Фан тарихи фанига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, мавзу юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Таянч иборалар:

Дин, политеизм, ислом дини, христиан дини, диний таълимотлар, руҳонийлар, гуманизим, атропосентризм, Коперник кашфиёти, гелиосентрик назарияси, Кеплер конуниятлари, Галилео Галилей**,** телескоп, «Юлдузлар ахборотномаси», католик черкови, Коперник таълимоти, бидъат, Исаак Нютон, Кембридж университети, «Табиий фалсафанинг математик асослари» (қисқача «Асослар»).

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут

Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради

- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут

- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут

- Янги мавзу баёни – 5 минут

- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут

- Синов саволлар намунаси – 10 минут

- Уйга вазифа бериш – 3 минут

Дин ва унинг вужудга келиши ҳамда шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, у дастлаб ўз ичига тотемизм, фетешизм, анимизм, сеҳргарлик кабиларни қамраб олади. Синфий жамиятга ўтиш даврида политеизм халқ миллий динлари пайдо бўлади. Жамият тараққиётининг кейинги босқичларида жаҳон динлари: буддизм (ер. авв.ВИ-В асрларда Ҳиндистонда), Християнлик (ерамизнинг И асрида Рим империясида), ислом (ерамизнингнинг ВИИ асрида Фарбий Арабистонда) келиб чиқади.

Дин кишилар онгига ўз тасирини ўтказиш, билан бир қаторда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига, тараққиётига ҳам катта тасир кўрсатиб келган. Ҳозир диннинг фанга, унинг ютуқларига бўлган муносабати ҳақида янги фикрлар мавжуд. Биз ўтмишда инсоният маданиятининг тарихи дин ва фан ўртасидаги курашдан иборат деб келган едик. Аммо ҳаёт шуни кўрсатадики, фан ва дин ўртасидаги муносабат ҳамма даврда бир хил ва бир текис бўлмаган. Мас: Уйғониш даврида яшаган Фарбий Йевропа олимлари Н.Коперник, Д.Ж.Бруно, Галилей, ХВИИИ аср франсуз олимлари Пол Голбах, К.Гелвисе-,Дени Дидро ва бошқалар христиан динига очиқ-ойдин қарши чиқиб, унинг малумотини инкор етган бўлсалар, Марказий Осиё мутаффаккирлари фан билан ислом талимотини бир-бирига қарама-қарши қўймасдан, иккаласидан ҳам баҳраманд бўлиб келганлар. Мас: Фаробий, Хоразмий, Беруний, ибн Синолар дунёни худо яратган деб еътироф қилсалар, бобомиз Мирзо Улуғбек ўзининг «Тўрт улус тарихи» асарида «дунёни Тангри таоло бино қилган, одамни ҳам у яратган» деган фикрни айтган.

Шу тариқа Олам, Йер, Коинот ҳақидаги ўрта аср диний таълимотининг қарашлари билан капиталистик ишлаб чиқариш жараёнининг янада ривожланиши натижасида фан ва техника соҳасида еришилган ихтиролар ва ютуқлар асосида олинган илмий қарашлар ўртасидаги кураш яна давом етаверди.

Мануфактуралар ўртасидаги рақобат, денгиз орқали савдо қилиш, янги мустамлакаларни топиш ва уларга ега бўлиш, очиқ денгизда кеманинг ўрнини планета ва юлдузларга қараб аниқлаш ва бошқалар фан соҳасида янада аниқроқ фикрга ега бўлишни талаб қиларди.

Шу борада биз Уйғониш даврининг Галелейгача бўлган босқичида фан ютуқларини кузатар еканмиз, албатта ҳаммадан олдин поляк олими астраном, гелиосентрик назария асосчиси Николай Коперник (1473-1543й) ҳақида есламасдан иложимиз йўк. Коперник Полшанинг Торун шаҳрида туғилади. Унинг ота-онаси Краковдан бу йерга кўчиб келган еди. Коперник дастлаб Краков университетида, сунгра Италиянинг Болони, Падуи ва Феррари университетларида ўқиди. Краков ва Болони университетларида Коперник астраномия соҳасида яхши билимга ега бўлди. Шундан сўнг Падуан университетида икки йил давомида тиббиёт илмини ўрганди. Сўнгра Падуи ва Феррари университетларида юридик малумотларга ега бўлди. Бундан кўриниб турибдики Коперник фақат йирик астраном емас, балки математик, врач ва юрист ҳам бўлган. У юнон тилини ҳам билган ва юнон тилидан лотин тилига бир қатор таржималар қилган. Коперник Полшанинг Фраунбург (ҳозирги Фромборк) шаҳрида 20 йилдан кўпрок каноник (диний унвон, руҳонийлар кенгаши ёки коллегиясининг аъзоси) лавозимида ишлади. Шу вақт давомида у сабор деворининг (башня) курғонларидан бирида яшади. Шу йерда у ўзининг обсерваториясини қурди ва шу шаҳарда у вафот етди.

Коперник ўз умрининг асосий қисмини астрономияга бағишлади. Енг оддий асбоблар ёрдамида осмон жисмларини 30 йилдан кўпрок вақт кузатган Коперникда Птолемей томонидан қабул қилинган геосентрик назарияга шубҳа билан қарайди. Яъни Птолемейнинг «Йер олам марказида туради, Қуёш ва бошқа планеталар еса Йернинг атрофида айланади» деган хулосасидан келиб чиқсак дейди Коперник, унда планеталар ҳаракат қилаётган орбиталарда ўта мураккаб ҳолат содир бўлади. Коперник ўта мураккаб астрономик ҳисоблар йўли билан Йер Қуёш атрофида ва шу билан бирга ўз ўқи атрофида айланиб туради, йер планеталарининг биттаси бўлиб, ҳамма планеталар Қуёш атрофида айланиб туради, деган хулосага келди. Коперникнинг гелиосентрик консепсияси Птолемейнинг геосентрик тизимини бутунлай улоқтириб ташлади. Антропосентризм ва диний афсоналарга кучли зарба берди. Коперникнинг асосий хизмати ҳам ана шунда. Унинг ўлими арафасида яни 1543 йилда нашр қилинган «Осмон жисмларининг айланиши ҳақида» номли асари оламнинг

гелиосентрик тузилишининг асосий тасдиғи бўлди. « Бутун орбиталар марказида» деб ёзади Коперник –Қуёш жойлашган, бундай нур таратувчининг барча томонга ёруғлик узатиш учун унинг бошқа бир яхшироқ жойда жойлашиши ҳам мумкин емас. Шунинг учун ҳам Қуёшни Коинот юраги, Тримегист еса уни «кўринувчи худо» Софоклнинг Електрида у ҳаммани курувчи деб номланиши бежиз емас.» (Бернал Дж. Наука в истории обшйества. М., 1956, стр. 223)

Коперникнинг бу кашфиёти фанда ғоят катта ўзгариш ясади, у диннинг обрў ва тасирига путур йетказди. Коперникнинг оламнинг гелиосентрик тизими консепсияси ҳақидаги мураккаб астраномик илмий ҳисоблардан иборат бу иши унинг ягона шогирди Ретик томонидан 1542 йилда нашрга тайёрланди ва чоп етилди.

Коперникнинг «Осмон жисмларининг айланиши ҳақида» номли оламнинг гелиосентрик тизими хусусидаги асари чоп етилгач бирданига тан олинмади. Бу янги тизимнинг тан олинишида кейинчалик Киплер ва Галилейнинг илмий изланишлари катта аҳамият касб етади.

Н.Коперник кашфиётининг инқилобий даражадаги аҳамиятини бошида тушунмаган католик черкови «Осмон жисмларининг айланиши ҳақида» номли китобни 73 йил ўтгач яни 1616 йилда тақиқланган китоблар қаторига киритди, фақат 212 йил ўтгач яъни 1828 йилда тақиқ олиб ташланди.

Даниялик астраном Тихо Браге (1546-1601) ўзининг юлдузлар, планеталар ва кометалар жойлашиши хусусидаги узоқ йиллар ва кўп қиррали ҳамда жуда аниқ ўлчовлари, илмий кузатувлари билан астраномия фанининг кейинги ривожига айниқса катта ҳисса қўшган олимлардан ҳисобланади. Копенгагендан унга узоқ бўлмаган Вен оролида жойлашган Ураниборг расадхонасини қурган ва бошқарган Тихо Браге бу йерда 20 йилдан ортиқроқ илмий кузатувлар олиб борди. Обсерваторияда Тихо Браге томонидан конструксия қилинган ва унинг раҳбарлигида қурилган замонасининг енг зўр астраномик асбоб ускуналари бор еди.

Йирик астраном бўлган Тихо Браге Коперникнинг «Осмон жисмларининг айланиши ҳақида» номли асари билан, албатта, таниш бўлган. Бироқ у оламнинг

гелиосентрик тизимига қарши бўлган. Олам ҳақида Т.Браге ўзининг хусусий консенсиясини илгари суради. Бунга кўра: «Йер қўзғалмас, Қуёш еса Йер атрофида айланади ва бошқа планеталар, Йердан ташқари, Қуёш атрофида айланади».

Шундай қилиб Т.Брагенинг оламнинг тузилиши ҳақида таълимоти Птолемей ва Коперник тизими ўртасидаги қандайдир йўналиш еди.

Машҳур италян олими ва шоири Жордано Бруно (1548- 1600) фанда материалист, схоластиканинг душмани, атеист ва католисизига қарши курашчи сифатида танилган. У Непол яқинидаги Нола шаҳрида туғилади. Ота-онаси уни 15 ёшида Неополдаги муқаддас Доминик монастири беради. 10 йилча монастирда бўлган Жордано ўзини тоат-ибодатга емас, балки илм-фанга бағишлади ва черков докматикасининг душманига айланиб борди. Н. Коперник қарашлари билан танишиб, уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. 1572-йилда Дж.Бруно руҳоний мартабасига ега бўлади, бироқ инквизисия томонидан йеретикликда айбланган Дж.Бруно аввалига Шимолий Италияга кетади, сўнгра Италияни бутунлай тарк етади.

15 йилларча чет елларда юрган Дж. Бруно бу давр мобайнида Тулуза, Париж ва Оксфорд университетларида астраномия ва фалсафадан дарс бериб юради. Ҳатто калвинизмни танқид қилгани учун Женевада турмада ҳам ўтириб чиқади.

Н.Коперник таълимотини янада ривожлантирган Дж.Бруно «Оламнинг чек-чегараси йўқ деган фикрга келиб, у Йер ҳам Қуёш ҳам коинот маркази емас, балки олам сан-саноқсиз юлдузлардан ибрат бўлиб, уларнинг ҳар бири биздан узоқдаги Қуёшдир» деб айтади. 1592-йилда Дж. Бруно Венесиялик патрисий Мочениго таклифига кўра, уни фалсафа ва мнемоникага ўқитиш учун Венесияга келади. Лекин ҳийла билан қўлга туширилиб инквизисия судига берилади. У турмада 8 йилча ётади. Бирок инквизиторлар уни ўз қарашларидан воз кечишга мажбур қила олмадилар. Шундан сунг Дж.Бруно 1601 йил 17-февралда гулханда куйдирилади. У қатл килинган жойда кейинчалик ўрнатилган ҳайкалга қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган: «У ҳамма халқлар учун фикр еркинлигини талаб қилди ва шу талаби учун қатл етилди».

Шу тариқа Дж.Бруно кишилар хотирасида ўз қарашларига садоқатли, қўрқмас, йирик олим сифатида сақланиб колди.

Тихо Брагенинг издоши ажойиб немис астраном ва математиги бу Иоганн Кеплер (1571-1630) ҳисобланади. Кеплер жануби-гарбий Германиядаги унча катта бўлмаган Вейл-дер-Штадт шаҳарчасида камбагал оилада туғилади. Бутун умр у моддий кийинчиликда яшаган. 1588 йил черков мактабини тугатган Кеплер Тюбенгин университетига ўқишга киради. Университет профессори математик ва астраном олим М.Местлин Кеплерга алоҳида етибор бериб, уни Н.Коперникнинг гелиосентрик назарияси билан таништиради. Масаланинг нозик томони шунда едики, яъни М.Местлин Коперник таълимоти тарафдори бўлсада, бироқ талабаларга лексияларда ўзи ишонмаган Птолемейнинг гиосентрик системаси ҳақида дарс беришга мажбур еди.

Ўқишни тугатгач, университет раҳбарияти Кеплерни узоқ Грас ҳудудига математика ўқитувчиси сифатида жўнатади. Бу даврда Кеплер «Предвестник космографических исследований, содержашйей космографическую тайну» номли биринчи йирик илмий асарини ёзади.

1600-йилда Кеплер Прагага келади ва биз юқорида айтган йирик астраном олим Тихо Брагега шогирд тушади. 1601 йилда Тихо Браге вафот етгач Кеплер устозининг ўрнига император Рудолф ИИ саройи қошида математик ва астраном олим бўлиб фаолият кўрсатади. 12 йил Прагада яшаган Кеплер Тихо Брагенинг осмон механикаси ва юлдузлар жадвали устида олиб борган улкан илмий кузатув материаллари устида иш олиб борди.

Астраномия фани соҳасига ғоят катта ҳисса қўшган Кеплер фанда учта гигант олимлар қаторида туради. 1). Н.Коперник (Кеплер туғилишидан 28 йил олдин вафот етган) 2). Галелио Галелей (Кеплернинг замондоши) 3). И.Нютон (Кеплер ўлимидан 13 йил кейин туғилган), қайсиким Нютон Кеплернинг изланишлари ва қонунлари ёрдамида «Бутун олам тортишиш қонунини» яратди.

Астраномик кузатиш натижаларини умумлаштириш асосида Кеплер Қуёшга нисбатан планеталар ҳаракатининг 3 та қонуниятини тузди.

Кеплернинг биринчи қонуни: *Ҳар қайси планета еллипслар бўйича ҳаракат қилади, қайсиким унинг марказида Қуёш жойлашган.*

Кеплернинг иккинчи қонуни: *Қуёшдан планетага ўтказилган радиус-вектор тенг вақт оралғида тенг майдон ҳосил қилади. Бу қонундан хулоса шуки, яъни орбита бўйлаб планеталар ҳаракатининг тезлиги бир-хил емас, ва у қанча тез бўлса, планета Қуёшга шунча яқин ҳисобланади.*

Кеплернинг учинчи қонуни: *Планеталарнинг Қуёш атрофида айланиш вақтининг квадрати уларнинг Қуёшга нисбатан Ўртача масофасининг кубига тенг. (Квадраты времен обрашйений планет вокруг солнсе относяця как кубы их средних расстояний от солнса.)*

Кеплер планеталарни ҳаракатлантирувчи куч манбаи- бу Қуёш деб ҳисоблайди. У фандаги «гравитасион масса» тушунчасига, «оғирлик» тушунчасига яқин келган еди. Бироқ бу муаммони ҳал қилиш Нютонга буюради.

Кеплер Қуёш ва Ой тутилиши назариясини ишлаб чиқиб, уни олдиндан айтиш усулларини таклиф етади. Қуёш ва Йер ўртасидаги масофа кенглигига аниқлик киритади ва ўз даври учун йилнинг исталган вақтида планеталар ҳолатини ўта яқинлик билан аниқлаб берувчи масалани, яни Рудолф жадвалини (Император Рудолф ИИ шарафига) тузади. Н.Коперникнинг оламнинг гелиосентрик тузилиши тарафдори бўлган Кеплер асарларини Рим Ватикани инкор етади. Кеплернинг «Сокрашенийе коперниковой астрономии» номли асари Ватикан томонидан тақиқланган китоблар рўйхатига киритилган. Кеплер 1630 йилда Регенсбург шаҳрида вафот етади.

Галилео Галилей (1564-1642)

Машҳур италян физиги ва астраном Галилео Галилей 15-феврал 1564-йилда Пиза шаҳрида туғилади. Унинг отаси Венченсо музикант еди. Галилей унча бой бўлмаган аслзода оиласидан еди. У 11 ёшига қадар мактабга қатнади. 1574 йили Винченсо оиласи Пизадан Флоренсияга кўчиб ўтади. Сўнгра ўша давр таомилига кўа у монастирга маълумот ва тарбия олиш учун қабул қилинди. Асосийси у бу йерда юнон ва лотин ёзувчиларининг асарлари билан танишди. 1581-йилда Галилей медисинани ўрганиш учун Пиза университетига киради. Тиббиётга унчалик ҳам қизиқмаган Галилей, бу йерда математика, механика, физика ва астраномия билан иштиёқмандлик билан шуғулланди. Бу йерда асосий

ролни отасининг дўсти Остилио Риччи ўйнади. Унинг маслаҳати билан у бу йерда биринчи марта Йевклид, Арасту ва Архимед асарларини ўқиб чиқди.

Математика, механика, геометрия, физика ва астраномияга иштиёқи баланд бўлган Галелей Пиза университетини ташлаб, 4 йил Флоренсияда математика билан шуғулланди. Ана шу даврда унинг гидростатикага боғлиқ булган биринчи илмий асарини (У металл котишмаларнинг таркибини аниқлайдиган тарозини ихтиро қилди) ва жисмларнинг ҳаракатланишида оғирлик марказининг ролини аниқлашга доир асарларини ёзди. Бу Архимед ишларининг давоми еди.

1589 йилдан бошлаб Галелей дастлаб Пизадаги математика кафедрасида, сўнгра 1592 йилдан Падуан университетида математикадан дарс бера бошлади. Галилейнинг Падуядаги хаёт даври (1592-1610) унинг илмий фаолиятининг енг гуллаган даври ҳисобланади.

Минг йиллар давомида одамлар тунги осмонга тикилиб, сайёра ва юлдузлар ҳаракатини кузатишган. Улар ҳақида қанчадан қанча афсона ва ривоятлар тўқишган, бироқ уларнинг осмон гумбазидаги ҳаракат қонунлари ўша давр олимлари учун сирлигича қолаверган. Ниҳоят, 1632 йилда Г.Галилейнинг «Оламнинг икки асосий системаси хакида диолог» (К.Птолемейнинг геосентрик системаси ва Н.Коперникнинг гелиосентрик системаси ҳақидаги) асари босилиб чиқди. Унда Галилей динамика асоси - инерсия принсипи ва классик нисбийлик принсипига асос солди. Инерсия қонунига (*лат: инертиа-тинч холат,харакациз, фаолияциз.*) кўра, агар жисмга ҳйеч қандай куч тасир қилмаса, жисм қанча узоқ муддат бўлмасин ўзининг тинч ҳолатини ёки тўғри чизиқли ва текис ҳаракатини сақлайди. Галилей жисмларнинг еркин тушиш қонунларини, қия текисликдаги ҳаракатини, горизонтга маълум бурчак остида отилган жисмнинг ҳаракат қонунларини ўрганди. У маятникнинг тебраниш қонунини аниқлади. Тебранишлар даври амплитудага (*амплитуда-тебраниш кенглиги ҳолатлари орасидаги масофа*) боғлик емас екан. Маятникларнинг бу хоссаси изохронлик (*изохронност-баравар давом етиш*) дейилади.

1609 йилда Галилей узининг 3 марта катталаштириб кўрсатадиган биринчи оптик телескопини, бир оз вақт ўтгач, 32 марта катталаштириб кўсатадиган

телескопни ихтиро қилди. Унинг ёрдамида Галилей илк бор Ой юзасидаги тоғларни ва кратерларни, Қуёшдаги доғларни ва унинг ўз ўқи атрофида айланишини, Юпитернинг 4 та юлдоши борлигини, Венера фазаларини кашф қилди. Шу билан бирга Сомон йўлининг жуда узоқдаги юлдузлар туркуми еканлигини исботлади. Жуда катта аҳамиятга ега бўлган Галилейнинг бу кузатувлари унинг «Юлдузлар ахборотномаси» («Звездний вестник») номли асарида ёзилади.

Черков ходимлари унинг барча кўрганларини оптик алдов, у кишиларни чалғитмокда деб еълон қилади. Бирок Галилей Оламнинг гелиосентрик системаси ҳақидаги Н.Коперник талимотининг тарафдори бўлиб қолаверди.

1616 й.да католик черкови расмий равишда Коперник таълимотини бидъат деб еълон қилди ва унинг асарларини, таълимотини еслаш, фикрлаш ҳамда ўқишни таъқиқлади. Галилей Коперник ҳақида гапирмай юришга ёки имо ишора билан гапиришга мажбур бўлди. Галилейнинг 1632 йилда нашр қилинган биз юқорида айтган «Диалог» номли китобида у материалистик ғояларни уч суҳбатдош: Салвиати, Сагредо ва Симпличио орасидаги мунозара тарзида баён қилади. Черков бу китобни таъқиқлайди. Галилей кашфиётларидан қаттиқ ғазабланган папа ва руҳонийлар уни Римга чақиришади. 70 яшар олим инквизисия судига топширилади ва 5 ой давом етган сўроқлардан сўнг, у ниҳоят 22 июн 1633 йилда Коперник талимотидан воз кечишга ва тавба қилишга мажбур етилади.

Шундан сўнг Галилей то умрининг охиригача ёлғиз, одамлардан узоқда Флоренсиядан унча узоқ бўлмаган Арчитри вилласида яшашга мажбур қилинади. 1637 йилда Галилей кўр бўлиб қолсада, бироқ умрининг охиригача илмий ишларини давом еттиради. У 1638 йил 8 январда вафот етади.

Нафақат физик, механик ва астраном бўлган, балки музикант ва шоир ҳам бўлган Галилейнинг илмий фаолияти механика, оптика, астраномия фанларининг келгуси тараққиётига жуда катта баракали таъсир кўрсатди.

Исаак Нютон (1643-1727)

Буюк инглиз физиги ва математиги, классик механика асосчиси Исаак Нютон 1643 йил 4 январда Кембриджданн 75 км узоқликда жойлашган (Грантем шаҳри яқинида) Вулсторп қишлоғида унча бой бўлмаган фермер оиласида туғилади. Унинг отаси туғилмасдан олдин вафот етганди. Исаак 12 ёшида Грантем мактабига ўқишга киради.

Мактабни тугатгач у 1661-1665 йилларда Кембридж университетининг Тринити ёки Троиса колледжини тугатиб, бакалавр илмий даражасини олади. Машҳур математик олим профессор Барроу ёрдамида Нютон Кембридж университетининг «Люкасов» кафедрасига ишга кириб, у йерда то 1701 йилгача фаолият кўрсатади.

Нютон ҳаётининг енг муҳим ижодий даври бўлиб, унинг вабо епедимиясидан қочиб ўзи туғилган Вулсторпда ўтказган 1665-1667 йиллар ҳисобланади.

Бу йерда олимни буюк кашфиётларга олиб келган асосий ғоялари шаклланди. Ана шуларга: физиканинг математик асослари – дифферинсиал ва интеграл ҳисобни яратишга кўзгу телископнинг ихтиро қилинишига, ёруғликни ажратишга оид тажрибаларга, астрономик кузатишлар ва механика асосларига, енг муҳими бутун олам тортишиш қонунининг очилишига олиб келган ишлари киради. 1668 йилда Нютонга магистр унвони берилди ва шундан сўнг у Кембридж университетида физика-математика кафедрасига бошчилик қила бошлади.

1668 йилда Нютон ўз қўли билан кўзгули телескопни қурди. 1671 йилда худди шу турдаги, бироқ размери жиҳатдан катта ва янада такомиллашган иккинчи телескопни ихтиро қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, яъни Нютоннинг телескоп соҳасидаги ишлари фанда Галелий хизматлари қаторига тенглаштирилади.

Нютон ишлаб чиққан механика ва физиканинг асосий вазифалари замонасининг илмий муаммолари билан увий боғланган еди. Масалан: оптика соҳасидаги тадқиқотлар оптик асбобларнинг камчиликларини бартараф етишга қаратилган еди. «Ёруғлик ва рангларнинг янги назарияси» (1672й) номли оптикага бағишланган биринчи ишида Нютон ўзининг ёруғликнинг корпускуляр гипотезасига оид қарашларини баён қилади. Қизғин баҳсга сабаб бўлган

Нютоннинг ёруғлик табиати ҳақидаги корпускуляр қарашларига инглиз олими Р.Гук қарши чиқади. У вақтда Нютон ёруғлик ҳақида корпускуляр ва тўлқин тасаввурларини ўз ичига олувчи гипотезани олға суради. Нютон қоронғилаштирилган хонага кичик тирқиш очиб, тушаётган қуёш нури йўлига шиша призма қўйиб ҳосил қилинган қуёш нури спектрини йетти хил рангга ажратди. (Умуман одамнинг кўзи қуёш ёруғлиги спектрида 160 га яқин турли рангларни ажрата олади).

Кейинги тажрибаларда Нютон рангли нурларни аксинча йиғувчи линза орқали оқ ёруғликка тўплашга еришди. Ўзининг оптик тадқиқотларини у 1704 йилда ёзилган «Оптика» китобида еълон қилиб, унда ўша замон фанига маълум бўлган турли оптик ҳодисаларнинг мукаммал манзарасини чизиб берди.

1687 йил И.Нютон ўзининг «Математическийе начала натуралной философии», яъни «Табиий фалсафанинг математик асослари» (қисқача «Асослар») номли капитал асарини нашрдан чиқарди. Унда олим бутун классик физиканинг асосини ташкил етган йер ва осмон механикасининг ягона системасини яратди. Бу илмий асарида Нютон физиканинг асосий тушунчалари – массага, зичликка еквивалент материя миқдорининг, импулсига еквивалент ҳаракат миқдорининг, кучнинг турли шаклларини ва бошқаларни таърифлаб берди.

1672 йилда Нютон Лондон Қироллик жамиятининг аъзоси қилиб сайланди. 1703 йилда еса унинг президенти бўлган Нютон умрининг охиригача шу лавозимда қолади.

1696 йилда Монетный двор- назоратчиси бўлиб сайланган Нютон- деб ёзади Дж.Бернал (Наука в истории обшества –стр.265) –ўзининг ҳалоллиги ва ҳақгўйлиги туфайли 1699 йилда унинг директори лавозимига кўтарилади.

1699 йилда у Париж Фанлар Академиясининг хрижий аъзоси етиб тайинланади. Фан олдидаги хизматлари учун Нютон 1705 йилда дворянлик унвонига сазовор бўлади.

1727 йил 31-мартида 84 ёшида вафот етган Исаак Нютон Вестминстр аббатлигининг миллий пантеонига дафн қилинади. Бутун инсоният тарихида енг буюк олимлардан бири бўлган Исаак Нютон фаннинг турли соҳалари бўйича

ўзидан жуда улкан илмий мерос қолдирди. Ўзи кашф қилган бутун олам тортишиш қонунини Нютон муваффақиятли равишда осмон жисмларининг ҳаракатини тушунтиришга татбиқ қилди. Бу қонунга кўра, барча моддий жисмлар бир-бирига тортилиб, бунда тортишиш кучи катталиги жисмларнинг физик ва химиявий хоссаларига, уларнинг ҳаракат ҳолатига, жисмлар турган муҳитга боғлиқ емас. Йерга тортилиш ҳар қандай моддий жисмни Йерга тортилиши туфайли вужудга келувчи оғирлик кучининг мавжудлигидан намоён бўлади.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Гуманизим ва атропосентризм тушунчаларини таҳлил қилиб беринг
2. Дунёвий фаннинг пайдо бўлиши асослари нимада?
3. Буюк географик кашфиётчиларга кимларни мисол келтира оласиз?

Адабиётлар рўйҳати

1) Бернал Д.Ж. “Наука в истории обшйества” М.1956

2) Бернал Д.Ж. Наука и обшйество М. 1953

5) Виргенский В.С. История науки и техники. М. 1977

4) Курилин В. А. Странисы истории науки и техники М. 1986

ЙАНГИ ЗАМОН ФАНИ:

13-МАВЗУ: ХВИИ – ХВИИИ аср бошларида фан ва техника инқилоби.

Режа:

1. ХВИИ аср ўрталаридан ХВИИИ аср охирларида фан ва техника тараққий қилган кўпгина давлатларда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт секуляризасияси
2. ХВИИ асрдан фаннинг тез суръат билан юксалиб бориши
3. ХВИИ-ХВИИИ аср фани - механистик фан.

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан Фан тарихи фанига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, мавзу юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Таянч иборалари:

Фаннинг диний ақидалардан озод бўла бошлаши, буржуа инқилоблари натижалари, Илмий билимларнинг ривожланиши, Франсиядаги «Тажриба академияси» ва Лондондаги «Қироллик жамияти», соат, тегирмон, табиий фанлар, физика, «Бойл-Мариотт қонуни», Блез Паскал, Ҳавонинг массаси ҳақида»ги асар, Х.Гюйгенс.

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут

Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради

- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут

- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут

- Янги мавзу баёни – 5 минут

- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут

- Синов саволлар намунаси – 10 минут

- Уйга вазифа бериш – 3 минут

ХВИИ аср ўрталаридан ХВИИИ аср охирларигача бўлган тарихий давр Йевропада черковни роли ва папа ҳокимиятининг ҳалқаро таъсири анча пасайиб, фан ва техника тараққий қилган кўпгина давлатларда ижтимоий-сиёсий

ва маданий ҳаёт секуляризасия (черков таъсиридан халос етиш) қилина бошланди.

Буржуа мафкурасининг ва янги расионал ҳамда емпирик билимларнинг ривожи бир қатор мустақил янги фан тармоқларининг вужудга келишига олиб келди. Масалан фалсафа, ҳуқуқ ва тиббиёт фанлари диний ақидалардан озод бўла бошлади. Ҳар ҳолда черков таъсиридан қўтилмаган бўлсада бу даврда дунёвий мактаблар купая бошлади. Уларда ўқитишнинг янги усуллари яратилди. Бир қанча мамлакатларда дунёвий олий ўқув юртлари, илмий жамиятлар ва академиялар барпо қилинди.

Фан аввало табиий ҳодисаларнинг ўзаро сабаб ва оқибатларини расионал тушунишга ва експрериментлар орқали ҳал қилишга ҳаракат қила бошлайди.

Капиталистик ишлаб чиқариш усули ва илк буржуа инқилоблари: (ХВИ асрнинг 60-70 йилларидаги Нидерландия буржуа инқилоби; ХВИИ асрнинг 40-80 йилларида Англия буржуа инқилоби; ХВИИ асрда Йевропанинг қатор давлатларида бўлиб ўтган инқилоблар, хуллас, 1789-1794 йиллардаги буюк франсуз инқилоби.) даврида илм-фан ривожи диний дунёқарашнинг, диний ғояларнинг обрўйини туширib юборди. Бу жараён капиталистик тараққиётга кенг юл очиб берди. Умумевропа миқёсидаги бу жараён биринчидан табиатшунослик ва техника соҳасидаги илмий билимларнинг ўсишига ва шу билан бирга ишлаб чиқарувчи кучларнинг тез ривожланишига, иккинчидан юқорида айтганимиздек антифеодал инқилоби ҳаракатларнинг юксалишига олиб келди, яъни ҳунарманд, деҳқонлар ва ишчилар буржуазия бошчилигида буржуа инқилоблари давомида феодализмга ва якка ҳокимиятчиликка қаҳшатгич зарба бера бошлади.

Капиталистик мануфактуранинг гуллаб-яшнаши ва машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш фан ва техниканинг ривожланишини талаб қиларди. Саноатнинг ривожланиши техника, математика, експериментал фанлар ва табиий фанларнинг жадал суръатлар билан ривожланишига ёрдам берди. Динга путур йетиб ва ўрта аср схоластикаси кишанлари парчаланиб бораётган ана шу шароитда фан таборо муваффақиятли суръатда ривожлана бошлади.

Ҳозирги замон фани ўзининг тез суръат билан юксалиб борган тараққиётини худди шу ХВИИ асрдан бошлади дейиш мумкин. ХВИ асрда илмий фикр баъзи бир чекланган соҳаларда, масалан, астрономия, тиббиёт намоён бўлган бўлса, ХВИИ асрнинг биринчи ярмида илмий билимларнинг асосий принсиплари ва методлари пайдо бўлиши (Бекон, Галилей, Нютон, Декарт) билан фан асри бошланди. Лекин шунга қарамай ХВИИ асрнинг биринчи ярми фаннинг тонг отар пайти еди, холос.

Илмий билимларнинг ғолибона ривожланиши ХВИИ асрнинг иккинчи ярмидан, яъни инглиз буржуа инқилобидан кейин бошланди. Бу ривожланиш Йевропанинг барча мамлакатларига ёйилди ва халқаро тус олди. Олимлар бир-бирлари билан хат ёзишиб турар, ўз кузатишлари, ихтиролари, кашфиётлари, назариялари ҳақида бир-бирларига хабар юборар едилар. Бирин-кетин академиялар – илмий марказлар вужудга келди. Бу академияларда тажрибалар ўтказилар – улар намойиш қилинар еди. Бундай академиялардан Франсиядаги «Тажриба академияси» ва Лондондаги «Қироллик жамияти» табиатшунослик илмий жамиятларининг енг дастлабкиларидан еди. «Қироллик жамияти» биринчи фуқоролар уруши йилларидаёқ тузилган бўлиб, инқилобдан кейин (1662 йилдан бошлаб) катта ишлар олиб борди. Унинг аъзолари орасида Бойл, Гук, Нютон каби илғор олимлар бор еди.

1652 йилда Германияда император «Леополд академияси», 1666 йилда Парижда «Табиат фанлари академияси», 1700 йили Берлинда «Фанлар академияси», 1724-1725 йилларда Петербургда, 1739 йил Стокголмда, 1759 йил Мюнхенда Фанлар академиялари ташкил қилинди ва ҳоказо.

Академиялар билан бир вақтда илмий журналлар ҳам таъсис қилнди. Бу журналларнинг енг кексаси Парижда 1665 йилдан чиқа бошлаган «Олимлар журнали» ҳисобланади.

Шундай қилиб, ХВИИ-ХВИИИ асрлар фанининг енг муҳим икки хусусияти биринчидан унинг кузатишга, тажрибага, експриментга, иккинчидан математикага таянганида еди. Аниқлик ва ишончлилик янги фаннинг байроғи бўлиб қолди. Янги фанниг ХВИИ-ХВИИИ асрлардаги тараққиёти, бир томондан, енг муҳим илмий асбоб-ускуналар (термометр, симобли ва сувли

барометр, ҳаво насоси, маятникли соат, електр машина, телескоп, микроскоп ва ҳоказо)нинг ихтиро қилиши ва такомиллаштирилиши асосида , иккинчи томондан математиканинг тез ривожлиниши асосида борди.

Аммо ХВИИ-ХВИИИ аср фани кўпроқ мануфактура ишлаб чиқаришига ва илк машиналашган ишлаб чиқаришга боғлиқлиги туфайли ҳам у асосан механистик фан еди. Бошқача қилиб айтганда йирик саноатга айланаётган мануфактура даврида механиканинг икки моддий негизи бу- соат ва тегирмоннинг борлиги еди.

Машиналашган саноатга ўтишда яна шу иккала моддий негиз асос бўлган еди:

Соат – амалий мақсадлар учун ишлатилган биринчи автомат бўлиб, текис ҳаракат билан ишлайдиган ишлаб чиқариш назарияси ана шу соат асосида ривожланган.

Тегирмон – дастлабки сув тегирмони қурилган вақтлардан бошлабоқ унда машина организмининг ҳамма муҳим елементлари бор еди. Ҳаракатга келтирувчи кучнинг меъёрини ўлчаш, бу кучни қўллашдаги енг яхши усуллар - тишли узатма, тишлар ҳақидаги ва ишқаланиш ҳақидаги таълимотга ҳам ана шу тегирмон асос бўлди.

Шундай қилиб, фан ва техника, айниқса, математика, механика ва астрономия фанлари машиналашган саноатга ўтиш, капиталистик саноатнинг тараққий қилиши ва диний дунёқарашни йенгиш асосида ривожланиб борди.

Саноатнинг ва табиий фанларнинг тезкор ривожи, илмий изланишлар, експриментлар ва тажрибалар туфайли еришилаётган ютуқлар ва фалсафа фанининг материялистик юналишига туртки берди… (*фалсафий дунёқаришни ёритиш керак*)

Табиий фанлар:

Галилей, Киплер ва Нютонларнинг замондошлари ичида кўплаб табиатшунос олимлар мавжуд еди. Ана шулардан бири италян физиги ва математиги Еванджелиста Торричелли (1608-1647) бўлиб, Римда Бенедетти Кастилли раҳбарлигида математик маълумот олади. Торричеллининг «Трактат о движении тяжелых тел», номли асари Галилейнинг еътиборини тортади. Галилей

ўз асарларидан бирини қайта ишлаб чиқишни ишониб унга топширади. Галилей ўлимидан сўнг, 1642 йилда Торричелли Пизан университети математик профессори лавозимини ёки ўрнини егаллайди. Торричелли 39 ёшида, яъни ерта вафот ецада, фан тарихида катта ишлар қилишга еришди. Торричелли математика, механика, гидравлика соҳасида катта ишлар қилди. Уни фанда янада танитган иши, бу ўта оддий тажриба усули билан Йернинг юза қисмига ҳавонинг босими мавжудлигини, яъни ҳавонининг оғирлигини аниқлади ва намойиш қилди, атмосфера босимини ўлчаш учун оддий барометрни ихтиро қилди. (Кириллин В. 7-расм, 215бет).

Французс физиги Едм Мариотт (1620-1684) турли соҳалар билан шуғулланган олимлардан бири ҳисобланади. У оптика, ёруғлик(свет) дифраксияси, гидравлика ва айниқса у ўзининг газлар ҳусусиятлари устида олиб борган тажрибалари билан танилган.

Инглиз олими Роберт Бойл 1662 йилда ва ундан мустақил равишда Едм Мариотт ҳам 1676 йилда експриментал равишда «Бойл-Мариотт қонуни» деб аталувчи қонунни аниқладилар, унга кўра: муайян газ массаси учун ўзгармас температурада босим ҳажмга тескари пропорсионалдир: P1 = B2

P2 = B1

Температура ортиши билан газ босимининг ортишини 1787 йилда французс физиги Ж.Шарл експериментал равишда аниқлайди. Бу – фанда Шарл қонуни номи билан аталади, яъни: муайян газ массасининг босими ўзгармас ҳажмда абсолют температурага пропорсионалдир:

P1 = T1

P2 = T2

Шуни таъкидлаш керакки, яъни Е. Мариотт Париж Фанлар Академиясининг енг биринчи аъзоларидан бири ҳисобланади.

Инглиз химиги ва физиги Роберт Бойл (1627-1691) Ирландиянинг Лисмор қурғонида герсог оиласида туғилади. У Темза дарёси бўйидаги Итон шаҳридаги таниқли колледжда ўқиди. Италия ва Франсия бўйлаб саёҳат қилган Бойл, бир неча йил Женевада ўқиди. Дастлаб дин таъсирида бўлган Бойл зоҳидона ҳаёт кечиради. Ҳатто бу даврда Англияда фуқоролар уруши кетаётган даврда, яъни

О.Кромвел бошчилигидаги республикачиларнинг қирол армияси билан жанг олиб бораётганида ҳам Бойлнинг барча қизиқишлари фан билан боғлиқ еди.

1663 йилда Лондонда расмий ташкил топган «Қироллик жамияти»нинг тузилишида ҳам Бойл асосий ташаббускорлардан бири еди. 1665 йилда Бойл Оксфорд университетининг физика фанлари доктори унвонига сазовор бўлади. 1680 йилда Р.Бойл «Қироллик жамияти»нинг президенти лавозимига сайланади, бироқ унинг ўзи бу лавозимни рад етади.

Дж.Бернал айтганидек: «Р.Бойл, шубҳасиз, «Қироллик жамияти»нинг бошланғич даврида унинг асосий фигураси бўлган бўлса, шу жумладан И.Нютон ҳам жамиятнинг гуллаб-яшнаган даврида унинг асосий фигураси еди».

Бойлнинг яқин дўсти ва биринчи ёрдамчиси бўлиб узоқ вақт фаолият кўрсатган кенг тармоқли олим ва ажойиб експериментатор Роберт Гук (1635-1703) еди. У Уайт оролида руҳоний оиласида туғилади. Дж.Бернал ёзганидек: «Агар Бойл Қироллик жамиятининг юраги бўлса, унда Гук унинг кўзи ва қўллари еди. У Фарадейгача бўлган даврнинг буюк физик-експериментатори еди. Механика, физика, химия ва биология билан қизиққан Гук металларнинг механик хоссалари, материалларнинг еластик деформасияланишлари, еластиклик чегараси устида иш олиб бориб, фанда «Гук қонуни» деб аталадиган ихтирони амалга оширди. Унинг ихтироси, яъни айланма пружинли маятник кейинчалик аниқ соат ва хронометрларнинг яратилишига асос бўлди. 1660 йилда Гук микроскоп схемасини такомиллаштирди.»

Енди Р.Бойлга қайтадиган бўлсак у Дж.Бернал айтганидек Гук ва Фарадей каби йирик експериментатор бўлмасада, ёки Нютон ва Максвелл каби юксак математик қобилиятга ега бўлмасада, бироқ фан учун жуда кўп ишлар қилди. Ўзининг илмий салоҳиятига кўра Бойл енсиклопедист олим еди. Унинг фандаги асосий хизмати химияни мустақил фанга айланишини бошлаб берди.

Франсуз олими Блез Паскал (1623-1662) математик, физик, ёзувчи ва диний файласуф еди. У Клермон- Ферране шаҳрида математик Е.Паскал оиласида туғилади. 1655 йилда Б.Паскал Пор-Роялдаги янсенийчилик (*Калвинизмга яқин диний-фалсафий оқим. Голландиялик ваъзчи Янсений асос солган*) монастирига жойлашиб, бу оқимнинг маслакдошларидан бирига айланади. Математика ва

физика соҳасида кўп ишлар қилган Паскал гидростатикага асос солади. Бу қонунга кўра суюқлик юзасига қилинган ташқи таъсир кучи суюқлик орқали барча юналишда бир хил узатилади. Масалан:

«Ҳавонинг массаси ҳақида»ги асарида Паскал ҳаво босимининг зичлиги Йер юзасидан қанча юқорига чиқилса шунча камайиб боришини аниқлайди. Шу билан бирга барометр кўрсатгичи ҳавонинг ҳолатига, яъни температурасига ва намлигига боғлиқ ва шунинг учун ҳам барометр об-ҳавони олдиндан айтиб бериш прибори бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.

Нютон ва Галилейнинг замондоши буюк голланд математиги, физиги ва механиги Христиан Гюйгенс (1629-1695) Гагада ёзувчи ва сиёсий арбоб оиласида туғилади. Недерландиянинг Лейден ва Бреди шаҳарларидаги университетларида ўқиб, ҳуқуқшунослик ва математикани ўрганади. 22 ёшида айлана, еллипс ва гипербола ёйлари узунлигини ўлчашга оид биринчи илмий ишини еълон қилди.

Тез орада Х.Гюйгенс физик муаммоларга қизиқиб қолди. У Р.Гук билан биргаликда термометрнинг доимий нуқталарини – музнинг ериш нуқтаси ва сувнинг қайнаш нуқтасини аниқлади. Шу йиллардаёқ у астрономик трубалар обйективларининг ёруғлик кучини ошириб, уларни такомиллаштириш устида ишлади. Улар ёрдамида Гюйгенс 1655 йилда Сатурн йўлдошларидан бири Титанни кашф етди ва унинг айланиш даврини ҳисоблади. Сатурнда ҳозир ҳаммага маълум бўлган ҳалқалар борлигини аниқлади. Ўзининг «Маятникли соатлар» (1658) номли асарида у маятникнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни тадқиқ қилди.

Гюйгенснинг математика, механика ва астрономияга оид асарлари унга катта шуҳрат келтирди. Гюйгенс Лондонга келиб кўплаб инглиз олимлари билан танишди ва у 1663 йилда Лондон «Қироллик жамияти»нинг биринчи хорижий аъзоси бўлди.

Франсуз олимларининг таклифига кўра у 1665 йилда Парижга келди ва бу йерда 16 йил яшади. Франсуз Фанлар академияси раислигига таклиф қилинди.

1681 йил Гюйгенс ватанига қайтади ва оптика билан шуғулланади. У яратган окулярдан ҳозиргача фойдаланилмоқда. Ўзининг оптика ҳақидаги ишларини

Гюйгенс 1690 йилда нашр қилинган «Ёруғлик ҳақида трактат» номли асарида еълон қилди. Бу асарда у биринчи марта ёруғликнинг тўлқин назариясини баён қилди. М: исланд шпати кристалида очилган иккиланма нур синиш ҳодисасини тушунтириб берди. Оптик бир ўқли кристаллардаги классик синиш назарияси ҳозирда ҳам Гюйгенс таълимоти асосида баён қилинади.

«Ёруғлик ҳақидаги трактат»га «Оғирлик сабаблари» деган илова қўшилган еди. Бунда олим бутун олам тортишиш қонунини очишга яқин келган еди. Гюйгенснинг кўпгина муҳим ишлари унинг вафотидан кейингина босилиб чиқди. М: «Жисмларнинг зарба таъсиридаги ҳаракатлари ҳақида», «Диопритика», «Космотеорос» ва бошқалар.

Енди ХВИИИ асрда табиий фанлар соҳасидаги илмий ишлар ривожини таҳлил қилишни биз буюк математик ва физик, Петербург Фанлар академияси аъзоси Леонард Ейлер фаолияти билан бошлаймиз.

Мавзу бўйича саволлар:

1. ХВИИ аср ўрталаридан ХВИИИ аср охирларида фан ва техника тараққий қилган кўпгина давлатларда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт секуляризасиясини мисоллар билан гапириб беринг
2. ХВИИ асрдан фаннинг тез суръат билан юксалиб бориши сабаблари нимада?
3. ХВИИ-ХВИИИ аср фанининг асосий олимларидан кимларни биласиз?

Адабиётлар рўйхати

1) Бернал Д.Ж. “Наука в истории обшества” М.1956

2) Бернал Д.Ж. Наука и обшество М. 1953

6) Виргенский В.С. История науки и техники. М. 1977

4) Курилин В. А. Страниси истории науки и техники М. 1986

14-Мавзу: ХВИИИ – ХИХ аср охирларида Туркистон халқлари фани.

Режа:

1. ХВИИ-ХИХ аср бошларида фан ривожининг тарихий шароитлари ва унинг пасайиш сабаблари
2. Туркистон халқлари фани ривожи ва унга рус олимларининг қўшган ҳиссаси
3. Туркистон жадидларини илм-фанга қўшган ҳиссаси

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан Туркистон халқлари тарихи фанига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, мавзу юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Таянч иборалари:

Марказий Осиё Фани, Йевропа, буюк географик кашфиётлар, фан, адабиёт ва санъат, Махмуд ибн Аҳмаднинг «Ой фазаларининг тенглиги ҳақида рисола»; Мунажжим Муҳаммад Ҳусайн Бухорийнинг «Қибла томонни топиш маърифати»; Муҳаммад Амин ибн Убайдулла Мўминободийнинг «Шабака жадвали амали ҳисоби»; Соқи Муҳаммад Сони Чоҳарякийнинг «Рисола дар илму ҳисоб» асарлари, Аҳмад Дониш, Ой ва Қуёш тутилишлари, табиб Убайдулло ибн Мухаммад Юсуф.

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут

Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради

- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут

- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут

- Янги мавзу баёни – 5 минут

- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут

- Синов саволлар намунаси – 10 минут

- Уйга вазифа бериш – 3 минут

ХВИИИ – ХИХ асрларда Марказий Осиё халқларининг Марказий Осиё ва маданияти ўзига хос равишда ривожланди. Чунки бу даврдаги феодал тарқоқлик урушлари, хонликлар ўртасидаги бўлиб турган даҳшатли жанглар илм аҳлига қанчалик кулфат келтирган бўлмасин, у илм-фан, санъат, ва адабиёт ривожини тўхтатиб қўя олмади.

Шундай бўлсада ХВИИ – ХИХ асрларда Марказий Осиё регионида ИХ – ХИИ ва ХИВ – ХВИ асрларга нисбатан табиий фанлар соҳасидаги ривожланиш бир мунча тушкунликка учради. Бу даврга келиб бир пайтлар дунё фанининг бешигини тебратган юрт, енди ўрта асрларда, яъни хоразмшоҳлар, сомонийлар ва темурийлар даврида егаллаган илм-фан соҳасидаги мавқйеини Йевропага бўшатиб бераётган еди.

Биз таҳлил қилаётган ушбу даврларда Йевропада мануфактуралар ўртасидаги рақобат, буюк географик кашфиётлар, денгиз орқали савдо қилиш, саноат тўнтариши ва капиталистик ишлаб чиқариш жараёнининг янада ривожланиши натижасида фан ва техника соҳасида еришилиётган ихтиролар асосида католик черковининг диний догматикасига кучли зарба берилаётган бир пайтда бизда, яъни Ўрта Осиёда хонликлар ўртасидаги урушлар, жаҳолат ва диний мутаасибликнинг кучайиши табиий фанлар ривожига кескин тўсқинлик қила бошлади. Таълим масканларимизда (мактаб, мадраса) асосан диний таълимотни ўрганишга бўлган ружу дунёвий фанларнинг давлат даражасида еътибордан четда қолишига, шунингдек жаҳон фани ютуқларини ўлкага татбиқ қилиш ва ташқи илмий алоқалар ўрнатиш масалаларининг кескин сусайишига олиб келди.

Бироқ ушбу мураккаб тарихий даврнинг машаққатларига қарамасдан фан, адабиёт ва санъат соҳасида истеъдодли фан арбоблари, атоқли шоир ва ёзувчи олимларимиз йетишиб чиқди. Ана шулардан бири Бобоколон Муфтий бўлиб, (Рисола дар илму ҳисоб) унинг математикага оид трактатлари ХВИИ – ХИХ асрлар давомида Ўрта Осиё мадрасаларида ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилди. Мирза Бади – Дивоннинг «Предписанийе фиска» номли математикага оид ишлари хонлик девонхонаси ходимлари томонидан йер-мулк ҳисоб-китоби ишларида фойдаланилган.

Математика ва астрономия соҳасида фаолият кўрсатган олимлардан: Маҳмуд ибн Аҳмаднинг «Ой фазаларининг тенглиги ҳақида рисола»; Мунажжим Муҳаммад Ҳусайн Бухорийнинг «Қибла томонни топиш маърифати»; Муҳаммад Амин ибн Убайдулла Мўминободийнинг «Шабака жадвали амали ҳисоби»; Соқи Муҳаммад Сони Чоҳарякийнинг «Рисола дар илму ҳисоб» асарлари бу давр фанининг ёрқин намуналаридан ҳисобланади.

Астрономия фани ривожига катта ҳисса қўшган олимларимиздан бири бу Аҳмад Дониш (1827-1897) бўлиб, у чуқур билимли, дунёқараши ниҳоятда кенг бўлганлиги сабабли замондошлари томонидан Аҳмад Каллали - Дониш деган лақаб олган. Аҳмад Дониш фан ва ҳунарнинг бир неча соҳаларига қизиққан. У астрономия, фалсафа, тарих, шеърият, адабиёт, педагогика ва ҳаттотлик билан шуғулланган. Уни дунёга машҳур қилган асарлари бу «Жадвали соат» (1876); «Мажмуи рисолаи нужумий»(1876); «Тақвимий соли аср»(1881); «Наводирул вақойе»(1882); «Манғит амирлари тарих»(1883) ва бошқалардир.

Нодир воқйеалар номли асарида Аҳмад Дониш – оламнинг абадийлиги, Йернинг шарсимон еканлиги, планеталарнинг ҳаракат қилиб туриши, Ой ва Қуёш тутилишлари ҳақида ўз фикрларини билдириб, бунинг сабабларини табиатнинг ўзидан қидириш зарурлигини айтиб ўтади.

ХВИИ асрнинг йирик географларидан бири қомусий олим Маҳмуд ибн Вали ҳисобланади. Унинг 1636 йилда ёзилган «Баҳр ул - асрор» (Сирлар денгизи) асари Ўрта Осиё географиясига бағишланиб, унда денгизлар, дарёлар, ороллар, шаҳарлар ва уларнинг табиий бойликлари алфавит тартибида келтирилган.

Бу даврда яшаган Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосимнинг «Чудеса земных поясов» номли географико-космографик асари асосан йернинг йетти иқлим ҳудудларига бағишланади.

Бобурнинг холаваччаси ҳисобланган Муҳаммад Ҳайдар (1500-1556)нинг «Тархий Рашидий» асарида ҳам Қошғар, Ёркент, Тибет, Ҳиндистон ҳақида географик маълумотлар келтирилади.

Ушбу даврда тиббиёт фани ҳам ривожланиб, бу соҳада бир қатор машҳур олимлар йетишиб чиқади. Ана шулардан бири машҳур табиб Убайдулло ибн Муҳаммад Юсуф ҳисобланади. У асосан кўз касалликлари билан шуғулланганлиги учун халқ орасида «Убайдулла Қаҳҳол» номини олади. 1598 йил у «Даволаш усуллари ҳақида» асар ёзади. Унинг бўлимларидан 18 тасида аёллар касаликлари, болалар гигийенаси, болалар касалликлари, токсикология, косметика, семизлик ва ориқлик муаммолари ёритилган. Аштархоний Субҳонқулихон ҳам (1680–1702) тиббиётга оид «Иҳё ат-табибий Субҳоний» (Субҳоний табобати бўйича даволаш) деган рисола ёзган.

Мавзу бўйича саволлар:

1. ХВИИ-ХИХ аср бошларида фан ривожининг тарихий шароитлари ва унинг пасайиш сабаблари нимада?
2. Туркистон халқлари фани ривожи ва унга рус олимларининг қўшган ҳиссаси қай даражада?
3. Туркистон жадидларини илм-фанга қўшган ҳиссаси нималардан иборат?

Адабиётлар рўйхати

1) Бернал Д.Ж. Наука и обшство. М. 1953

2) Бернал. Д.Ж. Наука и обшество. М. 1956

3) Исхаков Ф. Насионалная политика саризма в Туркестане. Т. 1997

4) Лунин Б. В Историография обшественних наук в Узбекистане. Т. 1972

14-Мавзу: XX асрда Ўзбекистон Фани ва унинг ривожи.

Режа:

1. XX аср фани ривожининг тарихий шароитлари, асосий босқичлари ва ўзига хослик тамонлари
2. XX аср бошида физика фани ривожи
3. Фаннинг янги сиҳалари йўналиши ва ривожланиши

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан Ўзбекистон фани тарихи фанига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, мавзу юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут

Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради

- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут

- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут

- Янги мавзу баёни – 5 минут

- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут

- Синов саволлар намунаси – 10 минут

- Уйга вазифа бериш – 3 минут

XX асрни олимлар « илмий-техник прогресс» (ИТП) ва «илмий-техник инқилоб» (ИТИ) асри деб аташади. ИТП ва ИТИ деганда қуйидагилар тушунилади.

Илмий-техник прогресс - бу фан ва техниканинг яхлитлиги, ўзаро боғлиқлигидир. Фан аста секин ишлаб чиқириш хизматкорига айлана боради, чунки, ишлаб-чикариш прогресси ва техник тараққиёт фақат илмий прогресс асосида ривожлана олади. Илмий технология инқилоби - бу фаннинг ижтимоий

ишлаб чикариш тараққиётининг асосий ва илғор факторига айланиши асосида ишлаб чиқариш кучларини тубдан сифатли ўзгаришидир.

Бунда техник вазифаларни ҳал қилишга енди барча фанлар қатнашади. Илмий кашфиётлар оркасидан бир қатор ишлаб-чикариш тармоқлари вужудга келади: М: радиоелектроника, атом енергитикасининг кашф етилиши, космонавтика ва яқин космоснинг ўзлаштирилиши, информатика ва ҳисоблаш техникасининг кашф етилиши, компютерлар, работлар, Йернинг суний йўлдоши, янги енергия манбалари, биотехнология ва ген инженерияси ҳамда кимё саноат ривожланди.

Шунингдек, XX асрда фаннинг бошка соҳаларида улкан кашфиётлар килинди: Мас: химия фани соҳасидаги ютуқлар катта ахамият касб етди, айниқса сунъий материалларни яратиш бўйича. Биология ва генетика соҳасида ҳам катта ишлар қилинди, илгари давоси йўқк касалликлар устидан ғалаба қилина бошланди. Витаминлар, гармонлар кашф қилинди. Мас. Инглиз микробиологи Ф.Туорт бактерия вирусини- бактериофагни кашф қилди.

Бу даврда Йер ҳақидаги фанларда: геология, гиофизика, океанография, метеорология ва бошка фанлар соҳасида катта ютуқларга еришилди.

XX аср охири - XX аср бошларидаги кўпгина кашфиётлар иккала жаҳон уруши оралиғида кенг қўлланилди. Булар: телеграф, телефон, радио, фуқаро авиасияси, кинематография ва бошқалар.

Кишилар кундалик ҳаётидаги техник воситаларнинг роли ва ўрни ўзгарди, яъни електр ёритгичлар, трамвай ва автомабил, лифт, пилесос, музлаткич, овоз ёзиш воситалари ва телевидения кашф қилинди. 1928 й. 26 июнда Тошкентда Б.П.Грабовский бошчилигидаги бир гуруҳ кашфиётчилар екранга ҳаракатланаётган трамвай тасвирини узатиб уни кўришга муваффақ бўлдилар.

1896 йил рус олими Сиолковский инсонни космосга ва ҳатто Қуёш системасига чиқиши учун космик аппаратларни лойиҳалаштирди. Космосни амалий илмий ўрганиш 1957 йилда собик совет иттифоқининг Йернинг биринчи сунъий йўлдошини космосга учиришдан бошланди. 1861 йил Ю.Гагарин космосга парвоз қилди. 1969 й. америкалик космонавтлар ойга қўнишди. Инсоният тарихида космик ера бошланди.

90 йилларда янги фан - ген инженерияси вужудга келди. 1998 йил клонланган биринчи ҳайвон яратилди. 60-70 йилларда буйракни ўтказиш (пересадка) ва сунъий юрак ихтиро қилинди ва ҳоказо.

Шундай қилиб биз XX асрнинг буюк кашфиётлари тўғрисида қисқача еслаб ўтдик. Енди бу даврда Ўзбекистонда фан ривожини кузатадиган бўлсак, аввало биз буни XИX - аср охири, XX-аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракатидан бошлашимиз керак. Улар томонидан яратилган янги усул мактаблари миллий интеллектуал елитамизни, миллий фанимизни ривожланишига жуда катта туртки берди.

Жадидчиликни нафақат янги оқим сифатида баҳолаш керак, балки унга Туркистонда янги иқтисодий-сиёсий қайта қуриш консепсиясининг туғилиши, гуманитар фанлар, ижтимоий-сиёсий фикрларнинг гуллаб – яшнаган даври деб қараш керак. Жадидлар ўша даврда жаҳолатдан маърифат орқали чиқиш йўлларини изладилар. Уларнинг кўпчилиги совет тоталитар режимининг қурбонларига айландилар.

XX асрнинг 20-йилларида Туркистонда биринчи миллий кадрлар тайёрлашда, миллий интеллигенсияни шаклланишида Тошкент (Ўрта Осиё) Давлат Университети катта рол ўйнади. Бу университет 1918 йилда маҳаллий ватанпарвар – маърифатчилар томонидан ташкил етилди ва ўз фаолиятини Туркистон Халқ Университети номи билан бошлади. 1920 йилда Давлат Университети мақомини олди. Бу даргоҳ Ўзбекистонда олий маълумот ва фаннинг кейинги ривожига катта ҳисса қўшди. Кейинчалик Ўзбекистонда бир қатор Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтлари ташкил етилди.

30 - йилларда Ўзбекистон фани ривожида бурилиш даври бўлди. Биринчи миллий кадрларимиз, миллий олимларимиз республика халк хўжалигини ривожлантиришнинг бир қатор амалий ва назарий муаммолари устида самарали илмий иш олиб бордилар.

Барча илмий фанлар ва йўналишларда фаолият кўрсатган олимлардан: геологлар Х.М. Абдуллайев, Г.А.Мавлонов, Н.А.Кенесарин, математиклар Т.Н.Қори-Ниёзий, Т.А.Саримсоқов, биологлардан Т.З.Зохидов, А.Г.Ғуломов,

химиклар А.С.Содиқов, К.С.Аҳмедов, тарихчи Й.Ғ.Ғуломов ва бошқалар бу фан юналишларининг асосчилари сифатида дунёга танилди. Илмий-текшириш муассасалари тармоқларининг тез ўсиши натижасида улар ишини координасиялаш ва бошқариш мақсадида 1932 йил Ўзбекистон Фанлар Қўмитаси ташкил етилди. 1940 йил 8 октябрда Қўмита базасида СССР ФА нинг Ўзбек филиали ташкил етилди. 1941 йил Ўзбекистонда 8 минг илмий ходим ишлаган 75 та илмий муассаса мавжуд еди.

Миллий интеллигенсиямизнинг шаклланиши жараёни мураккаб даврда кечди. Қатағонлар унинг сафидаги сара гулларни олиб кетди. Бироқ бу Ўзбекистонда фан ривожини тўхтата олмади. Уруш йилларида ўзбек олимлари Марказдан евакуасия қилинган олимлар билан бирга бир қатор илмий муаммолар устида самарали меҳнат қилдилар.

1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон ФА нинг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Унга 10 та илмий текшириш институтлари кирди. Унинг биринчи президенти етиб математик Т.Н. Кори-Ниёзий сайланди. 1944 йиллар охирида ФА тизимида 22 та илмий муассаса фаолият кўрсатди.

50-70 йилларда Республикада янги талантли олимлар плеядаси вужудга келди. Булар: геолог-акад. И.Х.Ҳамрабойев, биохимик-акад. Я.Х.Тўрақулов, химиклар – акад. М.Н.Набийев, С.Н.Юнусов, техника фанлари соҳаси академиклари- М.Т. Ўозбайев, М.А.Ходжинов ва бошқаларнинг илмий ишлари дунёга танилди.

50 йиллар бошларида фан ривожига қатағонларнинг янги тўлқини салбий таъсир кўрсатди. 30-йилларда қатағонлар асосан партия, совет, хўжалик ва ҳарбий кадрларга қаратилган бўлса, 50-йилнинг бошларида қатағонлар асосан фан ва маданият арбобларига зарба берди.

60-80 йилларда халқаро муносабатларнинг кескинлашуви, «Совуқ уруш» ва «Қуролланиш пойгаси» ХСК (ВПК) ҳарбий саноат комплекси соҳасида бир қатор фан тармоқларининг ривожланиши заруратини келтириб чиқарди.

Бахтга қарши ХСК соҳасидаги янги технологиялар халқ хўжалиги соҳасига жорий етилмади. Натижада СССР бошқа ривожланган давлатларга нисбатан саноат ва технологик тараққиёт борасида бирмунча орқада қола бошлади.

Шунга қарамасдан бу даврларда Ўзбекистоннинг чет ел давлатлари билан илмий ва маданий алоқалари ривожланди. Ўзбекистоннинг илмий текшириш муассасаларида 300 дан ортик чет ел олимлари бўлишди. Республика ўқув даргоҳларида минглаб чет ел талабалари билим олишди.

Мавзу бўйича саволлар:

1. XX аср фани ривожининг тарихий шароитлари, асосий босқичлари ва ўзига хослик тамонлари нимада?
2. XX аср бошида физика фани ривожига мисоллар келтиринг
3. Фаннинг янги сиҳалари йўналиши ва ривожланишини таҳлил қилинг.

Адабиётлар рўйҳати

1) Абдунабийев А. Саидов М. Сто имен в витке истории. Т. 2000

2) Бернал Д.Ж. “Наука в истории обшества” М.1956

3) Бернал Д.Ж. Наука и обшество М. 1953

4) Курилин В.А. Страниси истории науки и техники М.

15-МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ФАН РИВОЖИНИНГ ЙАНГИ БОСҚИЧИ.

Режа:

1. Президент И.А.Каримов асарлари
2. Мустақиллик йилларида фанлар ривожи
3. Истиқлол йилларида техника тараққиётининг ўсиши

Дарснинг ўқув ва тарбиявий мақсади: Талабаларда Фан ва техника фанининг тадқиқот обйекти, предмет ва вазифалари борасида тушунча бериш, шунингдек турли давлатларда тадқиқотчилар томонидан Мустақиллик даври тарихи фанига берилган маълумотларни талабаларга тушунтириб бериш.

Дарс ўтиш воситалари: доска, плакат, мавзу юзасидан манба ва адабиётлар, тарихий маълумотлар, мавзу юзасидан тестлар, изоҳли луғатлар

Таянч иборалари:

Ўзбекистон, илм-фан ва маданият, Марказий Осиё, археологик қазишлар, мустақиллик, Президентимиз И.А.Каримов, маданий марказлари, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур», 1997 йил 13 январ қарори.

Дарснинг хронологик харитаси – 80 минут

Ўқитувчи дарс давомида қуйидаги ишларни бажаради

- Ташкилий қисм: хонанинг тайёгарлиги, жиҳозланиши, санитария ҳолати, талабаларининг давомати – 2 минут

- Талабалар билим даражасини аниқлаш – 8 минут

- Янги мавзу баёни – 5 минут

- Мавзуни ўзлаштириш даражаси – 7 минут

- Синов саволлар намунаси – 10 минут

- Уйга вазифа бериш – 3 минут

Ўзбекистон - илм-фан ва маданият қадимдан тараққий етган мамлакатлардан бири, умуминсоний сивилизасиянинг ажралмас бир қисми ҳисобланади.

Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган археологик қазишлар ва тадқиқотлар бу заминда одамлар жуда қадимдан яшаганлигини ва уларда дастлабки емперик (тажрибага асосланган) билимлар шакллана бошлаганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон олимлари ота-боболари яратиб кетган ана шу қадимий илмий меросни ўрганиб, уни бойитиб, ўз илмий асарлари ва кашфиётлари билан жаҳон илму-фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилгач ўзбек олимларининг фаолиятида ва ўзбек фаниинг ривожида янги бир давр, янги бир босқич бошланди. «Бизнинг истиқболимиз- деб айтган еди И.А. Каримов Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 50–йиллигига бағишланган тантанали мажлисда - кўп жиҳатдан олимларнинг ҳозирги илмий изланишларига, уларнинг юксак қобилиятларига ва оқилона тавсияларига боғлиқ».* Дархақиқат Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек бугунги ўзбек фаниниг вазифаси – келажагимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, ертанги кунимизнинг йўналишларини ва қонуниятларини аниқлаб, кўрсатиб беришдан иборатдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги енг йирик илмий- маданий марказ ҳисобланиб, мамлакатда 59 та (61та) Олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда, шулардан 16 таси университет:

1. Тошкент университети.
2. Тошкент техника университети.

* Каримов И.А. Наша сел: свободная и просветаюшая Родина. Т., т.2, 1996., 77-78стр.

3. Тошкент иқтисодиёт университети.
4. Ўзбекистон жаҳон тиллари университети.
5. Самарқанд Давлат университети.
6. Андижон университети.
7. Бухоро университети.
8. Наманган университети.
9. Термиз университети.
10. Урганч университети.
11. Фарғона университети.
12. Қарши университети.
13. Қароқалпоқ университети.
14. Тошкент аграр университети.

15. Жахон иқтисодиёт ва дипломатия университети.

16. Гулистон университети.

Қолган 39 таси педагогика, тиббиёт, техника, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалик, санъат, маданият ва бошқа институтлардир. Уларда 300 мингга яқин талаба билим олмоқда. Олий ўқув юртлари 276 та мутахассислик бўйича мутахассислар тайёрламоқда.* Шунингдек республикамизда 140 дан ортиқ илмий-текшириш институтлари бўлиб, уларда 20 мингдан ортиқ илмий ходимлар фаолият кўрсатмоқда.*

Шу билан бирга юртимизда 246 (258) та ўрта махсус ўқув юртлари, шу жумладан 16 коллеж, 133 та техникум, 102 та билим юрти фаолият юритади. Уларда қарийб 250 минг ўқувчи 170 (198) мутахассислик бўйича таълим олади.*

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунига (1997 йил 2 август) мувофиқ, умумий таълим уч босқичдан иборат:

- бошланғич таълим --------- (1- 4 синфлар);
- таянч таълим ----------(5 – 9 синфлар);
- ўрта таълим ----------(10 – 11 синфлар).

* 100 саволга 100 жавоб. Т., Ўқитувчи. 1998., 103 бет.

* Катюкова Т.В. Истории науки. Т., 2002., стр.74.

Мазкур қонунга кўра мажбурий таълим муддати 9 йилга келтирилди ва таянч таълим муддатини қамраб оладиган бўлди. 1995 йилги маълумотга кўра Ўзбекистон Республикасида 183 бошланғич мактаб, 1814 таянч мактаб, 7203 ўрта мактаб ва 184 кечки мактаб бўлиб, уларда 418,7 минг педагог ишлайди.

Ўзбекистон мактабларида таълим ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, рус, туркман ва тожик тилларида олиб борилади. Шунингдек Ўзбекистон учун янги бўлган ўқув юрти турлари: гимназия, лисей, бизнес мактаб ва бошқалар очилди. Ўзбекистон Республикасида 185 та гимназия (15,5 минг ўқувчи), 187 та умумтаълим лисейи (50 минг ўқувчи) фаолият кўрсатади.

Яна Ўзбекистонда 1000 га яқин мактабдан ташқари таълим муассалари фаолият кўрсатмоқда:

-230 та ўқувчилар саройи ва уйи;

-137 та ёш техниклар;

-118 та табиатшунослар;

-42 та ёш саёҳатчилари маркази;

-360 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва ҳ.к.

1997 йил 29 августда Олий Мажлис «Таълим тўғрисида» янги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» қабул қилди. Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий қилинди. 9 – синфни битирган ёшлар уч йиллик академик лисей ёки касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган бўлди:

Ўзбекистонда узлуксиз таълим қуйидаги турларда амаллар ошириладиган бўлди:

-мактабгача таълим;

-умумий ўрта таълим;

-ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими;

-олий таълим;

-олий ўқув юртидан кейинги таълим;

-кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

-мактабдан ташқари таълим.

Шу билан бирга Ўзбекистон мустақилликка еришгач собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда атайин ташкил қилинмаган бир қатор муҳим (ҳарбий стратегик) ихтисосликлар бўйича алоҳида олий ўқув юртларини ташкил ета бошлади. Буларга:

-Мудофаа вазирлиги қошидаги Ҳарбий академия;

-Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси;

-Банк-молия академияси;

-Тошкент авиасия институти;

-Навоий тоғ-кон институти;

-Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети каби ўнлаб янги ўқув муассалари ташкил етилди.

Шундай қилиб «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Республикамизда давр талабига мос келадиган, бой ақлий мероси, ижодий ва ижтимоий фаоллиги билан ажралиб тураднган юқори даражада камолотга еришган мутахассисларнинг янги

авлодини шакллантиришни кўзда тутади. Шу мақсадда жаҳоннинг илғор университетлари тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда 1993 йилдан Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабалар қабул қилишда тест синови ўтказишга қарор қилинди. Болаларнинг ақлий қобилияти ва иқтидорини илмий тест тузиш усулида аниқлашни франсуз психологи Алфред Бине ишлаб чиққан бўлиб, бу тизим ғарбийевропа мамлакатларида кенг тарқалган.

Бундан ташқари 1993 йил Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида икки поғонали ўқиш тизимига ўтиш учун Низом ва Дастурлар ишлаб чиқилди. Бунда бакалавр илмий даражасини олиш учун 4 йил, магистрлик илмий (академик) даражасини олиш учун 6 йил ўқиш талаб қилиниши кўзда тутилади.

Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш учун жаҳон андозалари даражасида билим олган истеъдодли, руҳан баркамол ёш миллий кадрлар зарур. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январ қарорига мувофиқ «истеъдодли ёшларни саралаш, танлаш ва уларга ёрдам бериб, хориж мамлакатларда ўқиб, дунёвий тажрибаларни, жаҳон тараққиёти қонуниятларини ўрганишлари мақсадида «Умид» жамғармаси тузилди».

Ариза берган ҳар бир ёш йигит ва қиз махсус танловдан ўтади, яъни 2-3 курс талабалари таълимнинг бакалавр усули бўйича танлов учун ўтказиладиган саралаш имтиҳонларида, битирувчи талабалар, корхона ва ташкилотларнинг олий маълумотли ёш ходимлари таълимнинг магистрлик усули бўйича танлов учун саралаш имтиҳонларидан ўтадилар.

Бу ишга таълим ва тил ўрганиш бўйича Акселс, Айрекс, Британия кенгаши, Конрад Аденауер Фонди, Тасис каби халқаро ташкилотлар ҳамкорлик қилмоқда. Барча синовлардан муваффақиятли ўтган ёшларга ҳорижий ўқув юртларида билим олиш учун президент гранти берилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонлик ёшлар АҚШ, Буюк Британия, Франсия, Германия ва Японияниг машҳур олий ўқув юртларида ўқишмоқда.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Президент И.А.Каримов асарларининг Фан учун муҳим аҳамиятларини айтиб беринг
2. Мустақиллик йилларида фанлар ривожининг асосий омиллари нимада?
3. Истиқлол йилларида техника тараққиётининг ўсиши сабаблари ҳақида маълумот беринг.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов. И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ Т. “Шарқ” 1998
2. Каримов. И.А. Назначенийе науки - служит рассвету Родини Т. 1996
3. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз ғуруримиз Т. 1997
4. Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. Т. 1996.

Манба ва адабиётлар рўйхати

1. Каримов. И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўš Т. “Шарš” 1998
2. Каримов. И.А. Назначение науки - служить расцвету Родины Т. 1996
3. Каримов И.А. Амир Темур фахримиз ђуруримиз Т. 1997
4. Тюриков В., Шагулямов Р. По пути независимости. Т. 1996.
5. Абдунабиев А. “Вклад в мировую цивилизацию” Т.1998
6. Бернал Д.Ж. “Наука в истории общества” М.1956
7. Болград-Левин Т.М. “Древние цивилизации” М. 1989
8. История древнего мира - Расцвет древних обществ, упадок древних обществ. М. 1988
9. Древний Восток “История, философия, религия, искусство” М. 1996
10. Виргенский В.С “История науки и техники” М. 1977
11. Кузнецова Н.И “Наука в истории” М. 1982
12. Кузанский К. История культуры Древней Греции и Рима. М. 1990.
13. Лукошин Р.К. Органон Аристотеля. М. 1984.

14. Классическая наука Средней Азии и совершенная мировая цивилизация. Т. 2000
15. Очерки истории естественно-научных знаний в древности М. 1982
16. Ртвиладзе Е.В, Саидов А.Х, Абдуллаев Е.В Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право Т.2000
17. Аринов М.К. Социальная утопия как течение общественно - философской мысли в Средней Азии Т. 1989
18. Баҳодиров Р Классификация наук на мусульманском Востоке и место астрономии в нем. Обш. Науки в Узбекистане ж. №7, 1994
19. Баходиров Р. Ал-Хорезми М.1988
20. История политических и правовых учений в Средние века и в период Возрождения. М. 1986
21. Виргенский В.С. История науки и техники. М. 1977
22. Шухардин С.В. История науки и техник. М., 1977.

Мустақил иш машғулотлари

№	Мавзу
1	Қадимги Мисрда фан ривожининг тарихий шароитлари
2	Қадимги Месопатамия халҚлари оғзаки ижодиёти ва адабиёти
3	Қадимги юнон фанининг туғилиши ва унинг босқичлари
4	Дунёвий ва диний илмий билимларнинг уйғунлиги ва ўзаро бир-бирини бойитиш
5	Дунёвий ва диний илмий билимларнинг уйғунлиги.
6	Қадимги Ўрта осиё фани ва маданияти
7	Замонавий фаннинг ривожланиши. Фан ва дин ўртасидаги кураш
8	Амир Темур ҳомийлигида Марказий Осиёда фан ва маданиятининг юксалиши
9	ХВИИ-ХИХ аср бошларида фан ривожининг тарихий шароитлари ва унинг пасайиш сабаблари
10	ХВИИ-ХИХ аср бошларида фан ривожининг тарихий шароитлари
11	ХХ аср фани ривожининг тарихий шароитлари, асосий босқичлари ва ўзига хослик тамонлари
12	ХХ аср фани асосий босқичлари ва ўзига хослик тамонлари

13	XX аср Ўзбекистон фани ва унинг ривожи
14	Ўрта аср Европада Фан.
15	Уйғониш даври. Европада илмнинг уйғониш даври ХИВ-ХВИ вв. Гуманизм ва антропоцентризм. Дунёвий билимларни ташкил топиши Коперник, Леонардо да Винчи. Жордано Бруно Галилей.
16	Уйғониш даври. Европада илмнинг уйғониш даври ХИВ-ХВИ вв.
17	Гуманизм ва антропоцентризм.
18	Дунёвий билимларни ташкил топиши Коперник, Леонардо да Винчи. Жордано Бруно Галилей.
19	Буюк географик кашфиётлар.
20	Колумб, Васко да Гама, Магеллан, Кеплар, Пьер Ферма, Бойль.

ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРИХИ ФАНИДАН ГЛОССАРИЙ

1. Агрессия (лот. Агрессио – ҳужум қилиш) бир давлат томонидан бошқа бир давлатга ҳужум қилиш
2. Адолат ижтимоий-фалсафий, аҳлоқий ва ҳуқуқий тушунча
3. Акмеология (юнон. акмелогос) етуклик, чўққи, комолот юксалиш
4. Анамнезий – платон таълимотидаги тушунча
5. Анимизм – жон ва уҳнинг доимий мавжудлигига ишониш.
6. Атеизм – инкор этиш, худо ва динни инкор этиш
7. Ақида – билиш, бир нарсага ишониш, эътиқод қилиш
8. Бақо ва Фано-боқийлик, фонийлик, шарқ фалсафасида тушунча
9. Билиш – инсон фаолиятининг обьектив воқеликни онгда акс эттириш
10. Биоэтика – ҳаёт ва хулқ одат ҳозирги замон этикаси бир тури
11. Буддизм диний фалсафий таълимот
12. Бҳагавадгита – («Илоҳий қўшиқлар») қадимги ҳинд диний фалсафий тафаккур илғорлиги
13. Вайтешка – (алоҳида, ўзига хослик) қадимги ҳинд диний фалсафий мактаби
14. Вандализм (лот. Вандале – қадимги шарқий герман қабиласи номидан олинган) маданиятга қилинган ҳужум. Вайрон этиш.
15. Ваҳдоният (арабча) – аллоҳнинг якка – ягоналигини таниш ва эътироф этиш.

16. Ведалар (билим) – вида тилида қадимги ҳинд адабиёт ёдгорлиги.
17. Воқелик – табиий ва ижтимоий тарихий ҳодисаларни ифодаловчи обьектив реаллик.
18. Па-Мисрда куеш худоси
19. Шадуф-Чархпалак
20. Механик дастгох-Машина
21. Академик-Олим .Юнонистонда пайдо булган мактаб